


ШУКРУЛЛО

1



САЙЛАНМА

Уч жилдлик

Биринчи жилд

УКРУЛЛО

САЙЛАНМА

ШЕЪРЛАР

ДОСТОНЛАР

ЭРТАҚЛАР



Сўзбоши муаллифи
ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ

Шукрулло.

Сайланма: 3 жилдлик.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1981.

I-ж.: Шеърлар. Достонлар. Эртақлар/Сўзбоши муаллифи Қ. Қу-
лиев. 400б.

Таниқли ўзбек совет шоири Шукрулло (Шукрулло Юсупов) олтимиш ёшга тўл-
ди. Шу муносабат билан авторнинг уч жилдлик сайланма асарлари нашр этилмоқда.
Қўлингиздаги биринчи жилдга ижодкорнинг сара шеърлари, поэмалари ҳамда эр-
так-достонларидан намуналар жамланди.

Шукрулло. Избранные произведения. В 3-х т. Т. 1.

Ўз2

Ш 70403—84
М352(04)—81 46—81 4702057020

ЁРҚИН ТАЛАНТ

Шукрулло билан танишиб, бир оз борди-келди қилгандан сўнг мен ўзимга-ўзим: «Бу одамнинг табиатидаги асосий фазилат нима?» деб савол бердим ва шундай жавоб топдим: бу — хатти-ҳаракатда, суҳбатларда, шеърятда — ҳамма нарсада ундаги собитлик ва самимийлик экан.

Агар учрашиб қолсангиз, илк суҳбатдаёқ унинг туғма шоир эканлигини ҳис этасиз. Шеър ёзиб, китоб чиқариб юрганларнинг ҳаммаси ҳам кишида шундай яхши таассурот қолдиравермайди. Биз, унинг иттифоқдош республикалардаги дўстлари, ўзбек қардошимизни суюб «дарвеш» деб атаймиз. Шукрулло табиатидаги кўтаринкиликни, ҳалолликни, ўзи умрининг охиригача астойдил хизмат қилишга бел боғлаган шеърятга садоқатни худди шу сўз бирмунча тўғри ифодалайди. Унинг характерида болалик ва донолик ажойиб равишда уйғунлашиб кетган. Шоир зоти учун ниҳоятда зарур бўлган бу белгиларни Шукрулло табиатидан алоҳида ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз уни омадёр одам деб атаймиз. Ҳаёт унга кулиб боққан, табиат унга истеъдод бахш этган.

Бир неча йиллар аввал мен Шукруллони ҳозир тасвир ва тасаввур этган ҳолда кўрганман ва ёқтириб қолганман. Йиллар ўтди, бироқ менинг дастлабки тасаввурим, унга бўлган муносабатим ўзгаргани йўқ. Ҳозир ҳам мен уни эҳтиросли санъаткор, ёрқин талант, оққўнгил инсон, танти, яхши дўст сифатида биламан.

Ҳар бир одамнинг кимлигини кўрсатадиган нарса унинг меҳнатидир. Инсон ўз ишига қай даражада уста бўлса, шунчалик кўп қадрланади. Зеро, оламда инсон меҳнатидан кўра эъзозлироқ нарса

йўқдир. Шукрулло шеърятнинг азамат заҳматкашидир. У шеърят заргарлари сафидан ўрин олиш ҳуқуқига эга. «Заргарлар» эса шеърятнинг яратувчиларидир. Улар ҳамиша ҳаётнинг, санъатнинг кўрки, гўзаллиги бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шукрулло ўзбек халқи севиб ўқийдиган шоирлардан. Қолаверса, у аллақачон мамлакатимиздаги барча китобхонлар эътиборини ҳам қозонган. У шоир сифатидагина эмас, драматург сифатида ҳам маҳоратини намоиш қилмоқда. Шунинг учун ҳам мен шонрга меҳр-муҳаббат изҳор этиб, ушбу сўзларни ёзаяман. Муҳаббатсиз, меҳрсиз ҳеч қачон ҳеч нарса ёзиб бўлмайди. Шукрулло эса менга инсон сифатида ҳам қадрлидир.

Мана, ўзбек дўстимнинг инсоний сифатлари ва ижодининг поэтик хусусиятлари ҳақида мен айтган фикрларни тасдиқловчи мисралар:

Неки қилдим, сен учун танҳо,
Елғизликдан ахир не маъно?
...Сен туфайли ўлимга қарши
Чидам билан мен кўтардим бош.
Қандай улуғ меҳринг оташи,
Инсон, сенинг меҳринг чин қуёш!
Сен берувчи умид, бахтни ҳам,
Мен сен учун яшайман, одам!

Самимият, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат туйғулари барқ уриб гурган бу сатрлар ўзлари ҳақида ўзлари гапирадилар. Улар Шукруллонинг санъаткор сифатида қанчалик самимийлиги ва гуманистлигига, халқ билан яқтанлиги ва қалби янги ҳаёт қураётган совет кишиларига меҳр-муҳаббат билан тўлалигига асосли далил бўла олади.

Мана, неча йилдирки, Шукрулло ҳар бир ижодий ишни ана шундай ёниқ эҳтирос ва ғайрат билан амалга оширади. Менимча, у бундан кейин ҳам шундай яшайди, шундай ижод қилади. У ўз табиатига кўра шеърятга ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган, ҳамиша ҳаётга ва одамларга меҳр-муҳаббат билан қарайдиган одамлардан.

Шоир зоти бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! Шукрулло эса ҳақиқий шоир.

Маълумки, ўзбек шеърияти ўзининг қадимий анъаналарига эга. Биз бунда беш юз йил илгари яшаб ижод қилган Навоидан тортиб, замондошимиз Зулфиягача қанчадан-қанча адибларни биламиз. Ўзбек шеъриятида буюк ижодкорлар қанчалик кўп бўлмасин, бу даргоҳда Шукруллонинг ҳам ўз ўрни, ўз йўли бор. У ўзига хос йўли — услуби борлиги билан бахтиёр. Шукрулло ҳозирда халқ оммаси томонидан тан олинган, ўз жонажон адабиётини бойитаётган шоирлардан.

Улуғ ўзбек шоири Ғафур Ғулом ўз мақолаларидан бирида Шукруллони йирик лирик шоирлардан бири деб атаган эди. Бу гап аниқ ҳақиқатдир.

Шукрулло (Шукрулло Юсупов) 1921 йилда Тошкентда туғилди. Унинг отаси Юсуф акани фақат яхши одам бўлгани учунгина эмас, фойдали одам — эмчи, эмловчи бўлгани учун ҳам барча яхши танир ва ҳурматини жойига қўярди. Қолаверса, у шеърият ва музикага ихлосманд, адабиёт ва санъат намойендаларининг яқин дўсти ҳам эди. Менга Ғафур Ғулом бу одам ҳақида кўп яхши гаплар, мақтов сўзлар айтганини, уни тез-тез эслаб турганини таъкидлаш ҳозир ёқимлидир.

Урушдан олдинги йилларда Шукрулло педагогика билим юртини тугатиб, қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилди. 1944 йили педагогика институтини тугатиб, сўнг аспирантурада ўқиди. Шоирлар ҳам билим олишлари лозим. Терак билим, юксак маънавият ва маданият ҳеч кимга халақит бермаганидек, уларга ҳам ортиқчалик қилмайди. Мен шоир шахси ва адабий фаолияти ҳақидаги гапларни шунинг учун ҳам бир ўринда келтиряпманки, санъаткорнинг ҳаёти ва ижодини ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Отасининг характерли хислатлари: кўнгилчанлиги, одампарварлиги, фидойилиги, меҳнатга ва шеъриятга муҳаббати ўғлининг қалбида ва асарларида чуқур из қолдирмаслиги, характерига ва ижодига таъсир қилмаслиги қийин эди.

Шарқнинг зукко донишмандларининг: «Қозонда бўлса чўмичга чиқади», деган гапи тўғри гап!

Шукрулло асарлари урушдан илгари чоп қилина бошлаган. Унинг

дастлабки «Биринчи дафтар» деб номланган тўплами эса 1948 йили босилиб чиқди. Ушандан бери ўзбек тилида ва русчада кўпдан-кўп китоблари чоп қилинди. Булар ичида унинг икки жилдли танланган асарлари ҳам бор.

Мен яқиндагина яна бир марта ўзбек тупроғини зиёрат қилиб келдим. Қадим Мирзачўл ҳосилдор ва гуллаётган ўлкага айланганини кўрдим. Сирдарё областининг марказида қурилган янги шаҳарлардан бирига Гулистон деб ном қўйишибди. Гулистон—номига мос шаҳар. Қақраб ётган чўлда ўзбек пахта усталари қанчалик улкан ҳосил олаётганини, уларнинг тинимсиз меҳнати эвазига қанчадан-қанча қовун, тарвуз, олма, узум етиштирилаётганини, янги қишлоқ ва посёлкалар, шаҳарлар ва заводлар қад кўтараётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Ўзбек тупроғида ўтмиш усталари бунёд этган ўлмас гўзалликлар-чи? Бу ўринда Самарқанднинг Регистонини тилга олишнинг ўзи ҳам етарли. Дунёдаги ҳеч бир архитектура ёдгорлигидан қолишмайдиган бу иморатлар ўзбек меъморчилигининг мўъжизаси, гўзаллик ва шеърят тимсолидир.

Шукрулло қадимий ва юксак маданиятга эга бўлган мамлакатнинг, қайта яшарган она-Ернинг шоири бўлиш бахтига муяссар бўлган ижодкорлардан. Унинг шеърлари фикрий теранлиги ва лириزمи, ҳаққонийлиги ва эҳтирослилиги, енгил юморга йўғрилганлиги билан ажралиб туради. Улар ўз ижодкорига менгаб кетадилар. Санъаткорнинг характери, унинг табиатига хос хусусиятлар асарларига ҳам кўчади. Албатта, ёмон одамлар ҳам у-бу нарса ёзиши мумкин, бироқ улар ҳеч қачон шоир бўла олмайдилар. Ёмонлик ҳамиша эзгулик нурлари билан йўғрилиб келаётган шеърятнинг асоси бўла олмайди. Бу ҳақиқатнинг абадийлигига ишонайлик.

Шукрулло ижоди—бу шунчаки ўзбек шоирининг ижоди эмас, у биз, совет шеъряти деб атайдиган, миллий адабиётларнинг, шакланган бой ва ранг-баранг шеърятнинг ажралмас, узвий қисмидир. Тўғрисўзлик, самимийлик адабиётимизга зарур сифатлардир.

Тошкент шаҳрида ажойиб шоир, оққўнғил ва оқил одам, дилкаш суҳбатдош яшайди. Унинг уйи меҳмондўст ўзбек уйлари ичида энг меҳмондўстларидан биридир.

Шоир уйининг эшиги унинг қалби каби дўстлари учун ҳамиша очиқдир. Мен Шукруллонинг кўплаб дўстлари қатори бу уйда унутилмас дақиқаларни бошимдан кечирганман, истеъдодли, самимий одамлар билан суҳбатдош бўлганман.

Мен Шукрулло каби дўстсевар шоирларни кам кўрганман. Бу ажойиб адиб, боладай беғубор, Хўжа Насриддиндай оқил ва ҳазилкаш, самимий ва дилкаш инсонни ёқтириб қолмаслик мумкин бўлмаган ҳолдир.

ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ

Кабарда-Балқар АССР халқ шоири, СССР
Давлат мукофотининг лауреати.



ШЕЪРЛАР

1938—1940

* * *

Севги — вафо десанг, бу ишқ абадий,
Агар мафтун қилса кўз, қоши, лаби...
Ажралмоқ осондир — сал шамол билан
Тарқалиб йўқолган булутлар каби.

СОҒИНИШ

Мен онамни соғинганда олам зириллар,
Она, десам бор етимлар қўшилиб йиғлар:
Онам бўлса, кошки сендек мен ҳам соғинсам,
Дийдор кўриб боқишликни, о, орзу қилсам.
Бахтимизни кўриб ҳатто, шовулла Аму,
Қувонмасми эди ҳаёт бўлганида у.
Ўз фарзанди эл қатори бўлган вақтида
Она каби ким қувонар унинг бахтидан?!

ДАРЁ ОҚШОМИ

Қирғоқларга бош қўйганича
Ястанмишди ям-яшил ўрмон.
Қушлар сайрар то тўйгунича
Дилрабо куй таратиб ҳарён.

Жўр бўлади шовуллаб Аму...
Кўпуклари мисли оққушдек.
Қанот қоқар, ойнинг нурида
Оқин дарё оқин кумушдек.

Оқшом чоғи гоҳ кўнглимда
Ниманидир излаб қолардим.
Бу севгими, соғинчми? Кўздан
Ёш оққанин сезмай қолардим.

* * *

Баъзан хаёл мафтун қилар, элитар,
Хурлар билан гулзорларга элитар.
Аммо хаёл кезиб бутун дунёни
Чин севгимни шу ватанга эл этар.

СОНЕТ

Халқ — бойлигу Ватан — хазина,
Мен посбон. Бу ноёб касб.
Хоҳ тун бўлсин кўраман, босиб
Душман кирса, бўлиб бир игна.

Севинчларга тўла бу сийна,
Чунки шуни менга муносиб
Кўриб, халқим айлабди насиб.
Майли! Умрим бўлсин ҳадия.

Ватан ишқи билан, о, қалбим
Денгиз каби тўлиқ, лиммо-лим.

Севгим бўлмас асло бегона,
Ишонтирай қайта онт очиб —
Ки, жон берсам жангларга кириб.
Севгим, юрак бут қолар яна.

* * *

Хоҳ тўхтаган бўлсин, хоҳ чиқарсин сас,
Гар мили бўлмаса у соат эмас.
Қимдаки халқига муҳаббат йўқдир
Хоҳ ўлган, хоҳ тирик инсон саналмас.

ДЕНГИЗДА БИР ТУН

Аста-аста чўкди, шўнғиди қуёш,
Майда тўлқинларга кўмилди денгиз.
Шафақдан уфқнинг бари қизаргач,
Хуснин кўз-кўз қилиб балқиди ой — қиз.

Пароход силжиди аста ўрнидан,
Тўлқиндай товланиб елпинди байроқ.
Миллион юлдузлардек кўзни тортарди
Ильич чироқлари порлаган қирғоқ.

Саховат сандиғи кўк очди, денгиз
Эриган қалайдай, нурга чўмилди.
Ой нури, пароход сузади беиз,
Қаймоқ кесаётган пичоқдай эди.

Пароход боради тун қўйнин ёриб,
Кўзга кўринади фақат осмон, сув.
Ярим кеча бўлди, ой оғди — саҳар,
Шодликдан кўзларга келмайди уйқу.

Ҳамон дўстлар билан ширин суҳбатлар,
Денгиз тўлқинидек олар эди авж.
Завқларингга яна завқлар қўшади,
Илк саҳар кўкида юлдуз уриб мавж.

Кўкдаги юлдузлар сочилган танга,
Бир-бир терилгандек битди кўнгалди.

Денгиз қирғоғида ёнган аланга
Қаби қуёш чиқиб, алвон нур ёйди.

Қизил байроқ гўё зарга бўялиб,
Дилларга завқ бериб елпинар эди.
Орол балиқчисин шод қўшиғини
Бизнинг қўшиқларга ел улар эди.

Қўшиқлар қирғоқни қирғоққа улар,
Ватаним денгизи гўзалликка бой.
Қаерга бормагил, меҳнат, саодат
Етук қизлар қаби кўргизар чирой.

* * *

Кўзгуга ўйилган гўзал нақшсимон
Илк севги қалбингдан асло кўчмайди,
Безак кўрки бўлиб яшайди ҳар он,
Кўзгу синмагунча у ҳам ўчмайди.

ЛЕРМОНТОВ

Шамолдек дарбадар. Иссиқ макон йўқ.
Қувилдинг йироққа, қилиндинг сургун!
Ҳақсизлик учун сен келтирмай қуллуқ,
Киборларга қарши чиқармишдинг ун.

Мазлумлар қонидан қилинган майни
Хумор-ла ичишиб, улар қилди кайф.
Мақтамай бўҳтонни, қонни, саройни
Аксинча дединг сен:— Улим! Лаънат! Ҳайф!
Прометей хислатин қилдинг сен одат,
Фикрингда Бруно каби турдинг сен;
Муртадлар шоҳига қилмай ибодат,
Хуррият куйларин олға сурдинг сен...

Шу эди, исёнкор, қилган «гуноҳинг»,
Шу учун шоир, сен, бўлмишдинг қурбон.
Шу учун Кавказнинг кумуш қорларин
Лоладек қизартган, у покиза қон!
Тентаклар отгандек кўкка кесакни,
Улар ҳам отганлар юлдузларга ўқ.
Гўёки, бўлганлар кўкни қулатмоқ,
Мумкинми бу асло!

Ҳақиқат дер — йўқ!
Замонлар ўтдилар,
Ўтдилар йиллар,
Сен қилган орзулар чиқди рўёбга.

У ширин лириканг ҳур замонда
Айланган ҳеч ўлмас дури ноёбга.

Осмонни қулатмоқ бўлган номардлар
Бемаъни бақириб бўлдилар барбод.
Ҳамон осмон ҳаёт! Ҳаёт номинг ҳам,
Лириканг дилларда яшар умрбод.

КУЗАТИШ

Қуёш туман — чойшаб тагидан,
Юзин очар, кўтариб қия.
Минг жилва-ла тоғ — тўшагидан
Нур тўкарди билониҳоя.
Тонг елидан учди ниқоби,
Мағрур қадди нурларга чўмди.
Саҳар боргоҳида келиндек
Уфқ кўзгусида барқ урди.
Кундагидан кўра табнат
Гўзал, юрагимдек беғубор.
Назаримда ҳатто қуёш ҳам
Деган каби бўлар яхши бор...
Йўл-йўлакай менга эргашиб
Шуълалардан тебратар рўмол.
Қалб қувонч-ла олам каби кенг,
Океанлар сиғар бемалол.
Нега севинч бўлмасин океан,
Нега шахдам тепмасин юрак,
Йигитликда Ватан қўриқчиси,
Деган номдан улуғ не керак!
Тақдирини ишониб менга,
Шуни лозим кўрганда халқим,
Кўкрак кериб бахтлиман десам
Ҳақиқатан ҳақлиман. Ҳаққим!
Мана бугун йигитлигимнинг,
Тантанаси, бугун тўй, байрам.

Чунки армияга жўнайман,
Юрагимдан ичиб чин қасам...

Кеч ҳам кирар сира сездирмай,
Одамлар билан тўлган вокзал.
Қўлларда гул, шодлик, хурсандлик,
Атроф жуда кўркем ва гўзал.
Қўплар ўглин, қизлар ёрини
Узатмоқда гуллар тутишиб,
Қаҳрамонлик, ҳушёрлик тилаб —
Ажралишар аста ўпишиб.
Жаранглади бирдан қўнғироқ,
Поезд қимирлади, юраклар
Ҳаяжонга тўлиб, қанотдек
Ҳилпиллашга бошлади қўллар...
Гул ичига беркинган қиздек
Тол ортидан қуёш мўралаб,
Ажралишни севмаган каби
Эргашарди доим мен тараф.

1941—1945

ИСТАЙМАНКИ...

Мен навқирон, ҳали ҳаётда
Насибам мўл, орзум беҳисоб.
Умр китобида йигитлик
Муқаддима, бир дебоча боб.
Истайманки, умр достонининг
Барча боби ўтсин бешикаст.
Истайманки, гижимламасин
Ҳаёт гулин душман уриб даст.
Истайманки, олам ҳамиша
Баҳор чоғи, тонг отар бўлсин.
Ўпкаларга олинган нафас
Чаманзордек муаттар бўлсин.
Истайманки, дайдиб келган ёв
Гулзоримни яксон этмасин.
Ленин берган мерос — халқимнинг
Бир умрлик эрки кетмасин.
Орзуларим денгиздек тошқин,
Шу меросга мен ҳам посбон.
Коммунага етсин насллар,
Майли, бўлсам шу йўлда қурбон.

• • •

Душманга минг ёлвор, минг илтижо қил,
Бағри тош, мурувват чиқиши мушкул.
Ғанимдан марҳамат — ойнинг нуридан
Иссиқлик кутиш-ла баробар буткул.

АЛЬБОМГА

Йиллар ўтар, ўтар умрлар,
Ер бағрига олар бирма-бир,
Лабда қолиб ширин бўсалар,
О, ажралмоқ нақадар оғир.

Фироқ оғир! Ундан оғирроқ
Ватанингдан мангу айрилмоқ.
Фашистларга юртин бергандан
Афзал жангда курашиб ўлмоқ.

Йиллар ўтар, балки ўларман,
Шу парчани қолдирдим сенга.
Ўқиганда, балки сўзларим,
Ҳам қиёфам келар эсингга.

Қўмсаганда бўса лаззатин,
Гар қўлингга тушса шу варақ.
Лабларингга боссанг меҳр билан,
Мени ўлган демассан мутлақ.

МАКТУБ

Балки севгим сенгадир аён,
Қўпдан сени севаман, гўзал.
Тонг отажак бешак, бегумон,
Ҳижрон битиб, висол етган гал.

Ишон эй, ёр, сен қанча севсанг,
Меники ҳам ундан кам эмас.
Фақат-фақат вафони билсанг,
Ол жонимни, ҳижронни қўй, бас!

Тўнғич севгим тўхтаган сенда,
Кутмагайман риё ва зулм,
Ва севгайман, пировардида
Насиб бўлур ё сен, ё ўлим.

Хотирлайман боқишларингни,
Едга келар бўса тунлари.
Юрагимга ўт тушар шунда,
Қўкка учар ёв кукунлари!

Ҳар баҳор, ёз мени кутарсан,
Зўр умидда севгинг мавжланар.
Ойдин кеча... Сир ёқасида
Кезишларни эслаб дил ёнар.

Йиллар ўтди, ойлар кечмоқда,
Минутларни кузатарсан, ёр.

Бу жанг, ахир! Ишон, албатта,
Мен голибман, кутгил умидвор!

Висол куни яқин, шод кутгин!
Бўсаларга лабларим чанқоқ.
Ҳижрондан сўнг тегса лаб лабга,
Ҳар галгидан бўлар тотлироқ.

Қалбимдаги севги тўлқинин
Сигдиrolмас ўзига бу хат.
Мактуб кутма, чунки яқинда
Қўражаксан мени саломат.

* * *

Ким ўйлабди ўз манфаатин
Дўст бўлар деб ҳеч умид кутма!
Ёв қўлида сени қолдирар,
Ўзин сақлар, буни унутма!

СЕВГИ

Гулшанда тонг эди...

Гунча,

капалак.

Бир ўпич устида тутдим иккисин.

Капалак узр этди,

қаноти билан

Димоғимга уриб гулларнинг исин.

Яна учиб қўнди

бир пушти гулга,

Гўё истар эди шундан бўсани.

Чунки айланарди унинг қошида,

Севар экан дедим

мен ҳам ўшани.

Аммо,

кўп ўтмади

тарк этиб уни,

Ўзга гулга севги айлади изҳор.

Менинг муҳаббатим,

меҳрим мутлақо,

Уникидай эмас

кўчма,

беқарор.

Иккимиз умид-ла ошён қурдик,
Жужуқлар саноғи бармоқлардан кўп.
Яшасин уйимиз ва оиламиз,
Ватандан бир парча жонажон маҳбуб.

* * *

Менга дўст керакдир, дўст бўлур фақат
О, фикри фикримга гар монанд бўлса.
Ишонинг, ишонинг, умрим ҳадя,
Халқи-ла бир йиғлаб, бирга шод бўлса.

* * *

«Севаман!» деб қасамёд этма зинҳор,
Солма йўлларига гулдан поёндоз.
Агар қилмоқ бўлсанг севгингни изҳор,
На булар керагу, на безак, пардоз.

Муқаддас севгини, наҳот, безаклар,
Гуллар қадри билан ўлчанса, ахир!
Наҳотки, завқ билан айтилган бир сўз.
Севгига абадий бўлолса муҳр!

Тилда «севаман» деб, ўтмасдан йиллар,
Муқаддас бу сўзни хор қилганлар бор.
Сиртқи пардоз рангдек ювилиб кетар,
Гуллар ҳазон бўлур, ўтаркан баҳор.

Севги нималигин англамоқ бўлсанг,
Покиза сақламоқ бўлсанг ҳар нафас.
Мансаб ва ҳусннинг кетидан қувма,
Севгини вафо деб англай олсанг бас!

ГУЛЗОР ВА ЁР

Қўклам ўтар...

Гулзордаги гул
Йўқотади ёшлигин, исин.
Қиммати ҳам қолмайди буткул,
Чунки қадри — ундаги ҳусн...

Ииллар ўтар...

Умрдошингнинг
Сочига ҳам оралайди оқ.
Фарзанд кўриб, қора қошининг
Ажин босар атрофин.

Бироқ,
Сен ўзинг ҳам ойнага боқ-чи,
Қирчиллама шаштинг қолмаган.
Умр деган эски қароқчи,
Бўз йигит деб сийлаб қўймаган!

Ёр — гул эмас,

эски гулзорни,
Қилмоқ мумкин янгидан гулзор,
Чин муҳаббат ҳусн танламас,
Ҳусн учун севмас вафодор.

ТАСОДИФ

О, тасодиф! Тасодиф гоҳ бахт,
Гоҳ келтирар ўлим ва хатар.
Тасодифан хурсандман беҳад,
Дучор қилди бахтга бу сафар:

Тасодифан кўрдим базми кеч,
Ўғирладинг севгимни дарҳол.
Юрак дардин айтолмади ҳеч,
Боқишларинг қилди мафтун, лол,
Айланмади тил ўша онда,
Хайрлашдик бебўса ва жим.
Сен кетдингу қолдим армонда,
Учрашишни сўроқлолмадим.

Тасодифнинг мен учун бу гал
Келтиргани бахтми, ё ҳижрон.
Ҳали-ҳали этолмайман ҳал,
Фироқингда ўртама жонон.
Тасодифдан шодман, аммоки,
Афсус билан қолганлигим рост!
Қайдасан, ёр, топгунча токи
Тасодифга йиғлайман, холос.

ТУНГИ МЕҲМОН

Ер кўринмас. Текис момик қор,
Кўкда унинг акси — оқ булут.
Қадам боссанг ажиб гашти бор,
Ғарчиллайди, бузилар сукут...
Кўчаларда одамлар чаққон,
Минутларни суриштирган кўп.
Ярим кеча... Уйлар чароғон,
Чол, ўспирин ҳар уйда тўп-тўп.
Жомлар тўла, ҳеч ким тотмайди,
Бир зориқиш — ҳаммада виқор.
Еру дўст жам, яна кимнидир
Кутилгандек мунтазирлик бор.
Биз зориқиб кутган янги йил
Қириб келди аёз ва тунда.
Чехрасида акс этар баҳор,
Бахт, шон олиб келди тугунда.
Шунда таъзим қилиб декабрь,
Январь учун кўрсатаркан жой,
Қадаҳ тутиб турди бор халқим,
Юртим олди ўзга бир чирой.
Қуйинг дўстлар! Қуйинг шаробни,
Қосалардан тошсин кўпириб.
Шу янги йил — меҳмон ҳурмати
Учун ичай мен ҳам ғоз туриб.

■ ■ ■
Баъзан тотув дўстлар бўлганида жам,
Чинни косаларга қуйилади май.
Улфатлар узатар шароб тўла жом,
Гоҳо маст бўламан, бир қултум ичмай.

Таажжуб қилмангиз, дўстлар, бу ҳолга,
Чиндан кайфим баланд, менга қуйманг, бас.
Қайфим сабабини айтсам: бунгача
Улфатлар суҳбати қилган эди маст.

ИККИСИ ҲАМ ШИРИН

Баъзан мисралар ҳам келади равон,
Баъзан тун оқарар, кўп қилади хит.
Энди илҳом тўлиб бўлганда тўфон.
Уғлим тура келиб берар халақит.

Иккиси ҳам ширин, жондош, бебаҳо,
Билолмайман қайсин этишимни тарк,
Уртага қўяман меҳримни танҳо,
Шунда жанггоҳ бўлиб қолади юрак.

Уғлимнинг севгиси, шеъримнинг ишқи,
Иккови бир йўла қалбга тирмашар.
Иккови камолот учун интилиб,
Мен билан истиқбол кўкида яшар.

КАПАЛАК

Мунча хур пар каби енгил капалак,
Гулдан гулга қўнар, учарди тинмай.
Узоқ қўниб қолди...

 хаёлимни ҳам
Ғунча япроғига кўмди сездирмай.

Тирпинди, сескандим, хаёл ҳам учди,
Бўсаларга қониб елпитгач қанот.
Капалакдек енгил сездим ўзимни,
Шу нафас кўринди олам ҳам обод.

* * *

Шарросдан юз ювди мудроқ дарахтлар,
Гул чирой кўрсатиб яшнади — баҳор,
Азамат тоғларни ошиб, айқириб,
Пишқириб оқади малла тўн анҳор.
Умримни баҳорга қиёс этгулик,
Анҳордек қудратли шижоатим бор.
Аммо фикрим лойқа хаёлотлардан,
Ифлос тўлқинлардан халос, бегубор.

КУЗ

Кундуз. Осмон юзин буркади булут,
Гўё чироқ ёнғач туширилди парда.
Кўча тупроғидан кўтарар қуюн,
Шамол, табиатга қилгандек зарда.

Терак учларига қўнмоқчи бўлиб,
Осмони фалакда қушлар чийиллар.
Йўлидан чалғитиб, шохларни силкиб,
Олтин япроқларни тўзгитар еллар.

Ёмғир шивалади, бир тўп болалар
«Уй-уй»га, дея тарқалиб кетди.
Толзорларни кезган кўм-кўк анҳорнинг
Ёмғир қамчисидан қабарди бети.

Кўликларга боқиб кутган дўстларим
Шунда етиб келди кўп қилмай муштоқ.
Самовар навоси, тарнов шарраси,
Улфатлар базмига айтилган машшоқ.

САБАБИНИ БИЛСАМ

Теваракни буркаб оқ нурга
Лаппа-лаппа ёғар момик қор.
Қапалакни эслатди.

Шунда —
Хаёлимда гул ёзди баҳор.

Деразамда акс этар ўрмон,
Қўз ташлайман атрофга хурсанд.
Қор учади...

Қалбимда шу он,
Мавжланади завқларим беҳад.

Қиш фасли-ку?
Кўринар кўзга
Минг кўкламдан зиёда гулзор?
Сабабини билсам,
 дилимга
Чўккан экан
 абадий баҳор.

ҚИШ ЭРТАСИ

Қиш эртаси нақадар гўзал!
Атроф текис, оппоқ-оппоқ қор.
Гўё олам энди яралиб,
Оқ шоҳидек тўкмаган оҳор.

Тол, ниҳоллар қорга бурканиб,
Тизза бўйи қилганлар таъзим.
Фақатгина мирзатераклар
Куёв каби турар мағрур, жим.

Тонгда тушган изни беркитиб,
Учқунлади қор устига қор.
Доғ кўринмас олам бетида,
Қалбим каби тоза, беғубор.

МЕНИНГ СЕВГИМ

Ҳеч нарсa йўқ, менинг билишимча,
Қуёш каби қаримас, улуг.
Майли булут, майли тўфонлар,
Ушбу олам нурга тўп-тўлиқ.
Чалғимайди асос йўлидан
Кечирса ҳам миллионлаб йилни.
Шунинг учун кoinот аро
Топмиш шуҳрат, қиймат, қадрни...
Нечук одам севган ёрини,
Йиллар ўтгач ишқин тарк этур!
Нечук одам ўз онасини,
Улғайганда қадрин унутур.
Унутилса, наҳот, тонг отгач
Тунги ваъда, бўсалар тоти.
Унутилса, менга қалб бўлган.
Ўртадаги оқ сут ҳурмати!
Ватан! Менинг ишқ, муҳаббатим,
Қуёш каби асло қаримас.
Мен ҳаётман, то ўлгунимча
Юрак осмондан аримас!

ҚОН

Қон учратдим ногоҳ йўлимда,
Тупроқ узра гавданинг изи.
Юлдузимдек қизил, покиза,
Шуми қилган кўкни қирмизи?!
Бу қайси қон, бу кимнинг қони?
Хаёлимдан кечди дўсту ёр.
Тупроқ ямлаб чанқоқ лабларда,
Жон бергани ўчга бўлиб зор.
Дод солмадим, ғазабларимни
Қуролимга жойладим яна.
Сукут қилдим! Жуфт ёш тўкилди,
Ғарбга кетдим ўч деб мардона.
Кўз олдимда ўша қон изи,
Қўлларимдан ҳеч тушмас яроқ.
Кўз олдимдан кетмас қон изи,
Қасос учун бўлди шу маёқ.

СҮНГГИ БУЛУТ

Булут тарқаб, буржда юлдузлар,
Кўкни босди кўз қамаштириб.
Севги изҳор этгандай гўё,
Кўзин қисиб — ишора қилиб.

Аммо кўкда бир парча булут,
Чўлда қолган бўталоқсимон
Кезар эди, тўда юлдузнинг
Қуршовидан чиқолмай омон.

Шунда оқ из солиб бир юлдуз,
Ериб кирди булут ичига.
Гўё сўнгги душманни жангчи
Илган эди ўз қиличига.

ЯНГИ АЙЕМ

Бугун кўтарилур лиммо-лим жомлар,
Балоғатга етмиш гуллаган баҳор.
Аммо кечирганим — баҳорларимдан
Бунинг файзи ўзга, кўркам, улуғвор.

Бугун қазо қилмиш чоллар намозин,
Болалар уйғонган ўчмай юлдузлар.
Кавушин пойма-пой кийиб суюнчи
Олиш-чун чопади ясанмай қизлар.

Бугун маҳкамалар эшиги ёпиқ,
Бугун ҳар бир уйда тотув дўстлар жам.
Айёмлар кўп эди, Май ўртасида,
Аммо қилинмасди одатан байрам.

Бугун умид билан маъсум оналар
Қаро либосини ечди бошидан.
Унутган келинлар ўсма сиқишин
Бугун биринчи бор қўйди қошига.

Ёнига киргандек йўқотган ўғли,
Мункайган оталар тиклади қаддин.

Упиб қучоқларди ким келса тўғри,
Бугунги севинчининг йўқ эди ҳадди.

Бугун улуғ айём! Тўққизинчи Май —
Ғалаба кунидир! Кўтарилур жом.
Бугун фашист номи музга ёзилган
Эрув хотирадек ўчмиш батамом.

УМРИМ

Сойдаги сув шўх болалардек,
Гоҳ югурар талпиниб, шошиб.
Гоҳ дам олар чарчаб ўнгирда,
Яна кетар кўпириб тошиб.
Сув бўйига ўлтирган қизга
Гоҳ гирдобдан ҳалқалар ҳадя.
Гоҳ кўпикдан маржонлар тақдим
Этиб шошар яна изига.
Оқа-оқа дайдилик қолиб,
Салобатли зўр дарё бўлар.
Кучга тўлиб халқ тўлқинидек,
Денгизларга бориб қуйилар.
Гоҳ умрим ҳам дарё сингари
Тўлқинланар жанг гирдобиди.
Гоҳи тинчиб ором олар у
Осойишта ҳаёт боғида.
Умрим оқин сувдек беғубор!
Аммо эмас кўлмакдек беқадр.
Садаф сийнасида уммонлар каби,
Толе инжуси-ла тўлиқдир.
Камолотга етган бу умр,
Асло қайтмас сувдек изига.
Жанглар тўлқинида можаро кечиб,
Энди кирган бахт денгизига.

1946—1950

УЛФАТЛАР

Бир улфатим бор эди,
Қилдим майшат — базм.
Оқибат шу бўлдики,
Унутилди шеър — назм.

Яна бир дўст орттирдим,
Онлар ўтди кулгида.
Бир нишона қолмади,
Мендан умр мулкида.

Учинчи ўртоқ топдим,
Ўргандим илму ҳикмат.
Қатта-кичиқ олдида,
Қозондим обрў-қиммат.

Кунларни ўтказардик
Тотув яшаб уч ўртоқ.
Келажагим — меҳнатни
Унутибман мен бироқ.

Кунлар ўтарди, бир кун
Бўлиб мендан кўп хуноб.
Эҳтиёж кириб келди
Эшик очиб ўша тоб:

«Салом, бир илтимос бор,
Сенга топдим бир улфат.

Таништирсам, дўст бўлсанг,
Унга қўйсанг муҳаббат.

Умринг ўтмас бефойда,
Яшайсан мағрур, хуллас.
Этасан ўзингни ҳам,
Мендек балодан халос.

Улуғларнинг ҳаммаси
Уни севганлар фақат.
Номини айтсам сенга,
Номидир ҳалол меҳнат».

Қабул қилдим талабин,
Меҳнат менга ёр бўлди.
Базмимиз яна ширин,
Чунки, улфат чор бўлди.

Меҳнат бўлиб ишбоши
Етказганда тилакка,
Умр қадрини билдим,
Танилдим келажакка.

* * *

Кеча лайлак келди, келди қалдирғоч —
Уйимнинг оқ тўшли азиз меҳмони.
Яна қўмсаб келди қайси эллардан,
Ватаним баҳорин, тиниқ осмонин?

Бағри оқ қалдирғоч Мисрдан келиб,
Обод уйимдан у уясин топди.
Боғимда гулларга, сувга тўш уриб,
Соғлом тупроқ билан шифтини ёпди.

Қалдирғоч! Тинчликнинг ўлкаси десанг,
Доимо кўзингга керак десанг ранг,
Сен истаган баҳор менинг юртимда,
Менинг юртимдадир шодлик, куй, оҳанг.

Ўзал айвонимга ўзинг солган ин,
Доимо беозор, шундай сақланур.
Менинг чаманларим, қирларни сайр эт,
Таранг қил қанотинг, уча бер мағрур!

ЛЕНИН МАҚБАРАСИ

Мана Қизил майдон. Мақбара,
Кремлнинг порлар юлдузи.
Мана қуёш — Ленин ҳаётдир,
Нур сочмоқда нуроний кўзи.

Мен қабрини зиёрат қилдим,
Халқ айланар гўёки ҳалқа.
Меҳр билан боқар эди у
Баб-баробар ҳар миллат, халққа.

Халқ бирлашди, гўё юракка
Бирлашган у томирлар каби.
Сен халқ қалби, халқ бирлигидек,
Сенга меҳрим мутлоқ абадий!

ЛЕНИН МУЗЕИИ

Бир оғиз сўз билан ким айта олур
Одамлик, озодлик, бахтнинг таърифин?
Етарлик бўлурми бир кунлик муддат
Ўргана билишга Ватан тарихин?

Қачон одам одам маъносин топди,
Қачон одам бахтга бўлди муяссар?
Ким берди озодлик, қаердан келди,
Барин таърифлайди қайси бир асар?

Одамлик, озодлик, бахтнинг таърифин
Бир оғиз сўз билан айтишим мумкин.
Лениннинг музейи барча сўроққа,
Ватан тарихига ажойиб якун.

ЛЕНИН ҒОЯСИ

Тортилган гармоннинг қаватларидек
Дарё тўлқинланар, ясар, куй, ҳалқа.
Гоҳо чирмаб олиб гирдобларига,
Хасларни гижимлаб отар қирғоққа.

Дарёга манбадир тоғларнинг боши,
Ленин ғоясидек софдир, беғубор.
Қарайман дарёга: сўнги кўринмас,
Оғушида қанча бойлик, қудрат бор.

Дарёга қарайман, қалбимдек жўшқин,
Коммуна йўлидек эркиндир, кенгдир.
Унинг томчисидан ҳаёт баҳраманд,
Унинг ҳар қатраси гулзорга тенгдир.

Қанча узоқ оқса денгизлар тўлар,
Қанча тўлиб-тошса бўлади уммон.
Қанча йиллар ўтса Ленин ғояси
Уммондек жаҳонни қуршар бегумон.

* * *

Лениннинг сиймоси беқиёс эрур.
Сургун, қамоқлардан ҳеч ҳайиқмади.
Финляндия ўрмони, тўқайзор кечиб,
Кичик сумкасини қўлдан қўймади.

Таажжуб қиласан камтарлигига,
Кичкина бир сумка зиҳи йиртилган.
На унинг банди бор, белидан фақат
Пишиқ битта тасма айлантирилган.

Бу сумканинг қадри беқиёс эрур,
На унда олтин бор ва на бриллиант.
Лекин халқнинг бахти, Ватан тақдири —
Апрель тезислари бор эди фақат.

БИБИ ВА НАБИРА

Ишдан қайтсам, ўлтиришади
Қизим, онам... Бир супа бўлиб.
Ўйнашади биби, набира,
Қулишамиз биз завққа тўлиб.
Умр кузи етдими дейсан,
Сочларига тушиб оқ қиров.
Ёшлик ўтар — умр мулкига
Келиб-кетган меҳмондай бирров.
Ёш болага ўхшаб қоларкан,
Қучдан қолиб қариганида.
Келин, куёв, набира кўриб,
Ғам-ташвишдан ариганида.
Онам кўрди саксон йил умр,
Қизим тўлди энди уч ёшга.
Ёшида фарқ, феълларидан
Иккиси ҳам ўхшар тенгдошга.
Ўйга қайтган чоғимда, баъзан
Онам койиб, қилар шикоят.
Набирасин шўхликларини
Болалардек қилар ҳикоят.
Қизим қилиб қўлин орқага,
Бибисини қилар юришин.
Кўрсатади олд тиши билан
Кемтикланиб олма ейишин.
Ёрти-юрти чучук тил билан
Қизим сўзлаб қилади араз.

Қайсин оқлай, қайсини ёқлай,
Бир гўдакдек қиламан фараз.
Баъзан бирдан иноқ бўлишиб,
Уйнаб-кулиб ўпишиб қолар.
Гоҳо бири қийиқлик қилиб,
Аразлашар, дўстлик йўқолар.
Қайсин оқлай, қайсини ёқлай,
Иккиси ҳам бола, дўст, ўртоқ.
Гоҳо холис туриб завқ билан
Қотиб-қотиб куламан узоқ.
Ёш болага ўхшаб қоларкан,
Кексайганда — қариганида,
Келин, куёв, набира кўриб,
Ғам-ташвишдан ариганида.
Аммо, онам сочи оқида
Йиллар дарди аниқ кўринар.
Қизим кулки, жилваларида
Бахт, истиқбол ёниқ кўринар.



Тонгда савлат билан балққан қуёшдан
Тоғларда ойнадек ялтиллайди қор.
Қушлар патирлашиб, осмонни тутиб
Нуридан ювинар. Олам бегубор.

Қўм-қўк қирғоқларга кумуш ҳошия,
Тўлиб, кўпикланган она Сирдарё.
Атрофда ўрикнинг гуллари оппоқ,
Дарё кўпигини пуркапти гўё.

Сухсурдек лапанглаб карвон кемалар,
Тўп кериб тўлқинга урди ўзини.
Барра чимтиб қирга ўрлаган пода
Тўлқиндек тиндирар одам кўзини.

Қатор-қатор оппоқ колхоз уйлари —
Токчага терилган чинни пиёла.
Далада меҳнаткаш қизлар қўшиғи,
Чамбар сочлараро ёнади лола.

Қуёшга тикилиб, нур товланишин
Колхозчи қизларнинг юзида кўрдим.
Лолага қарадим, асл баҳорни
Меҳнат қўшиғининг ўзида кўрдим.

НАВОИЙ

Навий ғамга қолди ўз каломи жонфизосида,
Анингдекким етар булбулга меҳнат ўз навосидан.

Навий

Булбулнинг қафасда умри кечибди,
Ором бахш этувчи овози учун.
Бўхтон гирдоблари ичра яшадинг,
Чунки сен халқ дединг, ҳақ эдинг бутун.

Халқнинг ташвишини афзалроқ кўрдинг,
Нопоклар қошида эгмакликдан бош.
Тухмат ситамига, замон жабрига
Тоғдек ирода-ла беролдинг бардош.

Лайли, Ширинларни барҳаёт этдинг,
Умрингни азоби бўлса ҳам замон.
Ўзинг қафас ичра яшадинг, лекин.—
Номинг миллион қалбда яшайди ҳамон.

БОБО СУЗИ

Ҳали тонг шамоли ўйнайди боғда,
Майсалар баргида биллурий шабнам.
Боғда очилгандир анвои гуллар,
Ҳатто кўзин очмиш настаринлар ҳам.

Сувнинг шилдираши мусиқий оҳанг,
Булбуд тинмай сайрар боғ этагида.
Соқоллари оппоқ нуроний бир чол
Гилос териб чиқди ўз этагида.

Бир чеккада пастак, озода супа,
Қўрпача солинган, хонтахта, китоб.
Чол келиб ўлтирди... Китоб варақлар,
Нуроний чехраси мазмунан офтоб.

Китоб варақлайди, китобнинг акси
Азиз юзларида бўлур намоён.
Манглай чизиқлари, кўз қарашлари
Ва чўнг салобати ўзи бир жаҳон.

Китоб қўлтиқлаган набира келиб,
Бобоси кўзида кўрди қатра ёш.
Нуроний кўздаги бу ёш эмасдир,
Гўё денгиз ичра ёнгувчи қуёш.

Дарсин тайёрлайди бирга Алишер,
Бугун бермоқ учун тилдан имтиҳон.

Бу томчи сиррини англай олмади,
Китоб, бобосига тикилди ҳайрон.

Бобо набирасин бағрига босди,
— Уғлим, Навоийнинг «Фарҳод Ширин»и.
Севинг, ҳурмат қилинг, қадрланг доим,
Асло ёдингиздан чиқарманг уни.

Ният-ла номингни Алишер қўйдим,
Ушандек сева бил сен ҳам халқингни.
Фарҳоддек ботир бўл, Навоий каби
Ширин сўз, яхши қил доим хулқингни.

Беш юз йил ўтибди, ҳамма ҳурматлар,
Эл ичида яхши қолдиrolди от.
Ҳурмат топай десанг тингла сўзимни,
Қулоғингга солиб, қилиб олгин ёд:

Навоийдек камтарин бўл, оқил бўл,
Мурувватли, марҳаматли, одил бўл.
Уғлим, сенга насиҳат шу доимо,
Халқинг билан бирга куйман, ҳамдил бўл.

ОЛТИН РАНГ ҚҰҚЛАМ

Ҳаво майин, осмон тип-тиниқ,
Очилмишдир гуллар ранг-баранг.
Ариқларнинг туби кўринар,
Дарахтларнинг барги тилла ранг.

Очилибди пахталар оппоқ,
Олма, узум, ноклар пишган ғарқ.
Тонг ёқимли, баргларда шабнам,
Бу қай фасл, қилолмайсан фарқ.

Пахтадек оқ паға булутлар...
Гоҳ томчилаб ўтади ёмғир.
Бугдой сочар колхозчи қирда,
Майин шамол эсади ғир-ғир.

Мевалар кўп, мевалар тўкин,
Ўрталикда боладай довдир —
Қўлда қалам, қалбида тўлқин,
Куз файзини ёзади шоир...

ОМАД

Қиш кечаси колхоз чойхонасида
Ўлтиришар эди беш-олти улфат.
Ўтган-кетганлардан роса сўзлашиб,
Аллапайтгача қизиди суҳбат.

«Фалончининг хўпам омади кепти».
Кимнидир бирови мақтаб қилди лоф,
Омад нималигин билмаса ҳамки,
Оғзин кўпиртиб сўзлади бир қоп.

Кимдир, ўз ишининг юришмаслиги,
Омадсизлигидан қилди шикоят.
Лекин гапга чечан норғул бир йигит
Омад таърифини айтди ниҳоят:

«Омад дабдурустдан ғойибдан келиб,
Ҳар кимга қўнувчи инсиз қуш эмас.
Бирдан насиб бўлиб, бирдан кетгувчи,
Ёки бир тасодиф ёки туш эмас.

Омад — толе деган, мен сизга айтсам,
На очилмас тилсим ва на муаммо.
Дарвоқе, баъзи бир одамлар учун,
Маъносин чақмоқлик қийиндир аммо.

Агар ким ўзини омадсиз билса,
Фақат ўзи сабаб, гина ўзида.

Деҳқонбой илғору Далабой қолоқ,
Иккиси ҳам бир иш, битта колхозда».

Ҳамма қулоқ солар, лекин баъзилар
Аста ер тагидан қўярди қараб.
— Гап шу ерда қолсин,— деди ўйланиб,
Яна давом этди шошмай, майдалаб:

«Бирининг пахтаси хўп ҳосил берди,
Қўрган одамларнинг келди ҳаваси,
Бири ортда қолди. Гап омаддами!
Ахир бир эди-ку кўклам ҳавоси!

Дўппини чаккага қайтоқи қўйиб,
Сояда ястаниб ётди Далабой,
Тўнининг барини елкага ташлаб,
Роса ялло қилиб ёзни берди бой.

Тўғри, планини бир йил бажариб,
Бир оз обрў топди, медаль ҳам олди.
Шу билан бутун иш бўлди қўйди-ю,
Бўйни кетмонга ҳам ёр бермай қолди.

Мўйловини бураб, қуруқ кекириб,
Деди: «Хўп омадим келган йигит-да».
Лекин кунлар ўтиб, бир кун қараса,
Бутун эътибордан қолибди четда.

Деҳқонбой ўзини тўрт ёққа уриб,
Қилди ғўзасининг парваришини.
Бўлар-кетар билан иш битирмади,
Эртага қўймади бугунги ишни.

Бири донг таратди, обрў ҳам топди,
Эл-юртнинг олдида шуҳрати ҳам зўр.
Аммо иккиси ҳам куч-қувватда тенг,
Бири планини бажарди базўр.

Барчага баравар колхоз қонуни,
Ҳаммамиз бир қишлоқ, бир ер халқимиз.
Нимани истасак, не орзу қилсак,
Бизларда ихтиёр, эркли, ҳақлимиз.

Фалончининг роса омади кепти,
Уники кетибди, дейиш беҳуда.
Бир умр бахт — омад топмаси мумкин
Қимки қилолмаса ишини удда.

Омад ҳар кишининг ихтиёрида,
Омад деганимиз меҳнатга ихлос.
Омад — пешона тер, ишга ғайратда,
Шулар келтиради омадни, холос.

Омадни абадий сақлаб қолувчи,
Қўлдан бой берувчи ҳар кимнинг ўзи.
Тўғрими, айтганим ёки чаккими?!»
Қўплар хийла чуқур ўйларга ботди,
Қўплар сўз қайтармай бошин ирғади.
Чунки маъқул эди, ҳаммага сўзи.

ИНЪОМ

Жаври устод беҳ зи меҳри падар.

Шайх Саъдий

Фарзанд туғилиши она умрида
Ажойиб бир дунё, катта тантана.
Саломат камолга етказолгунча
Ҳар бир машаққатга чидайди она.
Ижодни фарзандга қиёс этгулик,
Шеър ёзар оним умримда баҳор.
Аммо қамолотга, халққа етгунча
Неча-неча тунлар ўтади бедор.
Фарзанд онаники; шони бахтида,
Азиз муаллимнинг ҳиссаси катта.
Шеър шоирники, аммо унинг ҳам
Меҳрибон устози бўлур албатта.
Ғафур Ғулом бўлди шеърӣ устозим,
Ҳали жуда оғир бермак имтиҳон.
Қошки оқлай олса устознинг ҳаққин
Шу кичик мажмуа — биринчи инъом.

АБАДИЙ УМР

Нақада^р улуғди^р оламда қуёш,
Ҳаёт номи билан яшайди мангу.
Олий фази^латлар, ўлмас жонларга,
Улуғ инсонларга асл таққос у.

Унинг улуғлиги, мангулигини
Сўнгсиз халқ умрига қилмоқ мумкин теңг.
Одам яшар, ўлар, халқнинг ҳаёти
Мазмунан қуёшнинг мазмунидек кенг.

Қуёш абадийдир, инсон туганмас...
Қай одам бир умр мумкин яшаши?
Меҳнатни ва инсон орзу-армонин
Ўз жонидек азиз сево^лган киши!

Пушкин — шеър^иятнинг порлоқ қуёши,
Халқнинг умри билан умри баробар.
Шалоладек жұшқин, осмондек тиниқ
Асар ёзди сўнгги онига қадар.

Қанча таҳқирланиб, хўрланмасин у,
Созида акс этди эрклик ўйлари.
Пушкин мангу яшар халқ билан бирга,
Ўлмагандек элнинг янгроқ куйлари.

БАХШИ

Дўмбирасин чертар даврада бахши,
Торида янграйди мардлар таърифи.
Гоҳи тулпорларнинг... Гўзал қизларнинг
Куйлар ўтмишдаги қонли тарихин.

Минг йиллик ўтмишга тирик мисол у,
Унда Алпомишнинг урган қалби бор.
Ҳаққини сўзлаган мард оналарнинг,
Қулларнинг кесилган тирик тили бор.

Гоҳ селдек тошади қалбидан мисра,
Бўрон акс этади гоҳо созида.
Баланд тоғликлардан ошган лочиннинг
Синмас қаноти бор шўх овозида.

Пардадан пардага кўчар бармоқлар,
Гўё варақланар қалбдаги дoston.
Халқнинг қўшиғини жамлаб қололган
Шеър хазинаси кон экан ростдан.

Даврада гуркирар дўмбирасидан
Колхоз боғидаги гулларнинг иси.
Бугун тасвирини топар пахтазор,
Бепoён яйловлар, колхоз йилқиси.

Замонамни куйлар юзида жилва,
Ўз бахти, қадрини қилур тараннум.

Бугун тўқигани — шод қўшиқлардан
Завққа ўзи ҳам ғарқ, ўзи ҳам мамнун.

Улуғ жанг йиллари созин пардаси
Тўплар овозига бўлди ҳамоҳанг.
Ленин берган бахтни сақлаш учун у
Дўмбираси билан қила олди жанг.

Дўмбирасин чертар даврада бахши,
Партия туфайли бахт топди мангу.
Энди янгроқ созин ҳар пардасида
Шодлик жаранглайди, бахт куйчиси у.

ТОҒЛАР ОРАСИДА

Машина боради тоғлар оралаб,
Кўз илғамас пастда довдир сой оқар.
Кўм-кўк дарахтзорлар... Қоя устидан
Лочин кўтарилиб қанотин қоқар.

Бир тоғ кул ранг тусда, бир тоғ зар каби
Гоҳ балқиб, гоҳ чўкиб ботаркан қуёш.
Сайхонларда ётар ерни чангаллаб,
Тоғдан кўчиб тушиб, филдай чўккан тош.

Тоғлар ён бағрида тўп-тўп қишлоқлар,
Сойдан ўрмалаган кўм-кўк мевазор.
Қолхоз идораси, чойхона, уйлар...
Қу мактабдан қайтар болалар қатор.

Йўл узра ишкомдек олма, ўриклар,
Эгилиб бошини ололмас ердан.
Машина устида гоҳо қийқириб,
Гурра эгилади одамлар бирдан.

Фариллаб машина қия йўллардан,
Баланд тепаларга вазмин миноси.
Узоқда бир тоғда тутун буруқсираб,
Ёйилиб қоялар узра инади.

Ана, йўл устида катта тоғ шаҳри,
Ўевқомат заводнинг мўрилари тик.

Акси садо бериб чалинган гудок
Минг шернинг тоғ аро ўкирганидек.

Бунда гуркирайди ҳаёт нафаси,
Моторлар гувлаши, чўянлар зарби.
Тепада ўрмалар вагонеткалар,
Одамзод ақлининг тоғ билан ҳарби.

Сойларнинг тошидан йўниб солинган,
Қават-қават уйлар ғоят мустаҳкам.
Лениннинг қўл чўзган ҳайкалида мен
Ватан қудратини кўролдим кўркам.

Машина чанқади, сув қуйиб олдик,
Енгил чанг кўтариб, ўрмалаб кетдик.
Аста-аста чўкди тутундай оқшом,
Тоғлар юлдузлардан жиға таққандек.

Ишвали дилбардай қошини қоқиб,
Олис бир чўққида чироқ-сочди нур.
Юрагим «шув» этиб, кўзим олдида
Ҳамзанинг қомати тикланди мағрур.

Тасаввур мулкини босди ҳаяжон,
Кўзим тикилганди Ҳамзаободга,
Қалбимда уйғонди севинч билан ғам,
Ҳамзанинг ҳаёти тушаркан ёдга.

Қабри тепасида ёнган чироқда
Менга боқаётган кўзини кўрдим.
Юксак тоғ бағрида мағрур қоядек
Мен унинг басавлат ўзини кўрдим.

Сойнинг оқишида жўшқин юрагин,
Ранг-баранг куйларин бордир оҳанги,

Шамолда ҳилпираб учган байроқда
Товланар тўкилган қонининг ранги.

Эркинлик, маърифат куйчиларининг
Йўлига гов бўлмоқ динга эди хос.
Қўтоснинг думига ибодат қилган
Шайхлардан Ҳамза-чун олинди қасос.

Қаранг, Шоҳимардон нақадар гўзал!
Димоққа уради кўкламлар иси.
Тиниқ сой салқини кўкалам тоғлар,
Бир кўрган одамнинг келмас кетгиси.

Осмонда ёнади бесаноқ юлдуз,
Ҳамза қабри узра Ильич чироғи.
Осмонда ой кезар, унинг нуридан
Ярақлаб кўринар водийнинг тоғи.

Яна йўлга тушдик туннинг ярмида,
Минамиз чўққига, тоғлардан-тоққа.
Кўзни узмасдан мен тикилар эдим
Ҳамза қабри узра ёнган чироққа...

МАЯКОВСКИЙ МАНГУ МИНБАРДА

Оқшом пайт!.. Шатирлаб ёғарди ёмғир,
Катта клуб томон оқар эди халқ.
Ишчи, олим, деҳқон, болалар келган,
Минбарга сабрсиз боқар эди халқ.

Минбарда кўринди оташин шоир,
Қарсакдан гумбурлар ҳашаматли зал.
Улуғ халқ олдида табассум қилиб,
Тўлқинланиб ўқир шеърин шу маҳал.

«Ленин» достонидан ўқиди парча,
Қарсаклар, боблардан бобга ўтказди.
Халқнинг ҳурматидан ўтолмади у,
Завқи селдек тошиб, ўқиб битказди.

Соатлар ўтгандир балки орадан,
Залда бирон одам қилт этгани йўқ.
Чунки, ҳар бир сатри, ҳар кичик шеъри
Халқнинг орзуси-ла лиммо-лим тўлиқ.

Ленинни, Ватанни, халқни куйлади,
Вулқондек отилди сўнмас сатрлар.
Ҳақиқатни ёзди, шунинг учун халқ,
Кечагидек уни ҳамон хотирлар.

Қуёш ҳароратин шимган ҳар сатри
Яшар юракларда, ёдимизда бор.
У тирик минбарда, биз билан жангда,
Совет паспортидек ёнимизда бор.

МИРЗАЧЎЛ ЁЗИ

Мирзачўлнинг кўрдим баҳорин, ёзин,
Ҳансираб ётарди бепарво саҳро.
Бир тиккайган дарахт, қўналға топмай,
Чўл қуши учарди лапанглаб гоҳо.

Зарафшондан учган қушлар галаси
Сирдарёга етмай қоларди ҳориб.
Бу ерларнинг фақат мен деб, соҳиби,
Саксовуллар ўсар эди гердайиб.

Бугун саратонда Мирзачўлдаман,
Толлар орасида патирлар чумчуқ.
Янги боғ томондан чиллаки чўқиб,
Гурра кўтарилди гала чуғурчиқ.

Шилдираб оқувчи ариқ бўйида
Болалар қийқириб ўйнар, сув сепар.
Қарайман... Ям-яшил, кўм-кўк пахтазор,
Ўзаларнинг тупи кўкракка тепар.

Ниначи учади ариқ ёқалаб,
Қувалашиб қолар болалар хурсанд.
Бугун саратонда Мирзачўлдаман,
Майсалар қулф урган тиззадан баланд.

Канал ҳалқа-ҳалқа буралиб оқар,
Бу — инсон яратган Мирзачўл сойи.

Андижонлик йигит отнинг устида,
Теваракка қараб қилар хиргойи:

Андижоннинг сойидан
Каналим суви тиниқ.
Асака пахтасидан
Ҳосилим бўлар бўлиқ.

Мирзачўлмас Мирзабоғ,
Анор, анжир боғим бор.
Яшнатаман чўлларни,
Йигитман — белбоғим бор.

Қуйни узоқларга олиб қочди ел,
Ғўзалар тебранар гўёки завқдан.
Янги қад кўтарган уйлар оралаб,
Қўшиқ акси келар — янграб узоқдан.

УМР ТАНТАНАСИ

Яна бугун умримизнинг
Тантанаси қилинур,
Жамулжамдир дўсту ёр.
Йил баҳона ҳар кишининг
Иш якуни билинур,
Мазмуни кўп салмоқдор.
Минг ташаккур айтсам арзир
Ўтган умрим онига.

Неъмат тўла дастурхонлар,
Уйимизда порлар нур —
Ҳар уйда Ленин ҳаёт.
Бахтни берган Улуғ Ленин,
Партияга ташаккур!
Унутилмас умрбод —
Бу икки ном сингиб кетган
Бизда ҳар ким қонига.

Ташқарида қор бўралар
Оппоқ гул тўзғигандек,
Қалб баҳордек беғубор.

Қиз юзидек лаълин шароб
Қадаҳлардан тошгудек,
Юрак тўлиб, интизор

Шодликларнинг тўфонида,
Кутади янги йилни.

Бахт, шон ортиб ўтди йиллар,
Келажакнинг чиройи
 Қуёшдан ҳам ёрқинроқ.
Чунки келар халқлар кутган
Бахтнинг мангу саройи —
 Коммунизм яқинроқ.
Шу ниятда меҳнат қилдик,
Маҳкам боғладик белни.

Янграр тўп-тўп қиз, йигитнинг
Шўх яллasi, кулиши,
 Ёшлигидан миннатдор.
Приёмникда чўпон кутар
Курантнинг занг уришин,
 Ҳар юракка минг мадор.
Жом жаранги, шеър, қўшиқ
Курант билан қўшилсин.

Янги йилнинг достонини
Шоир ўқир бу кеча,
 Қалбидан тошиб илҳом.
Янги ижод, янги усул,
Инженер тузган режа,
 Янги йилга зўр инъом.
Ватанимда ижод, меҳнат
Ғалабаси жўш урсин.

Қардошликнинг дастурхони
Ўзра ўзбек, рус, қозоқ,
 Ҳар нафасда бўлиб жам.
Тинчлик учун жом кўтариб,
Тинч меҳнат истар ҳар чоқ,
 Эркин севган ҳар одам.

Бу халқларнинг ватанимга
Севгисин намоиши.

Ғалабалар ғурури-ла
Ҳар кунда бир тантана,
Бахтимиз жаҳондек мўл.
Қорбобонинг атрофини
Болалар қуршаб, яна,
Қўшиқ айтар ушлаб қўл.
Бугун-эрта бахтин куйлаб.
Йилни кутар ҳар киши.

Самарқанднинг виноси-ю
Наманганнинг анори,
Не истасак бари бор.
Украиннинг иссиқ нони,
Грузиннинг лимони,
Арчадан уйда баҳор.
Давлатимиз денгиздек мўл
Меҳмон ўзи танласин.

Зангин урди салобат-ла
Кремлнинг куранти,
Бу куй туташдир жонга.
Улуғ халқим соғлиғига
Қадаҳ кўтаринг танти.
Қўшиғимиз жаҳонга,
Партиянинг номи билан
Қанотлансин, янграсин.

ХАЛҚЛАР ИСТАГИ

Тонгда шеър ёздим, таралар эди
Боғда шафтолию гулларнинг атри.
Ёз боғининг исин, тонгнинг нафасин
Доимо уфурсин шеъримнинг сатри,
 Ҳаёт ўзи берсин ижодимга ранг.

Туғилиб ўсганим шу азиз тупроқ,
Ҳар бир тонг минг шеър учун кифоя.
Мени куйчи қилди тинчлик Ватани,
Ғолиб халқ ва ўлмас ленинча ғоя!
 Тинчлик билан отсин жаҳонда ҳар тонг.

Тўй, шодлик, бахт, меҳнат — ижод манбаи,
Куйларим Мичурин гулидек хил-хил.
Океан тўлқинидан минг бор кучлироқ
Севинч ва завқларга тўла бу кўнгил,
 Ватаним туганмас илҳом булоғи.

Обод гулзоримда, қўшни боғларда
Тонгдан болаларнинг қийқириқлари.
Бири олма қоқар, шафтолу силкир,
Ярашар боғларга бу қилиқлари,
 Чунки ўз Ватани, она тупроғи.

Бири боғ четига уйчалар солиб,
Меҳмон кутар бўлар — халқидек сахий.

Тўйин оиланинг фарзандлари бу,
Ёшлигидан танти, бахтлари боқий,
Замину замона кўрки бу авлод.

Кимга завқ бермади шу тайлоқларнинг
Фароғат қўйнида ухлашлари тинч!
Сокин кечаларда ошиқ ёшларнинг
Ишқий қўшиқлари бермасми севинч!
Бириси бол каби, бириси новвот.

Боғлар ободлиги, қизлар яллasi,
Гўдаклар роҳати — тинчлик меваси.
Биз тинчлик истаймиз! Гуркираб турсин
Меҳнат ва ижодда тинчлик нафаси!
Уруш истаганлар бўлажак яксон!

Биз тинчлик истаймиз! Азиз оналар
Зор эмас куйлашга ҳижрон алласин.
Биз тинчлик истаймиз, юрт ободлигин,
Фарзандлар отадан етим қолмасин!
Тинчлик, фароғатда яшасин инсон.

Биз тинчлик истаймиз, яшасин тинчлик!
Босқинчи ёвлардан қўрқмаймиз бироқ.
Биз ғолиб халқлармиз, ғалабамизга
Бутун жаҳон халқи ва тарих гувоҳ.
Оғамиз улуғ рус зафарга йўлдош.

Улуғ жанг йиллари, революцияда
Рус халқи ҳамроҳ ва бўлди мададкор.
Тинчлик ишида ҳам ғолибмиз мутлақ! —
Улуғ оғамиз бор — халқ бирлиги бор,
Ватан мангу яшнар — партиямиз бош

КОММУНИЗМ СОҲИБЛАРИГА

(Ўнинчини олтин медаль билан тугатган ёшларга)

Ўнинчи синфни аъло тугатиб,
Олтин медаль олдинг қаҳрамон, укам.
Улуғ давримизнинг фарзандларига
Қанча қўшиқ ёзсам, назаримда, кам.

Бугун тонгда туриб қалбингиздек шўх,
Кичик шеър ёздим сизларга атаб.
Сизга деб атайин дoston ёзарлик,
Илм қояларин ўтингиз ҳатлаб.

Москва, Ленинград илм қўрғонин
Она қучоғидек очиқ эшиги.
Худди шу ерлардир Ломоносовдек
Илм корифейин туққан бешиги.

Етуклик дипломин қўлга олдингиз,
Илм боғида сиз ҳали ёш ниҳол.
Океанлар қудратин, қуёш савлатин
Сизларда кўрамиз, сизларда иқбол.

Бизлардан яшириниб қолган кўп конлар,
Ўз сирий айтajak сизларга бир кун.
Ҳатто галактика муаммоси ҳам
Сизнинг қўлингизда топажак якун.

Улуғ давримизнинг бахтли ёшлари,
Бу куннинг эгаси, қаҳрамони сиз.

Сизнинг бахтингизни кўриб боболар
Ёшликларин эслаб дейдилар — эсиз.

Халқ, Ватан ва давлат умиди сизда,
Ўсмир коммунистлар, бардам бўлингиз!
Улуғ коммунизм тулбоғларининг
Қурувчи, соҳиби сизлар ўзингиз.

Бугун тонгда туриб қалбингиздек шўх,
Қичик шеър ёздим сизларга атаб.
Сизга деб ҳали кўп дoston ёзурман,
Илм чўққиларин ўтингиз ҳатлаб!

ТОНГ

Осмонда юлдузлар жимжит милтиллар,
Бутун атроф жимжит, мудрайди гўё.
Ҳаёт бағишловчи субҳидам кутиб,
Жим боғдаги қушлар, ирмоқ ва дарё.

Дилга яқин, жондош, азиз куй янграб,
Тинчлик ва зафардан етказар хабар.
Умримнинг қувончи, қалбим таянчи —
Бу куй ҳар юракка туташ, мўътабар.

Тонг... тонг... тонг...
Кремль куранти урди,
Ватан осмонида мағрур парвози.
Халқларнинг ниятини ўзида жамлаб,
Қетма-кет Гимннинг янграр овози.

Улуғ рус тилида бирга куйлайман,
Менга жўр бўлади қалбдай кенг жаҳон.
Гимн чалинмоқда, жонбахш куй янграб
Қудрат фалсафасин шарҳ этар тамом.

Курантнинг улуғвор ҳар уришида
Ҳаёт томирига югуради қон.
Акси садосидан мудроқ тун тарқаб,
Янги умидларга интилар жаҳон.

Курантни тинглайман: Москва тонги,
Жонажон Кремль кўзим ўнгида.
Хаёт уфқидаги ёқут юлдузи
Порлаб кўринади қуёш ўрнида.

Курантни тинглайман: тонгда чамандан
Булбулларнинг бирга овози келур.
Курантни тинглайман: боққа қарайман,
Тонг ели уйғониб, гуллар елпинур.

Курантни тинглайман: бир қудрат билан
Гигантлар гудоги ўкирар мағрур,
Курантни тинглайман: дарё ҳайқириб,
Миллион вольт ГЭСлардан оқиб борар нур.

Курантни тинглайман: тонг оқаради,
Субҳидам этаги шарқда алвон ранг.
Қуёш аста-аста кўтарилади,
Курант салобат-ла урганда ҳар занг.

Кремль курантин ҳар жаранглаши
Жаҳон қалбин тирик уриши демак.
Курантни тинглайман: миллион сафларнинг
Коммунизм томон юриши демак.

Курантни тинглайман: тинчлик нафасин
Бутун жаҳон бўйлаб уфуради у.
Коммунизм даврин жарчиси бу куй
Онам номи каби қалбимда мангу.

* * *

Овдан қайтар эдим,

аммо манзилга
 Етмасимдан чўкди ярим йўлда тун.
 Яқин йўлни излаб тирмашдим қирга,
 Теварак тип-тиник — оппоқ қор бутун.
 Бепоён водий қор. Атроф беғубор.
 Олис тоғлар гўё оқ айиқ каби.
 Шимол юлзудлари париллар, чақнар,
 Кўкда ой ўроғи — зар-қайиқ каби.
 Ўрмон қор остида.

Ўрмон четида
 Айиқ аланглайди лобар, беташвиш.
 Қуён чўчиб қочди ўрмон ичига.
 Атроф товланиши — эриган кумуш.
 Гоҳ атлас пардадек липиллаб кўкда
 Пайдо бўлиб қолар қутб шуъласи.
 Янги ҳаёт қалби урмаса бунда
 Шимолнинг таърифи мутлақ шу асли...

Ваҳший табиатнинг бу манзараси
 Қўринарди безавқ, ваҳм ва даҳшат—
 Қирнинг тепасидан кўзимга яққол,
 Узоқлардан шаҳар кўрсатмаса қад.
 Бу шимол кечаси гўзал кўринур,
 Гудоклар зарб билан ўқирган чоғи.
 Ильич чироқлари ғуж-ғуж сочиб нур,

Атрофга юлдуздек тўкилган чоғи.
Бепоен Шимолнинг кўрки, нашоғи,
Дилни аллаловчи завқ бахш қилолган—
Совет кишисининг қайноқ нафаси—
Асрий музликларни эритаолган.

СИБИРЬ ТОНГИ

Мунчалар оромбахш Сибирнинг тонги,
Гўзалликка тўла, оҳангга тўла.
Шунда табиатнинг анвойи ранги,
Қамраб ололмайсан барин бир йўла.
Тонгда ўрмон ичра шамол сайр этар.
Тиниқ ирмоқ куйлаб кезар учиди.
Қушлар патирлашиб тўзишиб кетар,
Осмон тўла оҳанг, шохлар ичида.
Сибирь ўрмонида тунаб қолгандек
Арчазорлар аро уйғонар қуёш.
Тирмаша-тирмаша азим қайинга,
Қўкка чиқиб олиб, кўрсатаркан бош.
Лангиллаб оқади яхлит, тинч дарё,
Нурга тўлиб кетар чексиз бугдойзор.
Бутун жаҳон ичра топилмас асло
Бунчалар гўзал тонг! Оромбахш диёр!
Мунча гўзал! Қуёш ярқираб чиқиб,
Арчалар бетига югурганда қон.
Эркин шу кенгликда рус куйи янграб,
Ёришганда ўрмон устида осмон!
Ўрмон, дарё, қушлар, бугдойзор куйлар,
Ўрмон, дарё, қушлар қанотида нур.
Россия! Қуёш ҳам фақат бағрингда
Кезганида олур ором ва ҳузур.
Ажиб кўркка эга дарё ҳам мунда,
Тагида кўринар ташланган тўр ҳам.

Балиқчилар билан тўлқин бағрида—
Дейсан — бир умрга сузсам, чиқмасам.
Нам барра, сайҳонда қалқиркан туман,
Жавлон урсам дейсан бошидан-оёқ.
Ўрмон, ўтлоқларнинг исин келтирган
Намхуш дарё ели нақадар юмшоқ!
Теваракка боқиб тўймайсан асло,
Бутун атроф гўзал бири биридан.
Россия! Кучоғим бўлганда дунё,
Бағримга ўзингни босардим бирдан.

ЎРМОНДА

Тунамоқчи бўлдик ўрмонда,
Дўстим Вася билан иккимиз.
Чивин чақар ўтказиб жондан,
Ўрмонзор дим, дарахтлар тиғиз.
Салқин тушди, қўзғалди шамол,
Асал ҳиди тутди ўрмонни.
Чивинларни қувлади дарҳол,
Ором бериб, эркалаб танни,
Шохлараро кўринар осмон,
Япроқларнинг сояси ёувда.
Синган дарахт, тўнкалар шу он
Афсонавий ҳайвондек худди,
Теваракдан кўриниб ҳадеб
Олиб қочди кўздан уйқуни.
Юрагимда бир ҳавф, бир ҳадик...
Дўстим дарҳол пайқади буни:
«Овда унут қўрқув, ваҳмани,
Хаёлларга берилмасанг бас!
Фикри кескин, ҳадик билмасни
Йўлбарс эмас, ўлим ҳам олмас!»

БИНОКОРЛАР

Қаддин тиклаганда ҳар гўзал бино,
Инженер касбига дейсан тасанно!
Мана тоғдай юксак бу бинода ҳам
Унинг чертёж, санъат—ақли жамулжам.
Аммо, бу раҳматга тенг шерик ишчи,
Унинг меҳнати ҳам азиз, улуғвор.
Расо келиштириб қўймаса ғиштни
Инженер санъати қоларди бекор.
Нақшининг ранг-баранг товланишида
Оташин ишқи бор, кўзин нури бор.
Унинг қўл изи бор ҳар бир ғиштида...
Баҳор ёмғир демай, қишда демай қор
Бинолар тиклади—

ёзининг иссиғин,
Қуёшнинг яллиғин қилмайин писанд;
Ватаннинг яшнаши, халқнинг шодлиги
Унинг ўйларини қилган эди банд.
Ахир, қишда иссиқ, янги уй битиб,
Ватандош оила кирса—қандай завқ!
Ўзидай бир ишчи ташаккур айтиб,
Болалар яйраб кулса—қандай завқ!
Булутларни ёриб ишчи ғишт қўйди,
Кўкка етар кўркам, азамат бино.
Ғиштлар тегмас эди унинг қўлига—
Ургангандек ўзи тахланар гўё.

Асло қадри ўлмас, ишчи, ишингининг
Меҳнатда инженер, ишчи тенг сиймо,
Сизнинг бирга қилган меҳнатингизга
Ҳайкал бўлиб қолур битган ҳар бинс

ГУЗАЛЛИК

Яна баҳор келди.

Қалбим шодлигин,

Ҳислар тўлқинининг йўқдир поёни.

Ёзган куйларимнинг оҳангдорлигин,

Наҳот, сабаби сен, баҳор айёми!

Ахир, чечак ёзган шу дала, тоғлар,

Мени завқлантирар қорли қишда ҳам!

Ҳозир гуллаб ётган муаттар боғлар,

Олтин япроқ тўккан кузда ҳам кўркам.

Ватанимнинг бутун гўзаллигига,

Шодлигимга наҳот, сен сабаб, кўклам?

Сен бўлмасдинг гўзал, илҳомбахш, серзавқ,

Хаёл—орзуларим бўлмаса кўркам!

ДЕНГИЗ ҚИРҒОҒИДА

Денгиз пишқиради, денгиз шовиллар,
Тўлқинлар урилар қирғоққа—тошга.
Қуёш нури тушиб чўққи тўлқинлар
Айланади олтин қубба—оташга.
Денгиз чиройига қараб тўймайсан,
Завқингдан бағрига отилгинг келар.
Қанча қулоқ солма, қамраб ололмайсан
Унинг куйларини!

Куйлайди нелар?!

Қанча бунда оҳанг! Қанча тинглама,
Унинг куйин топиб қилолмайсан ёд,
Қалбинг тошиб кетар, завқингга сизмай
Ўрнингдан гоҳ туриб кетасан азод.
Гоҳ бир дам фикрга сени ғарқ қилиб,
Тўлқин ортга қайтар,

соҳил қолар жим.

Шунда хаёлингга минг хил ўй келиб,
Қалбингда жўшқин завқ бўлади ҳоким.
Шунда унинг сирин топмоқ бўласан,
Излайсан, ўйлайсан тўлқиннинг тилин...
Тополмасанг, сўра ўз ҳамроҳингдан —
Дер: «Куйлар ҳар кимнинг дилдаги ўйин!»

Азобланма, дўстим, ўртанма,
Шубҳаларнинг барчаси бекор.
Сени мафтўн қилган гўзалнинг
Ўзи сенга мафтун, беқарор.

Асл севги тилда бўлмайди,
Қиз демайди «Севдим, ошиқман!»
Билмоқ бўлсанг ишқин, севгисин,
Қалбин тингла, шошма, ошиқма...

Боқишидан англамоқ мумкин,
Ният, ишқин айтмасдан бир сўз.
Чунки баъзан қалбнинг сирини,
Ошкор қилар бир табассум, кўз.

Она қимматини таърифлаш учун
Сўзлар хазинасин мулки етмайди.
Ҳаётимни ҳадя этаман дейман,
Бу кичик жонимнинг ўзи етмайди.

Чунки менинг каби қанча фарзандни
Туғиб, тарбия ҳам қилолган она!
Кичкина қалбини бўлак—бўлаклаб,
Ҳар бўлакка жон ҳам бўлолган она!

Ҳар бир тўлғаноғи—ўлим билан жанг,
Ўлимлардан қўрқмай, жангга кирди у.
Она, қандай улуғ, жонин ҳисобига
Ўлимларни ҳайдаб, ҳаёт берди у!

Онанинг фарзандга меҳри беқиёс!
Фарзанд қандай оқлар она ҳаққини!
Она рози бўлур берган сутига,
Ҳаётим деб билсанг Ватан, халқингни.



Шоирнинг отаси Юсуфхўжа (1866—1943).

Яқинлашар ваъдалашган он,
Мен ачиндим дўстимга лекин,
Чунки, ёмғир қуярди ҳамон,
Ёз бўлса ҳам тиним билмайин.

Шаррос қуяр, шамол кучайиб
Тарсакилар икки қулоққа.
Тор кўчанинг мағзи-мағзи лой,
Юриш оғир, етгунча боққа.

Урикларнинг шохи эгилган,
Дув тўкилган тутлар ариққа.
Лекин, дўстим вақтида келди.
Кийим, сочлар шалаббо жиққа.

Келмаганда нима қиларди,
Ўзим кўриб турибман, ахир.
У биларди, аммо бебурдлик
Иигит шаънин қилар бир пақир.

Важ изламоқ ёт эди унга
Ваъдасига қилмасдан амал.
Ут тўшса ҳам, бўрон бўлса ҳам,
Ўз сўзидан чиқарди ҳар гал.

Бир бебурдлик топган қадрингни
Совуришга қилар кифоя.
Кичик ишга ихлос, эътибор,
Улуғ ишга бўлур бир поя.

ҚАЙРАҒОЧ

Бир тутам соқолдек елда силкинган,
Қучоққа сиғмаган, қомати мағрур,
Ғужум қайрағочнинг кузги баргидан
Ерда юлуқ—юлуқ ўрмалайди нур.

Бобомни ҳам кўрган, ёшлигимни ҳам,
Қанча йиллар ўтган ўша туриши.
Қанча умр кўрган ҳеч ким сўзламас,
Ҳеч кимнинг бўлмайди у билан иши.

Саратон кунлари кенг кўлкасида
Одамлар ҳол йиғар бир дам ясланиб.
Шунда аҳён-аҳён, эккан одамнинг
Муборак номи ҳам ўтар эсланиб.

* * *

Қай касбни қилма, қай ишни,
Ҳаммага тенг шарафдир меҳнат.
Биров рассом, пахтакор, ғиштчи,
Ҳаммасида бир кайф, бир лаззат.
Орзуимдир менинг—бир умр
Мисралар-ла олишлик нафас.
Шеърлар ёзиб битказган оннинг
Завқи доим насиб бўлса бас.

МАСЛАҲАТ

Маслаҳат олмоқлик учун бир шоир
Ўқиб бермоқ бўлди менга шеърини,
Кучли танқидчига экан мунтазир,
Шу фикрин эшитиб тўхтатдим уни:

«Наҳот, шу ерда йўқ ишчи, колхозчи?
Ўқиб бермадингми уйда ҳеч кимга?»
«Шеърга тушунувчи бунда шоир йўқ,
Ҳамма тушунмайди менинг шеъримга!»

«Ҳамма тушунмаса...

энди маслаҳат:

Бошқа иш этагин тутасан, фақат!»

ЖИЙДА

Қуёш тафти қайтиб, салқин ел эсар,
Меваларнинг шохи ер ўлган, тўкин.
Ерда олма, жийда тўкилиб ётар,
Ечилмай қолмабди боғда бир тугун.

Кумуш япроқ аро товланар жийда—
Тутун кўтарилиб ёнгувчи чўғдай.
Ё ёқут шодами ипга тизилган,
Ерга эгилибди новдаси йўқдай.

Гўё ҳар туп жийда қуёш нурида,
Кумуш товоқларда ғуж олтин танга.
Симоб барглар аро қизариб боқар,
Тиниқ кўкда қуёш балқдимиз тонгда?

Ариқ бўйидаги чимлар устида
Яшил бахмалдаги ёқутдек ёниқ.
Бу ҳам тўқ ҳаётнинг битта белгиси,
Бу—тўкин, тинч кузнинг белгиси аниқ.

ЯНГИЕР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Баланд тоғнинг ёнбағри
Қуюн ўйнар дашт эди.
Бугун туташ адирлар
Пахтазор, дилкаш энди.

Тоғ бағрида оқ уйлар,
Тевараги боғ, уйлар.
Ариқда сувлар тошқин.
Сайхонда ўтлар қўйлар.

Юзларни силаб ўтар
Пахтазорнинг шамоли,
Гул баргидек елпинар
Қолхозчи қиз рўмоли.

Қўк ғўза жимир-жимир,
Денгиздек чайқалади,
Чевар қизларнинг номи
Эл ичра тарқалади.

Оқ каптару кўк каптар
Бошимизда парвона.
Тинч-омонлик замона —
Биз яшаган замона.

Беш қўзию, ўн қўзи,
Қўзининг қўнғир кўзи,
Дала-даштни яшнатган
Бизнинг меҳнатнинг ўзи.

НЕ ШАРТИНГИЗ БОР...

«Мени чиндан севсанг, азамат йигит,
Шу тоғни тик кесу қишлоққа сув бур.
Менинг оқ елкамдан обкашни иргит,
Қудуқдан халос қил, бир шартим шудир.
Асл жамолимни кўрмоқчи бўлсанг,
Пишиб-пишиб ювай ариқда юзни.
Хусним гулшанларга бағишласин ранг,
Менга боғлараро ташлагин кўзни.
Машшоқлар чақирма тўйга,
булбуллар
Сен билан куйласин муҳаббат куйин.
Шу шартимни қилган менга ёр бўлар,
Шундай мардлар менга тенг билсин бўйин».

Қадим гўзал қизлар қўйган бу шартлар
Йигитларнинг бўлган умрин заволи.
Хў, тоғнинг бағрида дўппайган дўнғлар
Ошиқ йигитларнинг қолган мозори.
Унинг атрофини, қақроқ водийни
Энди буркаб олган пахтазор, боғлар.
Қандай келиб қолди канал тўлқини,
Қизлар ўйламаган минг-минг чироқлар-

Тоғларни ағдарган, саройлар солган
Бизнинг шу қишлоқнинг мард йигитлари.
Қаерда қизлар бос ботирни севган,
Бизга келсин—қандай бўлса шартлари.

Тоғлар қулатувчи, боғбон, бинокор,
Экскаваторчи... бари шу ерда.

Айтаверинг, қизлар, не шартингиз бор,
Барига имкон бор ва куч бор элда. 3
Лекин энг меҳнаткаш, вафодор, қувноқ
Қизни қидирган ҳам бизларга келсин.
Янги очилган ер—яшнаган қишлоқ,—
Бизнинг адресни шундай деб билсин.

БАҲОР КЕЧАСИ

Қуёш ботиб кетди.

Бир тутам нури
 Варрак думларига илашиб қолди.
 Опаси етаклаб кетган боладек
 Чумчуқлар чурқ-чурқлаб тарк этди толни.
 Ҳовлим ўртасида дўндиқ қиз каби
 Пушти кўйлак кийиб турар шафтолу.
 Гилос оқ шоҳи тўн кийган куёвми,
 Эгилиб келинга пичирларди у?
 Тўйни кўриш учун том тепасига
 Шошиб чиқиб олган қизлар каби ой—
 Ўрикка тирмашиб, ёнғоққа ўтиб,
 Терак тепасида кўрсатди чирой.
 Фақат уйимдамас, ҳар хонадонда,
 Бутун Ватанимда бугун Май—байрам.
 Ҳовузча косага баҳор шаробин
 Шилдиратиб қуяр ариқчалар ҳам.
 Ана, юлдуз санаб бўғот лабида
 Қўшним мушуги ҳам кутади ёрин.
 Жонивору парранда... барида севги!
 Қандай одам севмас тинчлик баҳорин!..
 Ерим, соч оқлигин баҳона қилма,
 Юр, чиқайлик биз ҳам баҳор сайрига.

* * *

Хип бўғилиб, зарра қолмас иштаҳам,
Эрталаб кўзларим чиқар киртайиб.
Бу ҳолимни кўриб ачинар онам—
Ҳар галгидек яна қўяди койиб.

Мен тетик сезаман аммо ўзимни,
Кечаларим ўтган бўлса ҳам бедор.
Онам қайдан билсин эҳтиросимни!
Қандай қилай унга завқимни изҳор?!

Койиса онам ҳақ!

Она у, ахир!

Мен ўйлаб қоламан аммо шу маҳал:
Меҳнат қилмай юз йил соғ яшамоқдан,
Одамлар дардида ўтган он афзал!

БЕДАНА

Ўрқовоқда тинмай сайрар бедана,
Таҳлавондек йигит унга парвона,

Ина бирин боқар енгин ичида,
Унга сув беради тилин учида.

Оикри ёди қимор, бедана,
Меҳнат, ўзга завқдан мутлақ бегона.

Ў ўзин санайди чапани, хўроз,
Асли беданадан заифлиги рост.

Муштдек икки қушнинг бошланса жанги,
Девдек бу йигитнинг ўчади ранги.

Бу жанг қаршисида безгакдек титрар,
Орагин ҳовучлаб, ўзин йитирар.

Аввал беданага ачинган эдим,
Ўнг билдим мард қайси ва номарди ким!

Беданани қарам десам қўлига,
Девдек бу йигитни ўзин йўлига—

Ўз домига солган бедана экан;
Қу йигит, сен асл бўлсанг мард, чапан,

Шартта озод қилиб шу беданани,
Бошқа касбни топгин, мард дейман сени.

Қимордан ўзингни қилгин ҳимоя!
Ёли бор йигитга шу гап кифоя.

* * *

Сен қилғанни ҳар ким қилар, кибрланиб нета
Халқ мақтаса хизматингни, мурудингга етаса
Ҳз-ўзингча етмоқ бўлиб кўкка қанча сакраса
Вақатгина ерни ўйиб, шунча тубан кетасан.

* * *

Яхшига яхшиман, аммо ёмонга...
Мен-ла айтишмагил, майли, бўлма ким.
Ҳақиқат қўлимда қурол бўлганда,
Майли, бошим кетсин, туrolмайман жим!

Мен-ла айтишмоқ-чун, баҳс қилмоқ учун,
Аввал билиб олгин ҳақиқат нима!
Муҳаббат ҳурмати сўзлар эканман
Қаршимда гунг каби тек тур, сўз дема!

Қулоқ сол, билиб ол, ҳақиқатни сен,
Бу сенга қул бўлгин деганим эмас.
Менга севгинг борми, ахир, эй баттол,
Мени ҳам ўзингдек сева олсанг, бас!

* * *

Гулзорга кирдиму гул узмоқ бўлдим,
Аммо қўлларимни тирнади тикан.
Шунча нафисликка, шу гўзалликка,
Таажжуб, бу ништар не ҳожат экан?!

Жонни ачитгучи тиғи бўлмаса,
Ҳар ўтган узарди балки беозор.
Ҳуснини беғубор сақламоқ учун,
Атрофига аскар тизганми қатор?!

Сен ҳам гулдек гўзал.
Сенга ҳам шундек,
Суқланиб қарарлар,
Ундан ҳазар қил!
Ҳуснимга доғ тушиб, сўлмасин десанг,
Вафо, чин севгини қўриқчи деб бил.

Сўқмоқ йўллар билан тоғлар оралаб,
Қояларга чиқдим, бургутдек боқдим,
Пастда сой ярқирар, теварагимда
Боғлар шовиллайди... завқдан тутоқдим.

Юзларимга олтин зарралар сочиб,
Қоядан отилар пастга шалола.
Қоимоқчи бўласан ҳовучлаб ичиб,
Тубида-чи, қуёш — олтин пиёла.

Олтин бу қадаҳни рашк қилгансимон
Қоялардан пастга ташланар лочин.
Парвозига мени маҳв этиб шу он,
Бепоен водийда ёзар қулочин.

Учган лочин эмас, гўё шодлигим
Кенг Фарғона бўйлаб қанот қоқарди.
Тошган шалоламас, менинг ҳисларим
Қалбда тўлқин уриб, куйлаб оқарди.

Шу шодликда яна сени қўмсадим,
Кўз олдимда турдинг, азизим, дўстим.
Мушкул чоғлардамас, ҳатто шодликда
Билиш мумкин экан асл дўстинг ким.

Қанчалар бахтиёр, қанча бўлма шод,
Қалбинг денгиз каби завққа тўлса ҳам,
Юрагингдан севган дўст — ўртоғингсиз
Умринг бўлмас экан тўкис ва кўркем.

ҲАММАСИ ҲЗИНГ

Тунда ёрим тўлиб чиройга,
Келган эди, ўхшатдим ойга.

Меҳри тошиб қайрилма қошим,
Мени деди — ёрқин қуёшим.

Оғир ботди менга бу сўзи,
Маъносини англарми ўзи!

Ой чиққанда бўлмайди қуёш,
Қуёш балқса, ой буркайди бош.

Иккаласи қовушолмас ҳеч,
Бир-бирини излар эрта-кеч.

Ёрим, топдим бошқа бир қиёс,
Бу мангулик севгимизга хос:

Ой, юлдузим, қуёш бўла қол,
Мен осмону бағримда сен қол.

Сўқмоқ йўллар билан тоғлар оралаб,
Қояларга чиқдим, бургутдек боқдим,
Пастда сой ярқирар, теварагимда
Боғлар шовиллайди... завқдан тутоқдим.

Юзларимга олтин зарралар сочиб,
Қоядан отилар пастга шалола.
Қонмоқчи бўласан ҳовучлаб ичиб,
Тубида-чи, қуёш — олтин пиёла.

Олтин бу қадахни рашк қилгансимон
Қоялардан пастга ташланар лочин.
Парвозига мени маҳв этиб шу он,
Бепоен водийда ёзар қулочин.

Учган лочин эмас, гўё шодлигим
Кенг Фарғона бўйлаб қанот қоқарди.
Тошган шалоламас, менинг ҳисларим
Қалбда тўлқин уриб, куйлаб оқарди.

Шу шодликда яна сени қўмсадим,
Кўз олдимда турдинг, азизим, дўстим.
Мушкул чоғлардамас, ҳатто шодликда
Билиш мумкин экан асл дўстинг ким.

Қанчалар бахтиёр, қанча бўлма шод,
Қалбинг денгиз каби завққа тўлса ҳам,
Юрагингдан севган дўст — ўртоғингсиз
Умринг бўлмас экан тўкис ва кўркем.

ҲАММАСИ ЎЗИНГ

Тунда ёрим тўлиб чиройга,
Келган эди, ўхшатдим ойга.

Меҳри тошиб қайрилма қошим,
Мени деди — ёрқин қуёшим.

Оғир ботди менга бу сўзи,
Маъносини англарми ўзи!

Ой чиққанда бўлмайди қуёш,
Қуёш балқса, ой буркайди бош.

Иккаласи қовушолмас ҳеч,
Бир-бирини излар эрта-кеч.

Ёрим, топдим бошқа бир қиёс,
Бу мангулик севгимизга хос:

Ой, юлдузим, қуёш бўла қол,
Мен осмону бағримда сен қол.

ДУСТЛИК ҲАҚИДА

Соқоллари оппоқ, оппоқ сочлари,
Қийимлари оппоқ...— қалбларисимон.
Икки мўйсафиднинг ёшлик чоғлари,
Дўстликлари тилда дostonдир ҳамон.

Маҳалла-қўй, гузар иккисин кўрса,
Ҳавас билан сўзлар булар дўстлигин.
Етмишдан ҳам ошган ёшлари эса,
Дўстликлари бўлса қаримас лекин.

Ҳа, ўзинг кекса-ю, дўстлигинг бироқ,
Шундай қолсин экан доим навқирон.
Навқирон бўлсангу, сендан олдинроқ,
Дўстлигинг қариса, бу жуда ёмон.

ГУЛ ВА ҚУНГИЛ

Баҳор. Ел гўдакнинг қўлидек майин,
Ҳовлимда нозланиб бағир очар гунча.
Қуёш нурларига илашгандайин
Каптарлар ўйнаши... гўзалдир мунча!

Атрофга ел эмас, гулларнинг исин
Ипак қанотида елпитар каптар.
Ватанимдан олиб тинчлик нафасин,
Жаҳон хонадонин қилар муаттар.

На ҳаётда ғубор, на қалбда ғубор...
Баҳор шамолидан бағир очади гул.
Аммо, тинчлик қилар ҳаётни баҳор,
Тинчликдан баҳр олар инсоний кўнгил.

УМРИМ БОРИЧА

Ҳаёт! Баҳор! Мунча жонбахш, тошқинсан!
Ё бу қувонч тўла қалбим аксими?
Ватаним! Илҳомдек мунча жўшқинсан:
Бир онни, бир тонгги каптар рақсини
Қуйласам, тўймайман умрим борица!
Капалаклар учар...

Гул атрофида
Асалариларнинг сибизгалари,
Лала тақиб қизлар баҳор тобида,
Эркин меҳнат қилар. Буларнинг барин
Сўйласам, тўймайман умрим борица!

Шу кичик манзара бахтиёр, эркин,
Одам ҳаётининг мисоли кўркам.
Бахтли, эркин бўлсанг кўнглингга сиғар
Болари қуйи ҳам, гул ҳам, баҳор ҳам;
Бахтим—сўлмас чаман умрим борица!

Заррада ҳаёт бор.

Улуғ Ватаннинг
Ҳар бир заррасида бахт олам-олам.
Бахту эркин ҳаёт, боғларга нашъа
Берган сен, партиям!

Азиз партиям,
Қуйлайман сени мен умрим борица!

* * *

Ариқ бўйларига сафсар ўтқаздим,
Полизларга сепдим пиёзу кашнич.
Ўнқир-чўнқирларга тупроқ ётқиздим,
Ўз ишимга қараб қалбимда севинч.

Деҳқоннинг тўшидек қизғиш, покиза
Тупроқдан урарди қуёшнинг тафти,
Тутганим тупроқмас,
қуёшу ернинг

Қудратин гўёки шимарди кафтим.
Завқ билан ишладим, ҳар кетмон ердан
Гўё юз очарди қучоқ-қучоқ гул.
Бир танишим кўриб гап отди бирдан:
«Наҳот, тополмадинг чопдиришга пул?...»
Аммо гап пулдами?!

Пул билан битса,
Сўрагандан ортиқ беришим мумкин.
Фақат у пул эмас, пул билан бирга,
Олиб кетар меҳнат завқин ҳам лекин.

ҲАЁТ ГУЛДАСТАСИ

Туни бўйи ёзиб тонг отар чоғи
Энди илинганда салгина кўзим,
Димоққа урилиб хуш иси боғнинг
Бир қўл силагандек бўларди юзим.

Боғда чақчақлаган юз булбул билан
Уйим тўлган каби кимдир куларди.
Юзларимни силаб даста гул билан
Кўзни очиб боқсам, қизим турарди.

Жажжи, асал қизим—Умида қизим,
Мени гуллар билан уйғотар экан.
Болалар шодлиги, гул, қуёш нури,
Тинчлик билан отган тонг мунча кўркем!

Қизимни бағримга босиб тонг чоғи
Ҳаёт безағи не? Уйладим аста:
Болалар шодлиги, қуёш тинчликдан
Жаҳонда йўқ экан гўзал гулдаста!

ТИРИК ҚАЛБ

Шоир Ҳамид Олимжон хотирасига

Мен Жиззахга тушдим тонг чоғи...
Кўз илғамас пахтазор боғи,
Қорли тоғлар, баланд қоялар
Атрофимни ўраб турибди,
Ажиб бир куй янграб юрибди...

.

Мен атрофга соламан қулоқ,
Атроф менга беради сўроқ:
Сени мафтун ва лол айлаган,
Бу ажиб куй қайдан келади?
Оппоқ ўрик гулин ўйнаган
Бу тонг ели не деб елади?
Кўрмоқдасан боғларда кимни?
Сўрмоқдасан қоядан кимни?

Бу сўроққа излайман жавоб,
Кўз олдимга аммо ўша тоб
Ўлмас шоир келиб туради,
Назаримда бошлаб юради.
Мана водий, тошқин Зарафшон,
Шоир каби жўшқин, ўйноқи.
Бошлаб чиқди қоя бошига.
Қоя шоир умридек боқий.
Тоғ бағридан кўм-кўк водийга,
Пахтазорга тикилдим узоқ.

* * *

Олим—маърифатнинг сайқали бўлур,
Олим—ҳар китобнинг зарҳали бўлур.
Донолик таърифин қанча ёзсам оз,
Олим—камтарликнинг ҳайкали бўлур.

ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ

«Ҳей, қайдасан ҳақиқат!
Қайдасан, ҳей, адолат!»
Қамоқ панжарасидан
Янграр шундай бир овоз!
Бу оддий овоз эмас,
Ёки синиқ соз эмас,
Глезоснинг қалбидан
Залвар-ла этар парвоз.
Грек ерин қаъридан,
Минглаб инсон бағридан
Бунга жавоб бўлгандек
Келар фарёд—ҳайқириқ:
«Фашист қон тўккан ерда,
Фашист ҳукмрон элда
На қуёшу на кулки,
Ҳақиқатдан асар йўқ!»
Глезосни суд қилдингиз,
Йўқ, халқ қалбин тилдингиз.
Ахир жаҳон халқлари
Ғуноҳи не демасми?!
Грек халқин қонини,
Унинг ҳалол нонини
Тортиб, ичиб еганлар
Сиз—ноҳақ суд эмасми?
Сизни суд қилмоқ лозим,
Сизларни тилмоқ лозим!

Глезосмас сизларни
Қамоққа солмоқ керак!
У қамоқда қолмайди,
У курашдан толмайди!
Адолат ва ҳақиқат
Унга озиқ, зўр тирак.
Ҳей, қайдасан ҳақиқат!
Қайдасан, ҳей, адолат!»
Бу овоздан қалтираб
Ёпманг қулоғингизни!
Сизлар чириган илдиз,
Ёки қумда қолган из.
Бу овоз бўрон бўлиб
Ердан супураб сизни!
Глезос озод бўлар!
Ватани обод бўлар!

МАҚБАРА ОЛДИДА

Ленин мақбараси!.. Ленин тирик-ку!..
Мақбара деб қандай атамоқ мумкин!
Ахир, халқлар билан суҳбатлашар у,
Жаҳон халқи келар кўргани ҳар кун.

Мана, мункайган чол тикилганича
Мақбара олдида турар оғир дам.
Вақт ўтган сари наздимда шунча
Қомати тикланиб бўларди бардам.

Ленин дам оларди, балки ухларди,
Москвада эрта тонг эди ҳали.
Мармарларга кўзин тикканича чол
Турарди кутгандек қабул маҳалин.

Минг бор ўтганлар ҳам Қизил майдондан
Яна тўхтамасдан ўтмайди бир дам:
Чунки, ўтганида ўрнак олади
Лениннинг ишидан, камтарлигидан.

Чолнинг қаршисида мармар девормас,
Ленинни акс этиб турарди кўзгу.
Мармарларни тешиб қалб, меҳри билан
Лениннинг олдига кириб чиқди у.

ФАХРИЙ ҚОРОВУЛ

Тонг отганда ўтдим Қизил майдондан,
Кун ботганда ўтдим Қизил майдондан.
Алмашиниб турар фахрий қоровул,
Мавзолей олдиға қўйиб чамбаргул,
Зиёрат қилгувчи халқ аримас ҳеч,
Қай маҳал ўтмайин: хоҳ эрта, хоҳ кеч.

Қай фасл ўтмайин: хоҳи куз, хоҳ ёз,
Хоҳи баҳор фасли, хоҳи қиш-аёз
Алмашиниб турар фахрий қоровул,
Аммо ҳурмат билан қўйиб чамбаргул.
Зиёрат қилгувчи сонсиз халқ, одам
Мавзолей олдидан аримас бир дам.

Ҳа, фахрий қоровул қўймаслик мумкин,
Икки солдат халқнинг вакили, лекин
Улар икки эмас йўқ минг-минг нафар,
Йўқ, ундан ҳам ортиқ, ҳар кун, ҳар сафар,
Мавзолей олдиға қўйган чамбаргул,
Жаҳон халқин ўзи фахрий қоровул.

ҚИРҚ ИККИ ЙИЛ

Кеч куз. Дарахтлар қизғиш-олтин ранг,
Шилдираб япроқлар куйлайди қўшиқ.

Япроқлар на қўшиқ, ташвишни билар,
Бу менинг қалбимдир қўшиққа тўлиқ.

Қўшиғим, шодлигим, бахтим... ҳаммаси

Қирқ икки йил—Октябрь самараси.

Қирқ икки йил!—Қирқ минг асрлаб инсон

Орзу қилган, орзусига етган йил.

Қирқ аср ҳам етмас агар сўзласам

Саховатин, шарофатин муттасил.

Халқим топган бахт, озодлик—ҳаммаси

Қирқ икки йил—Октябрь самараси.

Қадимларда бир темирчи мақтаса

Қинғир, темир ўроғи-ю, омочин.

Бугун эса шу темирчи фарзанди

Машинада пахта терган чин лочин,

Бунинг доғи, шон-шуҳрати—ҳаммаси

Қирқ икки йил—Октябрь самараси.

Ўхшатардик ойга ёр жамолини,

Ҳуснига ёзилган қанчалаб ғазал.

Аммо ҳеч ким чиқиб кўрганми уни.

Мақтовларга лойиқ эдими гўзал?

Ой сирин биз топдик. Бунинг ҳаммаси

Қирқ икки йил—Октябрь самараси.

Аслида ой бўлса ерга тикилиб,

Деркан—«Қоинотда йўқ сендек сулув,

Юзимга доғ тушди сенинг ҳажрингда».

Биз яшаган ерга ошиқ экан у.

Ошиқлар топишди. Бунинг ҳаммаси

Қирқ икки йил—Октябрь самараси.

Ойни қўлга олдик. Яқин йилларда

Бир шеър ё дoston ёзмаклик учун

Мени редакция бирон ҳафтага

Ойга чиқиб-тушгин дейиши мумкин.

Бу буюк ниятлар, орзу... ҳаммаси

Қирқ икки йил—Октябрь самараси.

Боғда япроқларнинг шитирлаши ҳам

Гўёки шодликни куйлаган каби.

Дарё, ирмоқларнинг шилдираши ҳам

Тинчлик, озодликни куйлаган каби.

Халқим қалбидаги бу ҳис... ҳаммаси

Қирқ икки йил — Октябрь самараси.



Шоирнинг онаси Зайнабхон (1872—1951).

СОВҒА

(Бахтиёрға)

Ун тўққизга тўлган йигит ёшингни
Бир дўстинг табриклаб, даста гул тутар.
Бири сарпо қилар, бириси китоб
Бири олтин соат ҳадя этар.
Бир уй тўла одам.

Эшикдан кирсам,
Балки, ҳамма қарар менинг қўлимга,
Отанга дўстлигим, сенга меҳримни
Улар бари билар;

шу он кўнглимга
Ташвиш тушиб қолди, не совға қилсам?
Уйлаб тополмадим. От миндирсам кам.
Гул тутайин десам, шу ёшинг баҳор,
Йигитликнинг ўзи минг гулдан кўркам.
Сарпо қилай десам, тез тўзиб кетар.
Сен элликка киргач нишон қолмайди.
От миндирай десам, отнинг умри не?
Сенинг зўр умрингга тенг келолмайди.
Ҳар йил тўй қилинар туғилган кунинг,
Йил ўтгач, совғалар унутилар ҳам.
Сенинг хотирангдан абадий чиқмас,
Қалбингда яшовчи не совға қилсам...
Бу совғамни қўлга бериб бўлмайди,
Қалбинга атадим, қалбга солиб ол.
Бу яхши ниятдир: яхши ният ҳам,
Халқнинг айтганидек, ахир ёрти мол.
Ҳали, сен ёш рассом, буюк рассомдек
Чизган расминг билан халқ қалбида қол.

АЖАЛНИ ДАФ ҚИЛУВЧИЛАР

Ажал қайда кезар! Ҳар қадам ерда,
Ҳар бир хонадондан излайди ўлжа.
Гоҳо гўдакларни, гоҳо ошиқларни...
Олиб кетмак бўлар тушганни кўзга.

Қани, унга қолса ҳар хонадондан
Фарёд — йиғиларни тинглаб турса у.
Қани, кучи етса дўстни дўстидан
Жудо қилса, ёрни ёридан мангу.

Қани тайёр ўлжа! Излаб ўлжасин,
Ғазабнок туну кун кезар сарсари.
Қайғу эмас, тинглар кулгулар сасин,
Шоду хуррам, одамлар бари.

Шунда қаҳр тўнин елкага солиб,
Тайғаноқ йўлларда изғиб юради.
Музда гўдакларни оёқдан чалиб,
Машина остига солмоқ бўлади.

Аммо, милиционер чиқар олдидан,
Қўриқлаб офатдан гўдак ҳаётин.
Ажал заифликдан дод солиб бирдан,
Фарёд билан ёзиб қаро қанотин,

Қасалхоналарни бўлади кезмоқ,
Худди шамол каби елиб ўша чоқ.

«Тез ёрдам» машина ўтиб қолади,
Ўлим парвоз қилиб чиқиб олади.

Мана касалхона. Бу ерга ажал,
Ҳар минут, ҳар соат қилар минг ҳужум.
Оқ халат — оқ қалқон тутиб шу маҳал,
Врачлар чиқади.

Ҳаёт ва ўлим

Ўртасида кетар даҳшатли, зўр жанг,
Бемор чидай олмай алам зўридан
Қайга қўйишини билмас жонини.
Ажал шунда мамнун қаҳқаҳлар бирдан,
Гўё топган каби ўлжа — нонини.
Ажал олдин кулди,

Аммо ўлжасин

Тополмай қалбини қилди чоку чок.
Унга насиб бўлди инсонга бенаф,
Фақат жинжилоқдек чирик кўричак.
Ажал фарёд солди!

Беҳуш бемор-чи,

Аста кўзни очиб, мамнун куларди.
Ажални даф қилган врач олдида,
Энди таслим бўлиб ўлим ўларди.

ШОИР ВА ОНА

Сўнги трамвайнинг овози тинди,
Ховлимга ёт туннинг чўкди салқини.
Шоирнинг хаёлчаи сузук кўзидек,
Кўкда юлдузларнинг милт-милт ёлқини.

Тун жимлигин бузиб шилдирар фақат
Деворнинг тагидан оқиб ўтган сув.
Гоҳ қўшни гўдаги йиғлар бетоқат,
Она аллалайди тарк этиб уйқу.

Яна тонг оқарар, трамвай тушар,
Туни бўйи ўчмас шоир чироғи.
Тонг оқарар, аммо, тун бўйи тинмас
Онанинг алласи, гўдакнинг жағи.

Она кўз юммади, фарзанд ўстириб,
Бояга етишин қилади ҳавас.
Шоир тунлар уйгоқ шеър битириб,
Ҳар шеъри халқига фарзанд бўлса бас!

1960—1962

* * *

Майли, зарраларга айлансин юрак,
Дўстлик, меҳр бўлиб сингса ҳар танга.
Ахир шеър, юрак не учун керак,
Яхшилик қилмаса агар инсонга.

СҮРОҚ БҮЛАРМИДИ!..

Агар тун бўлмаса, чироқ бўлармиди!
Ишқда вафо бўлса, фироқ бўлармиди!
Бир ишванинг ўзи ишққа муҳр бўлса,
Севасанми, деган сўроқ бўлармиди!

Гавҳар денгизда-ю, севги дилда бўлар,
Чиндан дилда бўлса, гоҳо тилда бўлар.
Агар тил бор десанг ёлғончиларда ҳам,
Тилимни кес, гунг қил, пичоқ бўлармиди!

Яхши бўлмоқ учун ширин тил ҳам керак,
Севгини айтишга очиқ дил ҳам керак.
Чироқда тил бўлса, ахир парвона ҳам
Ишқ ўтида ёниб чўлоқ бўлармиди!

Ё севгимга шубҳа билан қарайсанми?
Ё ишқимга бирон далил сўрайсанми?
Гар севмасам сени, сенга ёзган шеърим
Юрагимда қайнарбулоқ бўлармиди!

Синамоқчимисан ёки қалб, сўзимни,
Одоб, ахлоқиму ёки тўзимимни?
Мен одобсиз бўлсам, минг бор сўзлашганда
Битта бўса шунча йироқ бўлармиди!

Ёки нуқсони йўқ ёрни излайсанми?
Айбимни айтишга фурсат кўзлайсанми?

Сен ўзингни боғбон, мени чўл деб билсанг,
Боғбон яхши бўлса, янтоқ бўлармиди!

Севмаганга ҳол ҳам хунук доғ кўринар,
Асл боғбонга-чи, чўл ҳам боғ кўринар.
Гар севмасанг мени, кўришмаган бир кун
Йил туюлиб димоғ-фироқ бўлармиди!

«Севасанми»— дея бекор сўрабман, ёр,
Севишимиз сўзсиз элга бўлди ошкор.
Агар севишмасак, бугун кўришганда
Хайр, дейиш шунча узоқ бўлармиди!

* * *

Қўлимда май тўла гулдор пиёла,
Гулзор деб капалак бўлар парвона.
Гулга қўнмоқ бўлиб, майга ғарқ бўлди,
Майми ё гулзорми қилган девона!

ҚАЙСИ БИРИСИЗ?

Дўстларим бор: менга ҳеч маҳал,
Емонликни кўрмайди раво.
Мушкул тушса бошимга сағал,
Дардимга ҳам бўлолмас даво.
Бу дўстликми?

Ҳа, булар фақат,
Сафар чоғи қўшилган улфат.

Баъзиси бор: боладек мақтаб,
Қилмоқ бўлар дўстлигини ошкор.
Мен-чи, ундан ўзиб кетган тоб,
Этагимдан тортишга тайёр.
Сиртдан кўрсанг, товланган ёқут,
Аслида-чи, бир чирмовиқ ўт.

Дўстларим бор: шодлик, қайғумни,
Ўзиники каби ҳис этар.
Бахт, ютуғим шод этар уни,
Нуқсонимни койир, жон ўртар.
Булар болу ҳам аччиқ дору,
Аммо, асли мадад, дармон у.

Дўстлар, менга қайси бирисиз!
Бу бир кўзгу, қараб олингиз!

* * *

Менга чин дўст бўлсанг, қасамёд этгил,
Дўстликни қасамдек умрбод этгил.
Дўстликдан муқаддас на онт, на сўз бор,
Дўстлик — қасамдан зўр, буни ёд этгил.

ОНА ВА ТИШ

«Тишинг ҳам тушибди, барвақт қарибсан...»
Дўстлар ҳазиллашиб қилади кулги.
Ешлик ўзи нима? Кексаймоқ нима?..
Наҳот, тиш тушиши қаришга белги!

Ахир, тиш тушади саккиз ёшда ҳам,
Саксонда садафдек туриши мумкин.
Қаридим деярман, қўлимдан қалам
Ижод қилолмасдан тушиб кетган кун.

Сочнинг оқариши, бел букилиши,
Тиш тушиш қаришга бўлолмас нишон.
Бемехнат яшаган йигит — йигитми!
Меҳнаткаш чол ундан минг бор навқирон.

Йиллар ўтар балки, туғма тишимдан
Саксонда нишон ҳам қолмайди буткул.
Қаридим демайман, агар қаламим
Синмасдан олмосдек қололса ўткир.

Тишлардан не фойда, ҳаёт неъматин
Меҳнат билан топиб, чақмаса мағзин.
Бўрининг тишидан фарқи йўқ.

Бундан

Она сутин эммай ўлмаклик лозим.

Мен ёлғиз ўғилман.

Ҳали ёдимда

Онам айтиб берган кичик ҳикоя.

(Бунн сўзлаб берди марҳум онамнинг
Номидан барҳаёт туғдирган доям).

Онам қувонибди мен туғилганда,
Бахт билан тўлгандек унинг қучоғи.
Бундан ҳам зиёдроқ қувонган экан
Милкимдан гуручдек тиш чиққан чоғи.

Ҳатто қувонибди қўғирмоч қилиб,
Тишлаган вақтимда унинг сийнасин,
Менга боқим бўлмай, энди ҳаётдан
Топар бўлди дея ўз насибасин.

Мана йиллар ўтди, қиз томоғида
Кичкина доғ кўрдим, наҳот тишимдан.
Аммо айтолмайман, бу тишимданми,
Ёки илк баҳорда кўрган тушимдан.

Ақл тиши чиқди жодидай маҳкам,
Бақувват тишларда кўмик кемирдим.
О, нақадар лаззат! Бу кўмик эмас,
Гўё ҳаёт мағзин тотин шимирдим.

Тишларим мукаммал бўлганда, аммо,
Онамнинг милкида қолмабди сира.
Ҳаёт лаззатини сен тота қол деб,
Гўё берган каби менга бир сира.

Мана йиллар ўтди,

Энди менинг ҳам

Иккита тишимнинг тушганлиги рост,
Бунга ачинмайман, набираларга
Онам берган тишни айладим мерос.

Саксонга кирарман, җаммаси тушар,
Қайтадан бұларман гүё бир гүдак.
Олтиндан құярман, аммо ёдимдан,
Мутлақо чиқмайди она, у кўкрак.

* * *

Тоғ бургути бўлсанг, баланд парвоз қил,
Бургут нима! Ундан баланд бўл, эй дил!
Бахту мартабанинг баланди яхши,
Лекин димоғнинг-чи, пастроғи маъқул.

* * *

Кузак япроқларни боғларга тўкди,
Чаманлар ўзгартди ёздаги тусин.
Юртимдан турналар йўл солиб ўтди,
Қаергадир излаб баҳор ва ҳусн.

Бошимда айланиб, солиб арғимчоқ,
Дегандек бўларди:— Бизга бўл ҳамдам...
Сизга оқ йўл қушлар, қайтингиз тезроқ,
Қай диёр бор экан юртимдан кўркем?
Ўз юртин тарк этиш бизга ёт мутлоқ,
Бўлмаса, дермиди бизларни одам!

* * *

Қуёш ёр васлига ошиқиб, шошиб,
Йўл юрган йигитдек бўртиб турибди.
Терак — сочин ўрмай чиққан қиз каби
Нозланиб, тонг чоғи елпиб турибди.

Теракка илинган варрак дариллар,
Қушларга жўр бўлиб чиқарар овоз.
Бир вақт учиргандим... наҳотки йиллар,
Ёшлигим шунча тез айлади парвоз!..

Бир вақтлар... наҳотки шунча йил ўтди!
Илк шеърим, ишқ фаслини эсладим шу чоқ.
Наҳотки, ёшлигим қўлимдан кетди,
Узилган варракдек, сирғилиб йироқ!..

Тегирмон парраги остига кириб,
Қайси баҳор эди, балиқ тутганим?
Арава изида толдан от миниб,
Кеча эмасмиди чолиб ўтганим?

О, нақадар учқур замон суръати!
Тегирмон ўрнида ГЭСлар гувиллар.
Терак бўйи уйлар... демак, ҳаётни
Қаритмабди, балки, яшартган йиллар.
Мени-чи, мени ҳам яшартдими у?
Мени қамраб олган баҳордек сулув.

* * *

Кун қизариб ботди. Қор босган томлар,
Тутлар шоҳидаги қорларда шафақ.
Терак тепасида етти кунлик ой,
Анҳор бўйидаги толларда шафақ.

Анҳорнинг қирғоғи тизза бўйи қор,
Атроф кийган гўё оқ шоҳи яктак.
Далани айланган кўк — тиниқ анҳор
Гўё осмони ранг янги белбоқдек.

Шафақ қизиллиги ўчди атрофда,
Аёзда ярқирай ойнанинг ўроғи.
Қуёшдек ёнарди, аммо шу топда
Сувга чиққан қизнинг икки ёноғи.

Сув баҳона бўлди, йигит билан қиз
Суҳбат қилишдилар, отишдилар қор.
Гул отгандек бўлди иккиси шу кез...
Севги фасли кўклам демаклик бекор.

Уйларим бўлинди. Бирдан ариқдан,
Тошқин сув келгандек бўлди гуриллаб,
Сув эмас, гуллаган шафтоли ёқдан
Ўғлимнинг овози келди дўриллаб.

Ўғлимга тикилдим, яшартди мени,
Ёшлигимни шунда учратдим тугал.
Гуллаган шафтоли майин тукини
Ўғлимнинг лабига берибди бу гал.

Демак, қаримабман! Бўз йигитлигим,
Ўз уйим, ёнимда доим барқарор.
Ёшлик ҳисси билан тепади қалбим,
Яшасин авлодлар бахш этиб баҳор.

* * *

Шамол учиргандек кўкда сузар ой,
Ниҳоллар баргида товланар нури.
Илк баҳор кечаси ҳатто ёқимтой,
Узоқлардан келган бақа қур-қури.

Баҳор кечасига бу куй ҳам чирой,
Теракнинг учига қўниб тинглар ой.

* * *

Баҳор чоғи эди, йўргакда эдинг,
Ниҳоллар ҳам сендек гул чойшабида.
Қоп-қора гилосдек мўлтиллаб кўзинг,
Кўклам атри борди гулдек лабингда.

Шеър бағишладим сен туғилганингда,
Ҳа, шунга бўлибди ўн саккиз баҳор.
Лекин, шеър ҳамон баъзи лабларда...
Топдингми шеърдек сен ҳам эътибор!

Балли, узоқ яшар бу кичик шеърим,
Лекин сен ҳам кўпга шундай манзур бўл.
Шеър манзур бўлиб, сен-чи, назардан
Пастда қолиб кетма, шеърдек зўр бўл.

Сенинг меҳнатингдан, сенинг ақлингдан
Яхши қўшиқ каби баҳр олсин инсон.
Гўдаклигинг кичик шеър бўлганда,
Йигитлигинг бўлсин катта бир дoston.

ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Деразадан боқдим ярим кечаси,
Мафтун қилди Қрим, тун манзараси:

Сутдек денгиз, қараб ўйга толаман,
Ойга тикиламан, қараб қоламан.

Денгиз узра қалқир азим бир соя —
Қирғоқда қиличдай ярқирар қоя.

Кумуш қалпоқсимон чўққи узра ой,
Нурда денгизу тоғ олмиш бир чирой.

Қора духобадек товланар боғлар,
Чўмиларди гўё тўлқинда тоғлар.

Тоғлар жим, боғлар жим, ой жим, денгиз жим,
Аммо қирғоқ узра тўлқинлар базм.

Қургандек тинмасдан сокин тун бўйи,
Пастликдан келарди шовлаган куйи.

Эшигимни очиб сездирмай аста,
Иккинчи қаватдан тушаман пастга.

Гоҳ соҳилга тушдим, гоҳ тоққа чиқдим,
Ҳамма ухлар, лекин уйғоқ бир ўзим.

Қоя томон юрсам, тортарди соҳил,
Қўй-чи, бир завқ билан тўла эди дил.

Мени кузатаркан шу чоқ боғбон чол,
Нима шубҳа қилди, не қилди хаёл?

Шеърим битгунича, нима деса дер,
Не-не кўйга солмас шоирни шеър.

* * *

Ғалвиракнийг ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлар,
Пистанинг ҳам қаттиғидан очиқ оғзи соз бўлар.
Лекин, очиқ севаман деб вафо қилмас гўзалдан
Пинҳон севиб ўртагучи ёрнинг нози соз бўлар.

ЧАНҚОҚЛИҚ ВА ЗАНЖИРЛАР

Йиллар ўтиб, келар саҳроларга сув,
Чанқоғи қонару бўлар нашъалик.
Йиллар ўтган сари аммо авж олар
Ҳаёт ва севгига бўлган ташналик.

Йиллар ўтар, қуллик занжирларидан
Жаҳон бўйлаб асло қолмайди асар.
Йиллар ўтган сари халқлар дўстлигин
Олтин занжирлари жаранглаб яшар.

СЕНДАН ЎРГАНДИ...

Владимир Ильич, кечагина сенинг
Туғилган кунингни халқ қилди байрам.
Бизда одат шундай:

Яхши одамларни
Ўлди дейилмайди,
Тирикдек ҳар дам
Эъзоз-эҳтиром-ла ёдга олади.

Ахир бу одатни — инсонга ҳурматни,
Меҳру муҳаббатни сен қилдинг мерос.
Қишига яхшилик, уни қадрлаш ҳам
Сенинг таълимoting, фақат сенга хос.

Сен эрклик келтирдинг,
Сен шодлик келтирдинг,
Инсонни инсонга қилдинг меҳрибон.
Қаердаки шодлик, қаердаки дўстлик
Демак ўша ерда ўзинг бор ҳар он.

Ленин деган чоқда ўлимни эмас,
Яшаш, туғилмакни англар ҳар одам.
Сен дармон бердинг, аста кўз очди
Асрий машаққатдан ҳориган олам.

Қурғоқ, бўронлардан эгалари йитиб,
Саҳрода вайрона уйлар қолгандек,

Қарвон йўллариини тепа қумлар босиб,
Саҳро ичра ҳайҳот қолган қўрғондек,
Ҳаётда на файзу, на завқ бор эди,
Ғарқ кемадек ғамдан олам чўкарди.
Ленин, сен — партия мадад бўлдинг шунда,
Ўзга — янги дунё қаддин кўтарди.
Демак, қаердаки ютуқ, янгилик бор,
Сенинг иштирокнинг бор деб англаймиз.
Фазони забт этдик, ойга учсак ҳам,
Ғоянг тантанаси дея номлаймиз.
Ленин деган чоқда ўлимни эмас,
Коммунизм — бахтни англам чин одам.
Неки яхшилик бор тимсоли — ўзинг,
Яхшиликни сендан ўрганди олам.

ЛЕНИННИНГ ФАЙЗИ

Тонгда гулзордаман. Гулдек енгилман.
Она сути каби ширин бир ҳузур.
Тиниқ кўкда қуёш кўринмаса ҳам
Ҳар ҳовли, уфқда илиқ, ёруғ нур.
Ленин Кремлда. Қуш қанотида,
Ҳар гул, ҳар чечакда кўринди файзи.
Апрелда туғилдинг — авжи баҳорда,
Ленин — сен мангулик баҳорнинг рамзи.
Гулзорда гул бўлиб кўринар юзинг
Ҳар тонгда нур бўлиб кўринар кўзинг.

ЯНГИ ҲАЁТ УСТУНИ

Қўлимда жийдагул нақшин-пиёла,
Хаёлимни майдек элитди узоқ.
Гулзор деб капалак бўлар парвона,
Аслида-чи, ётган бир сиқим тупроқ.

Мана, қанча-қанча шеър ёзган қалам,
Уйлаб кўрсанг кичик бир шох парчаси.
Кичикдан буюкни яратар одам,
Инсон меҳнатидан бунинг барчаси.

Қўз ўнгимдан кетмас, азиз елкада
Ёғоч кўтарганди улуғ Ленин ҳам...
Зарра тортинмабди оддий меҳнатдан
Кўҳна бир дунёни қулатган одам.

Буюклик меҳнатда.

Бемеҳнат ҳар касб —
Гўё бир вужуддир беқон, бемадор.
Дунёни елкада кўтарган Ленин
Инсоний меҳнатдан қилмабди ҳеч ор!
Оддий ёғоч эмас, халқнинг меҳнатин
Ленин юксакликка кўтарди шу кун.
Кичик тўсин эмас, янги жаҳонга
Ленин меҳнат билан қўйди илк устун.

ОРЗУ ВА ИШОНЧ

Баҳор осмонида милтиллар юлдуз,
Кўм-кўк бедазорга тушгандек шабнам.
Атроф жимжит, Зухро менга қисиб кўз,
Айтмоқчи бир сўз! Айта қол, эркам!

Шу чоқ бир томондан бўй чўзиб толга
Гўё сўзимизни тинглар эди ой.
Гулдастадек бўлиб нозик ниҳоллар
Унинг шуъласида кўрсатди чирой.

Ниҳоллар тўкарди ўзгача бир файз,
Бу ё меҳнат қилиб экканимданми?
Имо, ишва билан Зухро қилиб лафз,
Висол чоғин ваъда этганиданми?

Қалбадаги орзуми мендаги виқор?
Ҳаётда орзусиз яшаган ким бор!
Ор уйинг бўлса-ю, бўлмаса ишонч,
Яшаб кўр!

Завқ берар на баҳор, на қиш!

Фақат бир суратсан!

На ишда ривож...

Сени мафтун қилар на висол, на ишқ,
Кечадан бугуним, бугундан эртам
Орзуга ишочч-ла доимо кўркам.

АҚЛ ВА МАКР

«Хўп топиб ёзади киши қалбини,
Нозик шоир», дейсан шеърини ўқиб.
Шу гапинг маъносини олмасдан ўқиб,
Соддага йўясан кўрганда уни.

Гоҳо чимирилиб, гоҳ лабда кулгу,
Уни сеҳрламоқ бўласан,

биноқ —

Макр билан эмас, ақл билан у
Сени кузатади, солади қулоқ.
Асл инсонликнинг тарозусида
Сени ўлчаб кўриб, қайтар ихлоси.
Уни сукути-ю, жим боқишидан
Домимга солдим деб ўйлама асти.

Не-не фирибгарлар кирдикорини
Бир қалам учида очолган шоир.
Сенинг юрагингда нелар борини
Наҳот, англамас деб ўйласанг ахир!

Камтарлик, дўлворлик, беозорлигу,
Наҳот фарқ қилмасанг лақмалик нима?
Шундай тубан ҳолга тушганингдан у
Хаёлларга толса, бефаҳм дема!

Йўқ, шоир ҳиссини бўлмайди алдаб,
Сиртдан баҳо бериб бўлмас кишига.
Инсон ва виждоннинг тошида ўлчаб,
Унинг қимматин бил, қараб ишига.

БҮҮҚЛИК

Зангори уфқда олмос қуббадек
Ялт-ялт кўринарди тоғлар чўққиси,
Гўё шу чўққидан мен боқдимۇ тик,
Бирдан қоплаб олди буюклик ҳисси.

Аммо бу ҳисларим бормади узоқ,
Тоғни босиб гур-гур ёнаркан булут.
Ҳақиқий буюклик не деган сўроқ
Фикримга ташланди гўёки бургут.

Пастда қолиб кетди чўққилар, тоғлар,
 Хаёл ошиб кетди булутлардан, ҳу!
 Ҳамон ўйлар эдим: наҳот чўққилар
 Буюкликка бўлса бир марра, кўзгу!

Тоғ, чўққилар нима!
Хатто қатма-қат,
Фазога нурда тез учганди Инсон.
Инсон!— деган чоғим қалбимда беҳад,
Буюклик ҳис этдим, босди ҳаяжон.

Ийнсон!— деган чоғим туганмас меҳр,
Битмас қудрат билан лим тўлди юрак.
Инсон номи сенда шунчалар фахр,
Меҳру шафқат ҳисси уйғотса, демак,
Ахир, шу эмасми, асли буюклик!..

1
Инсон!— деган чоғим тоғлар бир ушоқ,
Денгизлар томчидек кўринди кичик.
Инсон борлигича қад кўрсатган чоқ
У билан ёнма-ён келди буюклик.

Буюкликни қилма чўққиларга тенг,
Унга от-улоғсиз етиш ҳам мумкин,
Бундан мурод нима? Элга не фойда?
Буюклик бемақсад бўлурму лекин!

Буюклик сирини тоғ чўққисига
Ҳайкал ўрнатиш, деб асло ўйлама.
Инсонни қадрлаш, инсон деб яшаш.
Шудир буюкликка шаҳодатнома.

ИНСОН ВА ЯХШИЛИК

(Ю А. Гагаринга)

Инсонни куйлайман! Буюксан, инсон!
Буюклик на касбу, на жинсу ирқда.
Бейнсон на кўрку, на завқдан нишон.
Азизсан, инсон!

Инсонсиз бу дунё бўларди сахро,
Чаманлар, шаҳарлар яратувчисан.
Бадавий чўлларда қасрлар барпо...
Сенга тасанно!

Дилгир чоғларимда қалбимга малҳам,
Оромбахш куйларни сен яратгансан.
Яшашга ҳавасни уйғотувчи ҳам
Сен, азиз одам!

Ҳаётнинг гашти-ю, ороми, файзи
Марҳамат, меҳнатинг, яхшилигингдан.
Гўзаллик, ободлик, орзунинг рамзи
Сен, азиз одам!

Чин инсон дунёни қилади обод,
Яхшилик, марҳамат инсон ҳунари,
Наҳот; инсон қилса ҳаётни барбод!
Бу даҳшат, ҳайҳот!

Патрис Лумумбани ким қилди қатл?!
Пок қалб шоир эди, меҳрибон инсон.

УНИ КЎРГАНМИСАН?

Йўқ, фақат китобда ўқигандирсан,
Ёки кўрганмисан анор юзлини?
Оҳу кўз деганни эшитгандирсан,
Аммо кўрганмисан оҳу кўзлини?

Агар кўрган бўлсанг, қани менга айт,
Гўзаллигин сири нимада экан?
«Йўқ, йўқ, таърифлашга ожиздир минг байт!
Баҳор чиройи не, ундан ҳам кўркам!»

Нега қилдинг уни баҳорга таққос!
Баҳор гўзаллигин қаерда сири?
Агар унинг ўзи, ишқи бўлмаса,
Ахир бўлармиди баҳорнинг сеҳри!

Ҳаётга кўрк берган севги эмасми?
Оламда нима бор ёрдан гўзалроқ!
Ахир, ёрсиз сенга ором берурми
Кўкламлар, чаманлар, яшнаган минг боғ.

Мен уни кўрганман гунафша фасли,
Юзларида ёнган чоғида шафақ.
Шаҳло кўзларини кўрганман аслин
Булоқ томчисидек тит-тиник, ўйноқ.

Боқсанг кўзларини олиб қочади,
Яширмоқчи бўлар табассумини.

У гўзал қўриқда ерлар очади,
Уша ерга боргил, изласанг уни.

Пахтазорларга чиқ, мевазорга кир.
Бир чеккадан шошмай, чўчитмасдан боқ.
Тоғни талқон қилган гўзал бўлса ҳам
Бир нафис феъли бор — бир оз тортинчоқ.

Боқсанг анор каби қизарар юзи,
Гўзаллигин бутун унутгандек у.
Шунда оҳу бўлиб ўйнайди кўзи,
Шу иффат эмасми бахш этган севги!

СЕВГАНИНГДАНМИ, ТҮЙГАНИНГДАНМИ...

Гоҳ бир йигин... қайтаман тунда,
Зуғум билан чимирилар қошинг.
Бир баҳона топасан шунда:
Токай илиқ ейилар ошинг.

Билолмайман: балки бу жанжал,
Севиб, менга куйганингданми?
Ё севгидан тўйганингданми?
Ўша онда қилолмайман ҳал.

Гоҳ иш билан сафарга чиқсам,
Очиқ чеҳра билан кузатиш ҳам йўқ.
Сафар юкин тузатиш ҳам йўқ,
Баъзан ўйлаб севинаман ҳам:

Фироқимда ўртанар дилдан,
Ҳа, бағридан қўйгуси келмас.
Шундай бўлса, нега бир нафас
Юрагингни очмайсан тилда?

Гоҳо яна ўйлар қилар ғарқ:
Балки менинг бору, йўқлигим,
Кеч қайтишим, очу тўқлигим
Сенинг учун бутунлай бефарқ?

Йўқ, бу бари муҳаббат рашки,
Севганимдан десанг, азизам;
Соч-соқолим оқарганда ҳам
Шундай рашкинг сақланса кошки!

ЕЗ

Қорли чўққиларда, боғ, адирларда,
Дарё бўйларида, сой бўйида ёз.
Бугдойзорда бир ранг, полизда бир ранг,
Табиатга берди ёз ажиб пардоз.

Нақадар оромбахш дала шийпонида
Ҳовуздан олинган бир карч босволди.
Кузги тўкин-сочин пахта тўйининг,
Ёзнинг бу неъматни нишона олди.

Деҳқон манглайида дурдек-дурдек тер
Ёки бувакининг тушган аксими?
Анор қизиллиги юзига кўчган
Бу ким? Бобо деҳқон билсам аслини.

Аммо бўлмаганда деҳқон меҳнати
На рангу, на таъму беролмасди ёз.
Инсон меҳнатидан она сутидек
Таъм берган неъматни қанча ёзсам оз.

ИККИ ЁШЛИК

Баъзи бирлар кўриб, мени ёш дейди,
Ўғлим билан юрсам тенг-қурдош дейди.
Тўғри, ўз ўрнида булар ҳам ҳақли,
Лекин ёшликнинг бор ёшликдан фарқи.

Томга чиқиб варрак учиргим келар,
Болалигим қўзиб, келганда баҳор.
Балоғатга етган ўғлимни кўриб,
Ўзимни босаман гоҳ беихтиёр.

Унга қарайману шунда ўзимни
Шўхликдан тияман, тутаман сипо.
Шоир қалби билан баъзан кўзимни
Қизларга буришдан қиламан ҳаё.

Лекин ўзим ҳам ёш, қалбим, завқим ёш,
Ҳали оқ нелигин билмас соқолим.
«Ўғил-қиз қаритар ота-онани», —
Деган халқимизнинг қадим мақолини
Мазмунини шунда ўйлаб қоламан.
Қаритишин сирийн излайман секин...
Ёшлик шўхликлари кетмаган мендан,
На ташвиш изи бор, на юзда ажин...

Шунданми, кўрганлар мени ёш дейди,
Ўғлим билан юрсам, тенг-қурдош дейди.

Лекин у кулгандек кулоламанми?
Қўшилишиб шўхлик қилоламанми?

Шўхлик, завқни босиб сипо тутаман,
Мен билан бўйлашиб турганида у.
Ёшлик жilовини бериб қўйибман,
Балки ўғил-қизнинг қаритгани шу?!

* * *

Гоҳо мафтун қилар тик тоғлар қадди,
Кўкка тенг чўққилар нақадар буюк!
Қояларга етгач, йўл машаққати
Елкамдан сирғилди гўёки бир юк.

Пастда элас-элас тўппидек қишлоқ,
Аниқ кўринмасди гулзорлар ранги.
Чангалзор майсадек кўринди шу чоқ,
Сой товланар, лекин келмас оҳанги.

Трактор нуқтадек кўринди қирда,
Бир инсон нафаси келса-чи шу зум!
Наҳотки, кар бўлди қулоғим бирдан!
Хира тортган каби туюлди кўзим.

Ҳаёт оқимидан, халқ тўлқинидан
Бир нафас айрилиб, холи қолган дам —
Буюк тоғ бағридан мангу ажралган
Тош парчадек сездим мен ўзимни ҳам.

ҚАЛБ, ДҮСТЛИК, СУЗ...

Гавжум Москвадан чиқдим тонг чоғи,
Қалбим тўла қувонч, қалб тўла севинч,
Қорли қирдан ошар елдишим чанғим,
Атроф ўрмонзор, қор.

Атроф жимжит, тинч.

Нақадаар жимжитлик!

Гўё шамол ҳам
Совуқдан ўрмонга олган бекиниб.
Фируза арчалар баҳордек кўркам,
Қор-чи, биллур каби, кетар кўз тиниб.

О, нақадаар ўрмон хил-хил рангга бой!
Бунда сурмоқ мумкин тўрт фасл гаштин.
Қўм-кўк арчаларда баҳорги чирой,
Қор-чи, пахтазорни эслатар бутун.

Қуёшда товланиб учган зағчалар
Езги чуғурчиқни солди ёдимга.
Аммо умрим бўйи қишнинг бунчалар
Кўркин кўрмаганман кўзим олдида.

Чанғида учаман, рус ўрмонида,
Шеър, завқ маст қилиб кезаман якка.
Қушлар ҳам узоққа учиб йўқолди,
Яна атроф жимжит.

Шу он юракка

Бир ғашлик ўрнашди.

Қандайин сир бор?

Назаримда, арча сўлаётгандек...
Хиралашган каби дурдек ёнган қор,
Кўкни булут қоплаб келаётгандек?

Табиат чиройин ўзгартди, наҳот?!
Нечун ҳисда бирдан ўзгариш шунча?
Кўзимга ишонмай қолдим шу заҳот,
Мен узоқ ўйландим сирий тоғунча.

Баландликдан туриб атрофга боқдим,
Табиатда ҳамон ўша кўриниш.
Аммо недур излаб, қўмсарди кўнглим,
Гўё жой олгандек қалбдан бир ташвиш!

Жондан севардим-ку қишки ўрмонни...
Наҳот чиройига шунча тез тўйсам?!
Нима хаёлимни банд этди мени,
Таниш рус гўзалин ёки қалб қўмсар?
Сабаби шундами?

Аммо ўйларим
Охирига етмай йўлдан шу маҳал
Нуроний чол чиқди, саломлашди-ю,
Табассуми қилди бор чигални ҳал.

Унинг ширин сўзи, табассумидан
Теваракка чўмди ҳаётий бир ранг.
Қиш гўзал туюлди аввалгисидан,
Еру кўкни босди жонбахш бир оҳанг.
Мангу қолгим келди ўрмонда шу дам,
Рус ўрмони гўзал кўринди такрор.
Табиат нақадар гўзал бўлса ҳам,
Инсонсиз — садаф нақш, ипсиз бир дутор.

Инсонсиз чирой йўқ!

Инсонсиз ҳаёт —
Соҳибсиз нақ олтин қасрнинг ўзи...

ЯХШИЛИК

Тоғ бағрида шинам, кичкина ҳовли,
Оҳанрабо каби тортар ҳар қачон.
Меҳри мени бир дам қўймайди ҳоли,
Ё сеҳр қилганми меҳмондўст чўпон?

На гўзал қизи бор қилгувчи асир,
Нечун бу даргоҳга шайдосан юрак.
На зардан нақши бор, на олтин қаср,
Мафтун этди десам ундаги безак.

Кўрганман хонларнинг не олтин қасрин,
Жавоҳир жомларда майлар қирмизи.
Қон юқи қадаҳдан минг бора ширин
Заранг косадаги чўпон қимизи.

Бу оддий қимизда қайдан мунча таъм?
Ё қўшиб берганми бир меҳригиге?
Шу кичик ҳовлини не қилмиш кўркам,
Бу дўлвор чўпонга меҳрим бир дунё?

Йўқ, гўзаллик олтин, безаклардами!
Олтиндан бўлса ҳам шамширдир
шамшир.

Бўйнингга қасрда қиличнинг дами
Тутилса, бу қаср кўринар қабр.

Тоққа йўл кўрсатган азиз чўпоннинг
Райҳонли ҳовлиси саройдан кўркам.
Инсоннинг марҳамат, яхшилигисиз
На ҳаётда чирой, на неъматда таъм!

ИККИ ШОИРА

*Ўзбек шоираси Зулфия ва ҳинд шоираси
Амрита Притамга*

Ўзбек шоирасин шинам, тинч уйи,
Шоҳи дарпардадан мўралар шамол.
Атлас кўрпаларда оромга тўйиб,
Амрита уйғонди. Манглайида хол.

Ҳинд қизи уйғонди баҳор, тонг пайти,
Боқар тиниқ кўкка, гулга хотиржам.
Тунги мушоира, дўстлик суҳбати
Қалбин эркаларди унинг ҳали ҳам.

Худди ўз уйида, бир туғишгандек
Ҳовлини айланар икки шоира.
Қалдирғоч чарх урар, учар капалак,
Ўртада бошланар шеър, мушоира.

Дунё тақдиридан, гуллар рангидан
Суҳбат қуришади, кулишар хурсанд.
Улар иккаласи ранг-баранг гулдан
Назаримда гўё қилинган пайванд.

Бошларида учган оқ тўш қалдирғоч
Парвоз қилармиди бўлмаса қанот!
Дўстликдир инсоннинг қаноти, қалби,
Дўстлик билан доим барқ урар ҳаёт.

ХАЛҚ МИНБАРИ

Гоҳо кичик ташвиш ёки зўр шодлик
Тун бўйи кўзингга уйқу қўндирмас.
Ташвишга қалбимдан ўрин йўқ асло,
Шодлик йўл бермайди уйқуга бирпас.

Ёстиққа бош қўйсам, шодлик тўлқинден
Вужудимга сингиб, мени кўтарди.
Қандай қалам олдим қўлга, билмайман,
Сатрлар бетўхтов парвоз кутарди.

Бугунгидек завқу ҳаяжон билан
Шеър ёзганимни эслай олмайман.
Ахир, ҳозир куз, куз! Илҳом берди десам
Тонги гуллар иси, баҳорги чаман.

Умримда бу қадар шодлик кўрмаганман,
Шодлик нима ўзи, наҳот билмасам!
Бугунги шодликни аммо топмаганман
Ҳатто жондан севган мусиқамдан ҳам.

Мени мафтун қилган жонон рақсларни
Ҳатто ўйлаб кўрсам, туюлади ҳеч.
Қалбимда қўзғолган севинч тўлқини
Бахтнинг чўққисига кўтарди шу кеч.

Тунда шеър ёздим, ҳатто эслолмайман
Чироғимни қандай ёққанамни ҳам.
Шу бугундан бошлаб қуёш ботмайди-ю,
Тун нелигин билмай нурлаган олам.

Назаримда, бугун бутун оиламнинг
Қалби қуёш бўлиб, сочар эди нур.
Бугун олам бўйлаб бутун борлигича
Қаддин кўрсатганди инсоний ғурур.

Ўзим Тошкентдаман, лекин қалбим, ўйим
Вакил бўлиб кирган эди съездга.
Ҳақгўй тилимизни бериб юборгандек
Вакил бўлиб борган ўртоққа биздан.

Съезддаги нутқни ўз овозининг
Акси-садоси деб тинглайди халқим.
О, нақадар севинч, съезд сўзларини
Ўзимнинг сўзим деб англайди халқим.

Дилингдаги орзу, дилингдаги сўзни
Эшитишдан, ахир, борми зўр ҳузур.
Завқимни ёзардим, сатрларимга
Қуёш ҳам эргашиб сочар эди нур.

Сатрим орасидан қуёш юрар гўё,
Бутун теваракда отар биллур тонг.
Нурдек ёғиларди коммунизмга
Съезд минбаридан урилган илк бонг.

Мана тонг ҳам отди, аммо илҳомиму
Шеъримнинг охири ҳеч кўринмайди.
Ахир, съезд берган бу шодлик, бу бахт
Минг-минг йиллар ўтар, тамом бўлмайди.

ИНСОН БОШИ КҰККА ЕТДИ

(Б а д и ҳ а)

«Инсон кўкка учди!

Гагарин кўкда!»

Москва—радиодан янгради овоз.

«Бемалол учмоқда... Саломат, бардам

Осмони фалакда қилмоқда парвоз».

Инсон кўкка учди!

Бу хушxabардан,

Қалбларда ҳам ғурур, ҳамда ҳаяжон.

Бу совет кишисин ақлин парвози,

Илмининг парвози.

Яша, эй инсон!

Капалак гулзорни бир айланмасдан,

Асрий йўлни босиб ўтди Гагарин!

Чақилган бир гугурт ёниб ўчмасдан,

Ватан бағрига соғ етди Гагарин.

Осмону ер бизга бўлди бир қадам,

Бугун биз чин қилдик афсонани ҳам.

УРТОҚЛАР, ИШГА!

«Уртоқлар, ишга!—деган шиор билан
Съезд ўз ишига якун ясади.
Бу оддий шиорми!

Чуқур ўйла ўртоқ,
Бунда янги, улуғ мазмун яшайди.
Балки, шу кунгача қўл қовуштириб,
Бекор юрдимми деб, айтишинг мумкин.
Қандай ишлагансан, қандай ишлаш керак...
Съезд айтганича ўйлаб кўр лекин!
«Ишга!—деган сўзни кабинетга кириб,
Буйруқ, телефон қоқиш деб ўйлама, йўқ!
Бу шиор мазмуни: мансабпарастлик,
Қуруқ гердаишга отилган бир ўқ.
Бу сўз маъносини палапартишмас,
Виждон, ақл билан қалбингга жойла.
Бу шиорнинг ўзи палапартишлик,
Тумтароқ ишлашга қаршидир, англа!
«Ишга!»—деган сўзни жирканч, зарарли,
Бундай қолдиқларга кураш ҳам деб бил!
Демак шундай экан,

бундай тубанликни
Ирғитиб ташлашдан ишни бошлагил!
«Ишга!»—деган бу сўз янгича ахлоқ,
Камтарлик, ростгўйлик талаб қилади.
Ёлгон ваъдабозлик, ишда найрангнинг
Эскиб қолган кўҳна уйи қулади.

Уни паноҳ дема, ундан тез қутил!
Ёки сени босиб қилади яксон.
Қутилмаклик осон—Съезд қарорларин
Виждоним деб қалбда сақлагин ҳар он.
Халқим бу шиорни—коммунизм иши,
Бахт деб ишга тушди шиддаткор.
Афсус, орамизда сўзларни бежаб,
Минбардан шуҳратни кутувчилар бор.
Кечагина бўлдим бир маҳкамада
Бошлиқ қабул қилди кабинетида.
Иш бошладик дер-ку, лекин ўзин мақтар,
Қабулхонада-чи,

кетма-кетига

Одамлар йиғилиб кутар мунтазир.
Демак, съезддан сўнг бошламабди иш.
Қўнғироқни босар, кимдир чой келтирар,
Қасби хўжайинга аччиқ чой ташиш.
Иш бошладим дейди, шкаф тортмасида
Ўнлаб шикоятлар ётар бежавоб.
Дўстим, кўзингни оч, иш бошламабсан,
Бу усулга энди қилиб бўлмас тоб.
«Ишга!»—деган сўзни сансалорликка,
Шуҳратпарастликка кураш деб англа.
Коммунистик ахлоқ қоидаларин
Юрак ва ҳиссингга сингдиргил онг-ла!
«Ишга!» бу—яхши хулқ, одоб, камтарлик,
Самимийлик, дўстга меҳр деган сўз.
Бусиз ишимизда унум бўлурми,
Бари сенда жамми, югуртиргин кўз.
«Ўртоқлар, ишга!» деган шиор билан
Съезд ўз ишига якун ясади.
Бу муътабар шиор, чуқур ўйла, ўртоқ,
Бунда чин инсоний ахлоқ яшайди.

ДАСТХАТ

«Чин қалбимдан, камол-эҳтиром билан»
Бунинг чинлигига далил ҳам керак.
Ҳадямни ўқи, ахир шеър-ку,
Шеър ёзиларми беишқ, беюрарк?!

ЙЎЛБАРС БОЛАСИ

Ўтлоқда ағанар кичкина йўлбарс,
Кўзи тушган одам боқмасдан ўтмас.
Нақадар ярашган беқасам тўни,
Ҳамма бир завқ билан эркалар уни.

Ҳар ўтган жунларин силайди суюб,
Нақадар ёқимтой, беғубор гўдак.
Дўнғил қўлларига бошини қўйиб,
Мўлтиллаб тикилар ўйнашмоқчидак.

Бедард кўзларига чўккандай баҳор,
Норасида қалби мунча беғубор!
Унга бир ўй билан тикилиб қолдим,
Недир хаёлимни сеҳрлаб олди.

Яна чиройлироқ бўлар тулланиб,
Яна силлиқлашар чиққач мўйлаби.
Ҳайҳот, кучга тўлиб, аммо улғайиб,
Қошки қолса эди ёшлиги каби
Покиза юраги, беғараз қалби.

ШЕЪРЛАРИМ

Шеърим, дарё бўлолмасанг ҳам,
Рози эдим, бўлсанг бир томчи.
Томчи дилга бўла олур малҳам,
Бўла олур дармон, илҳомчи

Томчи дилни қондиради-ку,
Бир чўғ дилни ёндиради-ку.

Бўлмасанг ҳам гарчи филсимон,
Бир қилча бўл, шунинг ўзи бас.
Қилдан бўлар чийратма арқон,
Бир арқон-чи, тоғ бошига даст

Бир одамни кўтара олур,
Жарликлардан қутқара олур.

Бўл демайман осмонга устун.
Жимжилоқдек кучга эга бўл!
Шеърларим жам бўлиб бир кун,
Бармоқлардан бўлгандек зўр қўл—

Кафтларга бос иссиқ кафтингни,
Қалбларга бер олов тафтингни.

Шеърларим бир одам каби
Инсонларга бўлиб ҳамнафас,
Самимий дўст, бир ҳамдам каби
Кўнгилларни овлай олсанг бас.

СЕН УЧУН...

Неки қилдим сен учун танҳо...
Елғизликдан ахир не маъно!

Бошим узра дўлдек ёғиб ўқ,
Еприлганда булутдек бало.
Кечаман деб ўйлаганим йўқ,
Мен шунда ҳам ҳаётдан асло.

Неки қилдим сен учун бутун,
Сен-чи, ҳаёт бердинг мен учун.

Чиққанимда тоғлар бошига,
Конлар излаб, чекиб машаққат.
Бўрон туриб тошларни тошга
Уриб, ҳатто мени бешафқат
Ҳалок қилмоқ бўлганида ҳам
Ўйламадим ўлимни бир дам.

Неки қилдим сен учун танҳо,
Сенсиз ҳаёт нурсиз, бемаъно.

Қасал бўлиб, бераҳм азоб
Ўлимимга қилганда ризо,
Парвонадек айланиб шу тоб,
Сен қошимда бўлардинг пайдо.
Шу севгингни зое қилмай деб,

Хизмат қилай сенга, ўлмай деб,
Сен туфайли ўлимга қарши
Чидам билан мен кўтардим бош.
Қандай улуг меҳринг оташи,
Инсон, сенинг меҳринг чин қуёш!
Сен берувчи умид, бахтни ҳам,
Мен сен учун яшайман, одам.

Менга олтин қаср берсалар,
Бор неъматни қилиб муҳайё,
Лекин шунда бир шарт қўйсалар:
«Одамларсиз яшайсан танҳо,
Ўз нафсингни ўйласанг агар,
Олтинлардан қўямиз ҳайкал».

Йўқ, йўқ! Сендан холи бўлганим,
Бахтсизлигим, тирик ўлганим!
Инсон, менинг тириклигим сан!
Шон-шуҳратим, буюклигим сан!

СЕВГИ ВА РАШК

Сен, ҳаммага кулиб боқасан,
Сен, риёкор, ишқ қўзғатувчи!
Сен, ҳаммага бирдек ёқасан,
Сен, чин ишқни ё булғатувчи?!
Севолдингми бирон одамни?
Тошқин сувдек севгинг ўйноқи.
Биласанми вафоли дамни,
Севгинг борми ҳеч кимга боқий!
Сен ҳаммага кулиб боқасан,
Наҳот, севги қўзғатмас рашкни!
Кулгинг билан оташ ёқасан,
Биласанми, рашкни, оташни!
Биласанми, рашк нималигин?
Биласанми, табассум сирий?
Бир кўз қараш қалбни уйғотар,
Бир кўз қараш инсоннинг фикрин
Чалғитишга арзир кучи бор,
Наҳот, шундан бўлсанг беҳабар?!

Мен ёнганман рашк оташида,
Мен эзилдим севги тошида.

Сен, ёр бўлсанг менга жонингдан,
Сен, ёр бўлсанг хонумонингдан,
Мени ёр деб боққанингсимон,
Оқ кўксимда оққанингсимон.

Ҳеч кимсага қилма табассум,
Ҳеч кимсага сен бўлма маъсум.
Табассуминг бўлмасин кўчма!
Сен қалбимга оташсан, ўчма!
Сен ҳаммага кулиб боқсангу,
Рашк қилмаган бу қандай севги!
Ҳа, ҳаммага ҳурмат билан боқ,
Ҳа, ҳаммага бўлгин дўст, ўртоқ.

Табассуминг юзингда бўлсин,
Табассуминг кўзингда бўлсин,
Аммо қалбни ўзингда сақла;
Илк бўса не, таъмини оқла!
Ишқ бўлмасин табассумингда,
Ишқ бўлмасин ёнган юзингда.
Бегонага чўғ бўлиб боқсанг,
Ҳа, менга-чи, оташ бўлиб боқ!
Ўзга қалбга ўт ёқа олсанг,
Ҳа, менга-чи, қуёш бўлиб боқ!

Агар шундай қила олмасанг,
Ёнганимни била олмасанг,
Умрим бўйи дейман беқарор,
Умрим бўйи дейман риёкор!

Мен севмасам рашк қилармидим,
Севган қалбни фош қилармидим!

РУС ҒҮЗАЛИГА

Қаердасан, мовий кўзлигим!
Қаердасан, оппоқ юзлигим!

Бир боқдимү лол бўлиб қолдим,
Мафтун қилдинг мени ўша кун.
Чолдек қадди дол бўлиб қолдим,
Чунки такрор боқишга шу тун
Мен ўзимда топмадим журъат,
Шайдо эдим қалбимдан фақат.

Боққан сарим мовий кўзингга
Денгиз бўлиб тортиб кетарди,
Боққан сарим тонгдек юзингга
Ишқим яна ортиб кетарди.

Кўрмагандим бундай тиниқ юз,
Кўрмагандим бундай мовий кўз.

Юзинг оқми, ё қалб оқлиги
Кўчганмиди юзингга шу чоқ.
Кўрқар эдим кўз қорачуғим
Шу оқлиққа солмасин деб доғ.

Сени кўрган кунимдан, дилдор,
Мовий рангга боқаман хумор.

Шу-шу севдим осмоний рангни,
Сиёҳим ҳам ҳатто шу рангда.
Барвақт туриб кутаман тонгни,
Шеър ёзаман фируза тонгда.

Денгизларга боқаман узоқ,
Қўрган каби сенинг кўзингни.
Оқ кўпикка чўзаман дудоқ,
Сийпагандек оппоқ юзингни.

Денгиз узра отилгум келур,
Кошки эди бир тоши бўлсам.
Майли эди, кўзингнинг масрур,
Севги тўла бир ёши бўлсам!

* * *

Москва ёнида қор босган ўрмон...
Завқи юрагимдан кетмайди зинҳор.
Ўрмонда борамиз қиз, мен—икковлон,
Сукунатни бузиб ғарчиллайди қор.

Тиниқ кўкда ботган қиш қуёшидан,
Товланар арчалар, қорлар қирмизи.
Мармар устун каби томлар бошидан
Тик чиққан тутунлар, қизғиш бир юзи.

Қалбга ўт солмасди, юзларга қизил,
Россиянинг мармар, қаҳратон қиши—
Меҳр билан боққан қизнинг кўзида,
Ҳарорат бермаса қуёш балқиши!

* * *

Узоқдан ойда ҳам кўринади доғ,
Яқинидан боқсанг, тиниқдир балки,
Сиртдан баҳо берма одамга мутлақ,
Ёмон деганингнинг тозадир қалби.

* * *

Баъзан одамларни жуда мақтаймиз,
Йўлбарс, тўлқинларга қиламиз қиёс.
Таажжуб қиламан—бу таърифларда
Нима фазилат бор инсонликка хос!

Борди-ю, йўлбарсдек сенга ташлансам,
Қаҳру ғазабингга сиғмасдан шу тоб:
Сен ваҳший куч эмас, сен азиз одам,
Сен йўлбарс эмас деб, қилардинг хитоб.

Агар тўлқин бўлиб сени ғарқ қилсам,
Ер юзини боссам бўлиб бир тўфон.
Шунда афсус билан ичардинг қасам—
Ваҳший тўлқин бўлма, бўлгин деб инсон.

Қутурган тўлқинга, ваҳший кучларга
Қиёс қилма инсон зотин ҳеч қачон.
Ёмонликка қарши кураши билан,
Яхшилиги билан қудратли инсон.



Шукруллонинг ўқувчилик йиллари. 1938.

МОМАҚАЛДИРОҚ

Бирдан гумбурлади момақалди роқ,
Қирлару боғларга ёмғир қуймоқчи.
Қалб ўтидек кўкда ялт этди чақмоқ,
Дарахтлар соч ёйди, бошин ювмоқчи.

Болалар югурди ток тағларига,
Бодраб чиқар экан қўзиқоринлар:
Кўксултон тердилар этакларида,
Жиққа ҳўл бўлса ҳам сочу яғринлар.

Ёмғир ёғалоқ деб хурсанд чопишар,
Тўполон, шодлиги ичга сиғмасди.
Лекин юрагимга момақалди роқ
Бир дард солганини улар сезмасди.

Улар сезмасдилар, момақалди роқ
Жанг йилларни менга эслатганин ҳам.
Улар кўрмаганлар, қирқ биринчи йил,
Ўту қон ичида қолганин олам.

Улар билмайдилар—фронтдан қайтиб,
Гуллар экканимни ҳатто бир қўл-ла.
Экканман гулларни шуларга атаб,
Улар ўйнасин деб, кулсин деб улар.

Осмон гумбурласа салют деб ўйлаб,
Кўча-кўйни тутиб бўладилар шод.

Ҳа, булар ғалаба салютин тинглаб,
Тинчликка туғилиб, ўсган бир авлод.

Менга не эслатди момақалди роқ,
Буни айтмаганим балки маъқул роқ.

Ана, кўкка чиқди бирдан камалак,
Тинчлик қуёши-ла ёришди олам.
Ўйинин бошлади гулда капалак,
Кўкка кўтарилди кабутарлар ҳам.

Ўзим эккан гулга завқ-ла боқаман,
Қувноқ бу ёшларга боқаман узоқ.
Шодлик бўлиб янгра, момақалди роқ,
Салют берио тинчлик, оаҳор, қуешдан.

ШАЛОЛА

Қайга шошиласан, ахир шалола,
Нега чўққилардан шошасан пастга?!
Қояга чиқай деб мен-ку овора,
Тинмай тирмашаман тошлардан тошга.

Шалола-чи, бефарқ менинг дардимга,
Шовиллаб, гувиллаб, ҳайқирарди у.
Аммо боққан сарим, ташна дилимга
Солгандек бўларди қандайдир ғулув:

—Агар қояларга чиқмоқ истасанг,
Аввал менинг билан саҳроларга юр!
Чўққидан қуёшга боқмоқ истасанг,
Машаққатимни кўр, мен билан югур.

Буюк қояларга чиқмоқлик учун,
Саҳроларга ирмоқ бўлиб оқаман.
Ер бағрига сингмоқ бўлиб оқаман,
Чулдираб оқаман, булбул бўламан.
Илдизларга сингиб, мен гул бўламан,
Гуллар япроғида шудринг нур бўлиб,
Мевалар лабида тонгда дур бўлиб,
Шу замин бағрида яратиб чаман,
Қуёш нурларида минг-минг товланиб,
Яна қояларга кўтариламан.

Сен ҳам қояларга чиқмоқ истасанг,
Тошларга тирмашма, менга қулоқ бер.
Пешона терингдан бир гул ундирсанг,
Қояларга қанот берар она ер.

Шалола гувларди,
Мен-чи, ўйлардим.

СИРЛИ ОЛАМ!..

Атрофга оқшом чўкди,
Ҳамон сендан йўқ дарак.
Васвасалар ичида
Тўлғониб тепар юрак.

Сенсиз баҳор шамоли
Ором бермайин қолди.
Шайтоний хаёллардан
Энди қалбимда туғён.

Наҳот севгимга бўлган
Ишончим ҳам йўқолди.
Қаердан пайдо бўлди
Қутилмаган бу гумон?

Қоинотнинг олдида
Инсон қалби бир зарра.
Заррача шу қалб сири
Тоғиб бўлмас бир карра.

Сендан асло гинам йўқ,
Сен келмоққа шошилма!
Ҳанимат бу фурсатда
Қўнглимга солай қулоқ.

Булутсиз осмон каби
Сен қаршимда очилма,

Ўз қалбим сирийн ўзим
Тинглаб кўрайин бу чоқ!

Сендан гуноҳу, риё
Излашдан кўра, эркам,
Ўз қалбимга яширинган
Айбимни ўйлай мен ҳам.

Ўз тангрисин олдида
Саждага бошин қўйиб.
Гуноҳин этиб ошкор
Бандаси сўрар узр.

Мен ҳам сенинг севгингни
Шундай муқаддас билиб,
Яширмасдан қалбимни
Очиб бердимми бир қур!

Коинот сирларини
Ошкор қилмоқда одам.
Аммо коинот ора
Инсон сирли бир олам.

Атрофга оқшом чўкди,
Кўкка чиқди юлдузлар.
Уларга тикиламан,
Жимирлашиб не сўзлар?

Ҳар биттаси бир дунё,
Мўъжизаси, сири бор.
Балки бири муз тоғдир,
Балки бири гулзордир.

Бирида қаҳратон қиш,
Балки бирида баҳор,

Шалолалар бўйида
Балки оҳуси бордир?

Хаёлимни тортади,
Жимирлаган юлдузлар.
Жимирлашиб нима дер,
Кўзин қўсиб не сўзлар?

Ялтиллаб ёнган балки
Қизларнинг балдоғидир,
Ажабмас у ерда ҳам
Бўлса ошиқ-маъшуқлар.

Ойнадек товланиши
Ё ҳаёт булоғидир,
Улар бизга мунтазир,
Балки бизга очилар?

Юлдузлар аста сўниб,
Тонг келмоқда оқариб.
Ҳамон хумор кўзларим
Йўлларингга мунтазир.

Сен келгунча дунёнинг
Сирларини ахтариб
Бу сеҳрли коинот
Фикримдан ўтди бир-бир.

Коинот сирларига
Инсонлар топар даво.
Аммо сен-чи, коинот
Ичра сирли бир дунё!

* * *

Йўлим гоҳо Нилу гоҳо қил бўлсин,
Не парво, дўстларим, кенг феъл бўлсин.
Нилдан фил ўтказар, қил устидан-чи,
Филни етакловчи зўр, ақл бўлсин...

ТОШ ҲАЙКАЛ

Ёмғир қуйди.

Эгди бошини

Уриклару шигил кўксултон.

Дарёларни шимган булутни.

Тепамиздан сиқарди осмон.

Кўпикланиб ариқлар оқди,

Халқоб бўлди қишлоқ йўллари.

Ҳатто уйлар кўздан улоқди,

Тўсиб олди жала тўрлари.

Жала қуяр, излаб бошпана,

Якка сада томон олдим йўл.

Мен югуриб етган замона,

Сочлар ёйиқ, оқ кўйлақлар ҳўл

Қизни кўрдим.

Қолдим ҳайратда.

Қиз-чи, боқмас бир хижолатда.

Бор танига ёпишган кўйлақ,

Бутун қомат кўринмиш яққол.

Қиз жим..

Гўё сада тагида

Оқ мрамрдан қўйилган ҳайкал.

Қўзларимга ишонмай қолдим,

Ишонмайин қолдим қизга ҳам.

Гүё денгиз сув парисини
Итқитганди қояга шу дам.

Мафтун эдим, ҳатто ўзимни,
Ёмғирни ҳам унутиб шу он.
Тайёр эдим бутун қалбимни
Қилмоқ учун унга соябон.

Мен бу дардга топгунча чора,
Қиз айлади қалбимни пора.

Қиз булутдек хўмрайиб боқди,
Йўлга тушди гўё чақмоқ, ўқ.
Жала тинди, қуёш ҳам балқди,
Мен-чи, қола, бердим қуп-қуруқ.

Қиз йўқолди олиб қалбимни,
Бир тош ҳайкал қилиб қолдирди.

* * *

Булоқни ковласанг: суви мўл бўлур,
Илдизни ковласанг: қуриб чўл бўлур.
Бунинг фарқин билиш, дўстим, танқидчи,
Сенга ҳам, менга ҳам тўғри йўл бўлур.

КОШКИ ЭДИ...

Инсон қалби қилдек нозикдир жуда,
Баъзан қувонтирар кичик бир нарса.
Баъзан дилни ўртар, қариганингда
Сувга оқиб кетса қўлингдан ҳасса.
Ота ҳайрон эди анҳор бўйида,
Гўё бой бергандай қўлдан бахт қушин,
Гўё оқар эди тўлқин қўйнида
Қудратли ёшлиги, суянган кучи.
Олиб борганимда, миннатдорлиги
Ҳали кўз олдимдан кетмайди нари.
У қувонган эди оқизоғини
Сувдан тутиб олган гўдак сингари.
Қалбимда бир ҳузур, ғурур сезаман,
Мамнун чехрасини эслаб ҳали ҳам.
Кошки, ҳамма боқса шу назар билан,
Кошки, шунга доим лойиқ бўлолсам.

ҚАЛБ

Қалбим, чақна дердим бир чақмоқсимон,
Аслида-чи, чақмоқ бир чақин экан,
Булут фасли ёнган бир ёлқин экан,
Йўқ, қалбим чақмоқдан тезроқ, баланд ён!
Чақмоқларни қолдир оёқ остида,
Қувиб етолмасин сени минг чақмоқ.
Бир онлик йўл бўлди космосга чиқмоқ,
Юксал, қолиб кетма ҳаёт ортида.
Ахир, юлдузгача юксалди инсон,
Буюклик мезонин қалбим, халқдан ол.
Фазокорлар каби шеърим, балқий ол,
Энди чақмоқ эмас, юлдуз бўлиб ён!
Қабримни изласа агар насллар,
Юлдузларга дафн бўлган десинлар.

КУЙЛАГАНИМ ҲЗИНГСАН

Денгиз тўлқинларин айтинг, ким севмас
Тоғлар, кенг саҳрони севмас қай одам.
Қаерда бўлмайин, сендан бир нафас
Ёлғиз қолсам борми, билмайман ором.

Баъзан тоғ бошига кўтариламан,
Оҳудек сакрайман тошлардан тошга.
Шалолога хурсанд қулоқ соламан,
Фурсат ўтган сари нимадир ғашга
Теккан каби мендан кетади ором.

Шунда тик чўққига кўтариламан,
Изланиб уфққа боқаман шу тоб.
Ҳзингни кўргандек хурсанд бўламан,
Узоқдан кўзимга ташланса қишлоқ.

Оҳ, меҳринг қуввати нақадар катта,
Мени чўққиларга кўтарди ҳатто.

Баъзан саҳроларни кезаман ёлғиз,
Қандай гўзал юлдуз тўла кечаси.
Лекин бу чирой ҳам жонга тегар тез,
Қўшиқ ҳам чиқмайди, илҳом келса-чи!

Шунда чўғдай қумдан ўтаман ёнмай,
Яна сенга ташна бўламан шу он.

Бирдан қувонаман сени кўргандай,
Узоқ уфқларда кўринса карвон.

Менга кенг уфқлар очгувчи ўзинг,
Бахт нурины менга сочгувчи ўзинг.

Ой қояга чиқар, нури денгизда,
Эрка тўлқинларда сузар қайиғим.
Узоқлашган сарим она қирғоқдан,
Шодликлар ўрнига ошади қайғум.

Бахт соҳилим ўзинг, умидим ўзинг,
Ҳар нарсадан гўзал чиройинг, сўзинг.

Бутун гўзалликдан аъло кўрганинг,
Бахтим деб, шунчалик ихлос қўйганинг.
Бу ким? Номин айт деб мендан сўрарси.
Бу фақат на ёрим, на ўғлим, онам.
Бу—сен, бу—у, бу—сиз, яъни ҳамманги
Улуғ Коммунизм қурғувчи Одам.

БАЪЗИЛАР

Қўшнимни кузатдик сафарга хурсанд.
Ишларига ривож, тиладик оқ йўл.
Шунда она деди: «Ҳа, ёмонлардан,
Ўзингни сақлагин, ўғлим, нарроқ бўл».

Бу сўздан кўнглимга чўкди бир ғашлик
Не учундир бирдан хира бўлди таъб.
Мени тарк этгандек осойишталик,
Бирдан кўнглим қолди ненидир истаб.

Нима сабаб бўлиб, менда бу ғашлик?
Нима қилди бирдан дилимни сиёҳ?
«Баъзи ёмонлар бор...» Онанинг сўзи
Чақмоқдек фикримда чақнади шу чоқ.

Афсус! Шу «баъзилар» гўзал ва қувноқ
Бу ҳаёт, қалбларга солар ғашлик, доғ.

ЎЙЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

—Дунё келажакда қандай бўларкин?
—Дунё келажаги мангу озодлик.
—Бўлармикан уруш, қон тўкиш, қирғин?
—Йўқ, халқлар истаги ҳаёт, ободлик.
—Эрклик абадийми, ёки зулмми?
—Булут тарқалади, қолади қуёш.
—Туғилмак мангуми ёки ўлимми?
—Ҳаётда иккиси яралган тенгдош.
—Жаҳон бўлганида биз каби эркин,
Бутун битганида уруш ва қирғин,
Бахтли бўлганида бутунлай одам,
Бўлармикан шунда ҳеч кишида ғам?
—Туғилмак бор экан, шодлик бор доим.
Демак, туғилмак бор—шодлик ҳам мангу,
Ҳали қонун экан ҳаётда ўлим,
Қонундир инсон деб чекмоқлик қайғу!

РАНЖИТМА

Менга озор берма, мени ранжитма,
Ташлаб кетолмайсан мени умрбод.
Унутгусиз, кўнгил қолар сўз айтма,
Бу сўзимни мангу қилиб олгин ёд.

Ахир, бирга кечган ёшлиқларимиз,
Ёшлиқ шўхликлари, ёшлиқнинг дарди...
Сиримиз, қалбимиз, бебошлигимиз...
Иккимиз билардик, ким ҳам биларди.

Бир мактабда етдик балоғатга ҳам,
Бир қишлоқда ўсдик, бирга гул тердик.
Гўё иккаламиз бир-биримизнинг
Қалбимизга ёшлиқ, ишқ бўлиб кирдик.

Уша қишлоғимни эслаганда ҳам,
Илк севги гаштини қўмсаганда ҳам,
Аввал сен келасан кўзим олдига,
Номинг келар ҳар бир сўзим олдига.

Мени ранжитмагил, бермагил озор,
Кечмоқлик йўқ мангу бир-биримиздан.
Жафойингдан тўйиб кетсам ҳам,
зинҳор—

Ажралиш йўқ лекин дил-дилимиздан.

Набиралар кўриб кексайганингда
Қишлоқ, тенгдошларинг қилмасми хумор?
Ёшлик, илк севгини эслаганингда,
Мени бир кўришга бўлмайсанми зор?

Болаликдек бардам, илк севгидек шўх,
Шунда мен қочаман куйдириб, ташлаб.
Севги шарбатига, ёшлик гаштига
Сени зор қиламан, қиламан ташна.

Ёшлигимиз ҳаққи, ранжитма мени,
Ташлаб кетолмайсан мени умрбод.
Минг афсус чекарсан, ёшлик, қишлоқни,
Илк севги чоғларин этганингда ёд!

Мендан кечарсану ёшликдан бироқ—
Кечолмайсан севги гаштидан мутлоқ.

* * *

Бугун нега ўйчан бунчалар,
Нега хафа, нега диққат у?
Юз очгандек баҳор ғунчалар
Кетмасди-ку юзидан кулгу?

Қувноқ эди, очиқ дил эди.
Шодлик учун яратилгандек.
Энди юзда ташвишнинг изи,
Дард ханжари қалбин тилгандек...

Наҳот энди шундай бир гўзал
Табассумни тарк этса абад?
Бевафолик солган дард, чигал
Қалбин мангу қилиб олса банд?

Йўқ, у эмас—тушкин, умидсиз,
Уни дема қайғуга асир.
У шодликни севмаса чексиз,
Ғамга қарши бунчалик қаҳр
Ҳисси билан ўртанармиди?
Нафрат билан дил ёнармиди?

Бахт, шодликни севмаган одам
Бефарқ қарар ғам, қайғуга ҳам.

БАҲСЛАШУВ

Баъзан тўғри келмай қолса дидимиз,
Дўстим, баҳслашамиз, ёнамиз лов-лов.
Майли, ҳеч сўнмасин, ёнсин дилимиз,
Ахир ётган тошдан чиқарми олов!

Мана, сен севасан сокин денгизни,
Ойдинда боқасан жимжимасига.
Мен-чи, тўлқинланган тошқин денгизни
Ва мафтун бўламан унинг сасига.
Денгиз гулусин ҳам ўзга гашти бор,
Майин кулгусин ҳам ўзга гашти бор.

Сенга бир куй ёқса ўйин тушасан,
Бу одатинг менга эриш кўринар.
Мен-чи, баъзи куйдан кўз ёш тўкаман,
Сен ўзингча буни демайсан ҳунар.

Якка бир пардадан чиқарми оҳанг,
Майли, куйлар бўлсин нурдек ранг-баранг,

Баъзан ишқ ҳақида, кўз ёш ҳақида,
Дўстлик, бахт ҳақида баҳс қилишамиз.
Гоҳ сен ҳақ бўласан, мен ҳам гоҳида,
Баъзан келишолмай, баҳс қилишамиз.

Шунда мен йўл олсам шалола ёққа,
Сен бормоқ бўласан сокин булоққа.

Мана, сен севасан атиргул ҳидин,
Менга хуш келади райҳону жамбил.
Сенинг ўз дидинг бор, менинг ўз дидим,
Ёмонми боғларда гул бўлса хил-хил!

Баҳслаша берайлик, дўстим, беғараз,
Майли, хил-хил боғлар бўлсин намоён.
Баҳслаша берайлик холис, беараз,
Токи баҳсимиздан гулласин жаҳон!

Мен севаман шундай дўстлар баҳсини,
Доим ўйлаганни элнинг бахтини.

БАТАН

Денгиз, эркалатдинг мени бағрингда,
Денгиз, қучоғингда суздим беармон.
Кездим қирғоғингда, кездим боғингда,
Мени эркалатди қуёшли осмон.

Ҳар нарса муҳайё. Аммо қалб бўшдек,
Недир етмагандек, чиқмайди сатр.
Бугун қайтмоқдаман, енгилман қушдек,
Илҳом ҳам жўш урди, таажжуб, не сир?

Бугун сўнгги кеча қирғоғингдаман,
Хайр, Урта денгиз, қояли соҳил.
Денгиз, Ватанимга бугун қайтаман,
Қайтишни ўйладим жўш урди кўнгил.

Хайр денгиз, қалбда тошмоқда илҳом,
Батан ўзи экан қўшиқ, шеър, ором...

КУБА ВА ҚУВА

Меҳмон бўлиб келди кубалик дўстим,
Шаҳар бозорларин қилдик томошо.
Анор сотувчининг сўзлари шу зум
Унга мўъжизадек туюлди аммо.
Анор сўйиб тутди қувалик боғбон,
Ма, ол, деган каби ҳовуч ёқутни.
Яхлит кафтларида гўё ўша он
Ҳада қилар қуёш — қалбин ўтини.
Унга меҳр билан тутар ёш боғбон:
«Анорлар сараси, асли Қувадан».
Унинг сўзларига меҳмоним ҳайрон:
— Наҳот бу йигит ҳам бўлса Кубадан? —

Бошқа бўлса ҳамки иккисин тили,
Бирдек урар лекин иккисин дили.

Иккиси кулишди, қараб туришди,
Чиндан бир шаҳардек Куба ва Қува.
Бирдан қучоқлашиб, келиб кўришди,
Гўё топилгандек набира, бува.
Қуба билан Қува! Шаҳримиз эмас,
Қалбимиз ҳам чиндан яқин ва жондош.
Қоши кўзлари ҳам ўхшаш, фарқ қилмас,
Ажаб эмас, бўлсак мангу ватандош.

ЯНГИ ЖАҲОН

Олис-олисларда не бор — кўринмас,
Ғира-шира бир пайт, тонг олди, жимжит.
Атрофимда осмон — бепоен гумбаз,
Шамол елпигандек юлдузлар милт-милт
Ёнади, гоҳ эриб учиб тушади.

Қачон тонг отади, боқаман муштоқ,
Кўндан кўрганим йўқ бу чўл жамолин.
Хаёлимдан ўтар туя, қўнғироқ,
Қумлар, саксовуллар, гирдоб шамоли...
Бари ўтди, ҳатто мана тун ўтди.

Уфқ ёришади, мен тикиламан,
Ҳув, олисдан чўғдай балқади қуёш.
Шу чоқ эртакларда бўлганисимон,
Гўё ер остидан кўтаргандек бош.
Нурда ярқ-ярқ қилиб минг дарчалари,
Бирдан товланади азим янги ер.
Ҳошиядек бўлиб кўк арчалари,
Машғалдек ёнади азим янги ер.

Қоядек кўринар чўл ўртасидан
Атрофи осмонга туташган кенглик.
Гўё бутун осмон шу ер устида,
Гўё шу ер ўзи оламга тенгдек.
Теп-текис яланглик, бепоен кенглик.

Шаҳардан уфққа тикка йўл кетган,
Иккига бўлгандек олам гардишин.
Не ҳаёт бор?.. Йўллар қаерга етган?
Қани, чув машинам, қувиб чўл қушин,
Йўллар бўйлаб мени манзилимга элт!

Машинам тик йўлда учади ҳамон,
Чўлдан на асар бор, икки ён пахта.
Пахтазор, пахтазор, чексиз, бепоён.
Қуёш ботгунича юрсанг ҳам ҳатто,
Бориб етолмайсан чегарасига.

Йиллар бўйи ҳатто етолмас эди,
Мен босган бу йўлни туя карвони.
Қайси қудрат буни экиб улгурди,
Қай қудрат эплайди шунчалик конни?!

Ҳайрат, қувонч билан ўйга толаман.

Теварак-ёнимда тўп-тўп сададек,
Пахтазорнинг сузар яшил кемаси.
Қўзинг қувонади худди боладек,
Уфқдан уфққа ошур кемаси.
Қудрат ва ҳуснига боқиб тўймайсан.

Пахта денгиз бўлса, ҳўплай олади,
Тоғ-тоғ олтин бўлса, тўплай олади.

Ҳатто денгизларни дамига тортган
Минг аждар қудрати бунга тенг бўлмас.
Қадим туя-туя карвонлар ортган
Пахтаси бугунга ҳатто енг бўлмас,
Бойликка муносиб қудратимиз ҳам.

Мана қуёш ботар, етмадим ҳали
Азим янги ернинг чегарасига.
Янги совхозларнинг ёнди машъали,

Сахро тўлиб кетди нур — шуъласига-
Қайси эртақдан кам бу диёр ҳусни!

Яна бошим узра юлдузлар порлар,
Яшил кемаларнинг ҳамон парвози.
Бутун тевааракдан гуриллаб келар
Коммунизм асрин кучли овози,
Оромбахш овози, аниқ овози.

ЯНГИЕРДА ЯНГИ ЙИЛ

Сирдарё бўйларида
Ёшликда бўлганим бор,
Бепоен чўлларида
Баҳорни кўрганим бор.
Саҳро гўзал бўларди
Лолалар унганида.
Заррин уфқ бағридан
Қуёш кўринганида.
Жанубдан учган қушлар
Шу ерда қолсам дерди.
Палапонларин очиб,
Уя, ин солсам дерди.
Шундай гўзал бўларди
Мирзачўлнинг баҳори.
Аммо жавза етмасдан
Тўкиларди оҳори.
На бир файзи қоларди,
Ҳар ён теп-текис тақир.
Кечаги чўлнинг кўрки,
Қайга йўқолди ахир!
Бўлганман бу ерларда
Жазирама ёзда ҳам.
На дов-дарахт ва на сув —
Ловуллаб ёнган олам.
Қушлар қаноти куйиб,
Учолмасдан қоларди.

Сувсизликдан, оташдан,
Қанотлари ёнарди.
Сирдарё бўйларида,
Балиқ ов қилганим бор.
Аммо бўлмаган эдим
Чўлда ёққанида қор.
Чўлда қиш даҳшатини
Боболар сўзлаб берган.
Сўзи қолиб бўғзида,
Бўтадек бўзлаб берган.
Қор бўрони турган дам
Очирмасди кўзингни.
Йўлни топишлик қайда,
Кўролмасдинг ўзингни,
Хатто азим туялар,
Қолар эди қаришиб.
Қор ва карвон, одамлар
Кетар эди қоришиб.
Қоришиб, уймалашиб,
Бир тош бўлиб қотарди.
Бир ҳовуч суяк бўлиб,
Ер қаърига ботарди.

Бугун Мирзачўлдан,
Тизза бўйи ёққан қор.
На бир даҳшат сезаман,
Қалбимда шодлик, баҳор.
Бўрон увлаб турса ҳам,
Бўрон гўвлаб турса ҳам,
На дарбадар кезаман,
На қўрқувни сезаман.
Бўрон каловлатса ҳам,
Уйга олиб борарди.
Янги йил базми бўлган,
Тўйга олиб борарди.
Ҳар қадамда бир қишлоқ,

Урар инсон нафасин.
Ҳар ерда пахтазор, боғ,
Меҳнат ва шон нафасин.
Инсон, чўллар даҳшатин
Енга олган қудратсан!
Ҳаётга илдиз бўлиб,
Синга олган қудратсан!

Дарахтларнинг баргин юлқиб,
 Тортқилар куз шамоли.
 Яккам-дуккам барги қолиб,
 Туллаган нок, шафтоли...

Кўм-кўк ариқ лабларида,
 Кўрпадек олтин хазон.
 Тўкилибди ёнғоқ, жийда...
 Гуё тўкин дастурхон.
 Дам олгани бўш вақтида,
 Вали боғни айланар.
 Бир жуфт олма шох учида,
 Яшириниб товланар.
 Вали олдин ҳидлади-ю,
 Келиб қолди егиси.
 Хурсанд қилиб онасини,
 Келди бирин бергиси.
 Лекин ўзи қизилин еб,
 Кўкроғини келтирди.
 Она ҳаддан хурсанд бўлиб,
 Шуни ҳам бўлиб берди.
 Ана қаранг, она-бола
 Қандай меҳрибон, бу соз!
 Лекин Вали яхшисин еб,
 Хато ҳам қилди бир оз.



Шукруллонинг Қорақалпоғистонда
ўқитувчилик қилган йиллари. 1939.

МИРЗАЧЎЛ АРЧАСИ

Бораман Мирзачўлда,
Атроф теп-текис яланг.
Қирғовул учар йўлдан,
Пана жой топмай гаранг.

На қамишзор, на бута...
Атроф ҳайдалган шудгор.
Гоҳ қуён қўрқа-писа
Қочиб ўтар, атроф қор.

Атроф текис оппоқ қор,
На тиккайган саксовул.
На яқинда қишлоқ бор,
Йўл устида на овул.

Қўрқув босмасин сайёҳ,
Чув де, олдинга йўл ол.
Чўлнинг этагига боқ,
Теваракка назар сол.

Асфальт йўл чеккасида
Кўрдингми, арча қатор.
Чўлда ҳеч бир фаслда
Арча унганми, зинҳор!

Бу инсоннинг чўлга ҳам
Баҳор келтиргани-ку!

Атрофда қор ёғса ҳам,
Мангу баҳор-ку, мангу!

Инсон истаса чўлдан
Қумни учирар экан.
Арчазор тоғларни ҳам
Чўлга кўчира экан.

Мирзачўлда оппоқ қор,
Уйлар олдида баҳор!

ШЕЪРИМ ҲАҚИДА

«Шоир бўлиш қандай бахт, маза,
Ҳамма уни севар, танийди».
Шоир бўлиш гоҳи даҳмаза,
Ҳамма бирдек севса қанийди!

Бир шеъримни мақтаса бири,
Балки бири қарғашга тайёр.
Шеър — бу жанг, жанглар шамшири
Дўсти каби рақиб ҳам бор.

Ҳа, шеъримни ҳаммага бирдек,
Маъқул қилиш ниятим ҳам йўқ.
Шеърим дўстга аталган гулдек,
Душманга-чи, отилган бир ўқ.

Менинг дўстим — ўқувчим, халқим,
Шеърим маъқул бўлса, шу бахтим!

1965—1967

* * *

Куз ўтар, қиш етар, қайталар баҳор..
Табиат қуёшни кўрсатар такрор.
Ёшлигим, сен шунча қудратлимисан.
Сени қайтармоққа табиат ночор!

ТУШ

Гоҳо тушларимга илон киради,
Бунга ҳар ким ҳар хил таъбир беради.
Тушда илон кўрсанг давлат, дейдилар,
Баъзи бирлар — душман, иллат, дейдилар.

Унгда илон чақса розиман! Аммо,
Жондан севган, содиқ дўстимни асло
Душман бўлишини кўрмай тушда ҳам,
Аммо бу даҳшатроқ, чунки бу одам.

ҚАБР ТОШИ

Онаси ўлганда етиб келмади,
Ҳатто йўқламади тиригида ҳам.
Пул ва шуҳрат учун қанча кезмади
Не-не шаҳарларни бу аянч одам.

Бугун элни йиғиб кўтарди фарёд,
Мармардан хотира қўйди қабрига.
Она тиригида қилолмаган ёд,
Наҳот энди етди унинг қадрига?

Афсус, она номин кўз ҳам илғамас,
Ўзин номига-чи берилган зарҳал.
Бунини ҳам онага меҳридан эмас.
Ўзин шуҳратига қўйибди ҳайкал.

РОЗИМАН

Агар, ёнгин десанг, майли ёнаман,
Фақат яшаш учун туғилмас одам.
Ҳатто тупроққа ҳам мен айланаман,
Бир гул ундирмоққа агар ярасам!

Менинг ёнишимдан сен қуёш бўлиб,
Ҳамиша нур сочсанг, розиман, майли.
Мен тупроқ бўлсаму, сен гулдек тўлиб,
Жаҳонга юз очсанг, розиман, майли!

Инсон жони билан неки яратса,
Яратгани билан яшай олур у.
Кошки истагингга мен ҳам яралсам,
Балки қуёш бўлиб қолардим мангу!

ҚАБР ТОШИ

Онаси ўлганда етиб келмади,
Хатто йўқламади тиригида ҳам.
Пул ва шуҳрат учун қанча кезмади
Не-не шаҳарларни бу аянч одам.

Бугун элни йиғиб кўтарди фарёд,
Мармардан хотира қўйди қабрига.
Она тиригида қилолмаган ёд,
Наҳот энди етди унинг қадрига?

Афсус, она номин кўз ҳам илғамас,
Ўзин номига-чи берилган зарҳал.
Бунн ҳам онага меҳридан эмас.
Ўзин шуҳратига қўйибди ҳайкал.

РОЗИМАН

Агар, ёнгин десанг, майли ёнаман,
Фақат яшаш учун туғилмас одам.
Ҳатто тупроққа ҳам мен айланаман,
Бир гул ундирмоққа агар ярасам!

Менинг ёнишимдан сен қуёш бўлиб,
Ҳамиша нур сочсанг, розиман, майли.
Мен тупроқ бўлсаму, сен гулдек тўлиб,
Жаҳонга юз очсанг, розиман, майли!

Инсон жони билан неки яратса,
Яратгани билан яшай олур у.
Қошки истагингга мен ҳам яралсам,
Балки қуёш бўлиб қолардим мангу!

АЛЛАЮ АЛЛА

Мен онаман — сени туққанман,
Менман сени яратган дунё.
Лекин сени кўрган қунимдан,
Сенинг ўзинг мен учун гўё
Янги олам бўлиб кўриндинг.
Азиз одам бўлиб кўриндинг,
Аллаю алла!

Болажоним, сен туғилган он,
Қувончимнинг йўқ эди чеки,
Назаримда шу ёруғ жаҳон
Бўлган каби бирдан меники,
Шодлик, бахтим туғилди дедим,
Жон роҳатим туғилди дедим.
Аллаю алла!

Сенсиз кунни демадим кундек,
Азиз билдим сени кўзимдан,
Шикаст етса жонингга жиндек,
Минг сирқироқ сездим ўзимда...
Бир зирабча сенга кирганда
Бағрим ёнди қирғич қиргандай.
Аллаю алла!

Сенсиз кирмас қулоғимга куй,
Товушларинг мен учун оҳанг.

Сенсиз файзин йўқотади уй,
Сенсан менинг юзларимга ранг,
Уйим, куйим, ёруғ юзимсан.
Йўқ, жонимсан, менинг ўзимсан.
Аллаю алла!

Менга куйдек ёқмоқ истасанг,
Очиқ кўнгил, ростгўй бўл ҳар он.
Юзларимга бўлмоқ бўлсанг ранг,
Эл ичида аммо ҳеч қачон
Ўз юзингга доғ солма зинҳор,
Бахтинг қилар мени бахтиёр.
Аллаю алла!

Гарчи менга жон бўлмасанг ҳам,
Фироқингни кўрмайин, кўзим!
Кўзларимга кўз бўлма,

лекин,
Йўлларингга термултма кўзим.
Умид билан туғдим, омон бўл!
Чин инсон бўл, замонга жон бўл!
Аллаю алла!

ОТА

Гўдак ўғлин ерга узатар ота,
Ота қабр узра юм-юм тўкар ёш.
Гўдак бўлса ҳамки, ҳа, жигарпора,
Ёш тўкмай бу дардга ким берар бардош!

Оталик меҳринг бор, йиғласанг арзир,
Қўнғироқ сочларин эслаган чоғинг.
Отадек фарзандга ким куяр ахир,
О, нақадар оғир фарзанднинг доғи.

Бағринг ўртанмоқда жигарпорам деб,
Фарзандинг кичкина, гўдак бўлса ҳам.
Вояга етказиш азобин тотиб
Кўрмаган бўлсанг ҳам умрингда бир дам.

Ҳали бир болани боқиб, ўстириб,
Уни балоғатга етказганинг йўқ.
Кечикса, тиқ этган эшикка боқиб,
Кутиш азобини ўтказганинг йўқ.

Буни сен билмайсан!

Ҳали ўзинг ёш,

Оталик ҳисси-ла дилинг чилпарчин.
Шу кичик мотамга тўкканинга ёш,

Билдингми оталик қандай бўлишин?!

.....

Ахир бир парча эт, гўдак ўғлинг-чун
Жигар-бағринг ёниб чекканингда ғам,—
Шу он сездингми сен отангни қадрин,
Меҳру муҳаббатин, машаққатин ҳам?!

* * *

Ёшликни қўмсайсан қариган замон,
Уйлаб гашти билан гоҳ бўласан маст.
Лекин қариликни қўмсайсан қачон?
Қайтадан ёш бўлсанг!

Бу ҳам ёмонмас.

* * *

Қуёш оғиб борар кўкнинг четига,
Парча булутларга бурканди осмон.
Олтин жиға таққан шоҳнинг устига
Ёпилгандек бўлди увада чопон.

Дехқон тери каби йирик, ярқироқ,
Ер юзига томди булутдан томчи.
Ҳаётга жон берган томчи афзалроқ
Бўлгандан савлатли ҳайбаракачи.

* * *

Ёшликни қўмсайсан қариган замон,
Уйлаб гашти билан гоҳ бўласан маст.
Лекин қариликни қўмсайсан қачон?
Қайтадан ёш бўлсанг!
Бу ҳам ёмонмас.

* * *

Қуёш оғиб борар кўкнинг четига,
Парча булутларга бурканди осмон.
Олтин жиға таққан шоҳнинг устига
Ёпилгандек бўлди увада чопон.

Дехқон тери каби йирик, ярқироқ,
Ер юзига томди булутдан томчи.
Ҳаётга жон берган томчи афзалроқ
Бўлгандан савлатли ҳайбаракачи.

ҲАҚИҚИЙ УМР

Эртага Янги йил! Яна умримдан
Бир йил ўтди дейман... Хаёл чулғайди.
Аммо ҳаёт жавоб беради бирдан:
Умр қисқармади, балки, улғайди.
Бу йил бир пахтакор меҳнати билан
Қаҳрамон ном олди, шуҳрат таратди.
Бир йил умри ўтди меҳнатда, аммо,
Минг йиллар яшовчи ҳайкал яратди.

Мункайган, кексайган бир профессор
Сақлаб қолди ўнлаб гўдак ҳаётин
Йўқ, умри ўтмабди:
 Ўнлаб насллар,
Умрида умрининг яшар давоми.

Йил баҳона, фақат, аммо ҳар киши
Қилган меҳнатига якун ясайди.
Йиллар умр эмас,
 ҳақиқий инсон
Меҳнат умри билан мангу яшайди.
Эртага Янги йил,
 қарши олгани

Жомлар кўтарилар, қўллар бўлур банд,
Тугатдим шеъримнинг чала қолганин —
Умрим келажакка бўлсин, деб пайванд.

* * *

Шукур қил, нолима, ташвишим кўп деб,
Биласанми, ташвиш тугайди қачон?
Ташвишинг мўл бўлса, орзуларинг кўп,
Орзусиз яшамас ҳеч тирик инсон.

Ҳаракатим кўп деб зорланма ҳеч вақт,
Ер ҳам ҳеч тинмади, тинсами... ҳайҳот!..
Интилиш, изланиш, доим ҳаракат
Шундан иборатдир тириклик, ҳаёт!



ДОСТОНЛАР

26 — ТОНГОТАР

БИРИНЧИ ЗИЛЗИЛА

I

26 апрель. Тонготар...
Тошкент ухлар эди ширин уйқуда.
Байрам яқин қолган.
Тушлар, хаёллар
Шу билан банд эди. Ҳаёт осуда.
Гўдаклар юзида майин табассум,
Салютлар гумбурин тинглагансимон,
Осмонда мушаклар портлаши бир зум
Тушига кирдими, нечундир шу он
Бирдан қийқирдилар...

Бу уйқумиди
Ё шодлик кулгиси, бир қўрқувмиди?
Билмак маҳол эди.

Шундай ҳол эди.

II

Оёқлар остида ер силкинарди,
Токчалардан учиб идиш синарди.

Шу муқаддас тупроқ, шу азим шаҳар
Осма кўприк каби лопиллар эди.
Ер ости гумбурлаб, дереза, томлар
Жаҳли чиққан чолдек бобиллар эди.
Чўчиб силкинарди асрий чинорлар,
Қирғоққа сапчирди ариқлардан сув.

Патирлаб инларин тарк этиб қушлар
Қоронғу осмонда соларди қий-чув.
Лекин одамлар-чи, қушдек тўзмади,
Шу ер ҳурматиға турди оёққа.
Тиралиб турдилар.

Гўё қўймасди
Ўрнидан силжишга шаҳрин ҳеч ёққа.

Қиндик қони томган эй азиз тупроқ,
Тушган ҳар кесагинг билиб тўтиё,
Одамлар суяниб бир-бирларига
Қилт этмай қўш синчдек турдилар гўё.
Шу лаҳза ҳамманинг дили бир эди,
Гўё миллатларнинг тили бир эди.
Табиат ёв каби қутурган бир дам,
Фақат мадад эди одамга одам.

На олтин соатлар кўзга кўринар,
На амал, на гина, на бисот, палос.
Ҳовлига югуриб чиққан қўшнилар,
«Ҳамма омонми» деб сўради холос.
Телефон жирингларкан қоронғу уйда,
Жавоблар тез, қисқа — «мол-жон
саломат».

Фақат телефон эмас, кўчаю кўйда
Қимки югураркан, ҳаммада фақат:
Дўстларим тинчмикан, бормикан омон —
Ҳоким эди шу ўй, шундай бир фикр.
Ваҳма — даҳшатларга солиб ғалаён,
Ғолиб чиққан эди инсоний меҳр.

III

Қўкка қуёш чиқди.
Уша осмон, ранг,
Аммо ҳовлилардан қочган файзу-қут.

Ёқутдек гилослар, гуллар усти чанг,
Ерни қоплагандек осмондан булут.

IV

26 апрель шундай тонг отди,
Онам ҳовлимизга соларди зеҳн.
Мизғиган келинин аста уйғотди,
Қўлида супурги, сўзларди секин:

«Келин, «Тўхтасин»га сув сепиб қўйинг»,
«Келин, «Тўхтасин»ни супуринг тоза».
Онам бугун ерга шундай ном қўйиб,
Азиз фарзандига қилди тақозо.
Эй азиз Тошкентим, лекин сен бугун
Боладек тўполон қилдинг эрталаб.
Халқимиз ўз юртин севгани учун
Йўқ, сендан кечмади.

Балки эркалаб

«Тўхтасин» қўйдилар сенинг номингни,
Елғиз фарзандига қилдилар қиёс.
Сен табаррук ерсан,
Сенинг шонингни
Оналар шундай деб қилдилар эъзоз.

V

Ерни тутган эди гўё тўлғоноқ,
Туғмоқчи бўлгандай янги бир шаҳар.
Афсус шаҳар эмас, обод уйлардан
Тупроқ тепа туғди шу кун илк саҳар.

Бу азиз уйлардан кимлар ўтмаган,
Деворда боболар исми бор эди.
Шу уйларда тўйлар, ёшлиги кечган
Табаррук зотларнинг жисми бор эди.

Кимнингдир иргитди қабр тошини,
У марҳум ким эди? Наҳот гуноҳкор?!
Нега силамади ер ҳам бошини,
Гул экмай тупроқни қилганмиди хор?!
Чўккан туя каби пахса девор ҳам
Оғиб ётар эди қўшни томонга.
Кўчалар кўриниб қолганди шу дам
Ялангоч синчлари қолган тахмондан.

Уйларнинг ичида ётарди китоб,
Қўлёзмамни сочиб ўйнарди шамол.
Онамнинг сурати деворда шу тоб
Тебраниб турарди,

кўрдим-ку дарҳол,
Ола солиб қайтдим яна изимга.
Ҳатто ўз уйим ҳам шу дам кўзимга
Ёт хонадон каби кўринди ваҳм.
Мен аста юрадним оёқ учида,
Ер ҳам омонатдек кўринди гўё.
Қаттиқ оёқ боссам,

менинг кучимдан
Силкиниб кетгудек туюлди дунё.
Агар эҳтиёткор босмасам қадам,
Остин-устин бўлиб кетгудек олам.
Бизлар йигирманчи аср одами!
Бизда атомларнинг ахир кучи бор.
Ақл, тадбир билан ўйлаб қадамни
Босмасак, алҳазар, алҳазар зинҳор—

Не бўлур!
Бу замин, замон бир онда
Минг зилзиладан зўр бўлади барбод.
Ҳа, шундай қудрат бор ҳозир инсонда,
Агар шафқат қилса, бўлади обод.

VI

Лекин,
бу зилзила шундай бир ёвки,
Бас келар на оташ, на қилич, қалқон.
На унда вужуд бор, на қон, на шарпа..
У ҳужум бошларкан тўсат, ногаҳон
Не чора? Наҳотки бўлмаса даво!
Не чора?
Нимага жимсиз, одамлар!

VII

Ёки меровситиб қўйдимиз ваҳм,
Нега юзингизда бор хотиржамлик?
Нега қадимгидек йўқ ирим-сирим,
Нега атамайсиз тангрига жонлиқ?
Нега дод солмайсиз, одамлар, ахир,
Вайрон бўлса ҳамки хонадонингиз?
Ёв ўтгандай бўлди бу она шаҳар,
Наҳот ўртанмаса ахир жонингиз?
Синган қандилларнинг устида нечун
Уймалашиб, додлаб кўз ёш тўкмайсиз?
Тошойна, чиннилар бўлса ҳам кукун
Қадим авлодлардек тизза чўкмайсиз?
Нега?!

.

VIII

Ҳамма ёқ жим!.. Олмадим жавоб.
Гўё ҳамма менга боқар эди жим.
Нечундир кўзларда чақнардиги ғазаб,
Бирдан ўлжасига ташланиб,
ҳужум—

Бошловчи шер каби боқарди улар.
Назаримда мени минг-минглаб қўллар
Етаклаб борарди.

Қаерга? Нечун?

Тошкентни чарх уриб айландик шу кун.

IX

Шаҳарни айландим,

Гўё даҳшатдан

Асар йўқ. Трамвай юрар изида.

Машиналар қатнар. Аммо асфальтдан

Бугун чанг тўзғирди

Кўча юзида

Бугун сочилганди гишту гувала,

Сувлар лойқа эди қуйгандек жала.

Бугун чиққан эди юклар йўлгага,

Тайёрланган каби кўчишга ногоҳ,

—Эгалари қани?..—

Шу чоқ елкамга

Кимдир қўл солгандек айлади огоҳ.

Йўқ, булар юкини елкаламайди,

Ўлкаларни кезиб бўлмайди сарсон.

Ўз юртида ўзин ғариб демайди,

Ватан ишқи билан

энг бахтли инсон

Ўзларин ҳис қилур!

Шу ҳис мададдир,

Шу эътиқод билан ишига банддир.

Давлат халқни ўйлар, халқ-чи давлатни,

Икков бир-бирига суянчиқ доим.

Ҳеч замон кўрганми бундай қудратни!

Ҳамма қалбда шундай ҳис тўлиқ доим.

Бунга гумон қилсанг ҳар бир уйни кез!

Йўқ, уймас, ҳар қалбнинг ҳисларини сез!

Х

Ҳа, шундай! Нафасни ростла бир фурсат,
Мени айблашга шошилма зинҳор.
Инсонни мадҳ этиш—ваҳший табиат—
Зилзила даҳшатин этишмас инкор!

Ўзим ҳам тонг олди уйғондим чўчиб,
Зилзила ҳар дилга бир ларза солди.
Ўғлим деразадан чиққанди учиб,
Кимдир эшикни ҳам очолмай қолди.

Оналар ковушин пойма-пой кийиб,
Азиз гўдакларин босиб бағрига,
Фақат болаларни бисот деб билиб,
Отилиб чиққанди бирдан ҳовлига.

Кимдир уйғополмай алаҳсирарди,
Кимдир босириққандай бирдан бақирди.
Бўлаётган каби ер остин-устин,
Марҳум онасини кимдир чақирди.

Бирдан юракларни қоплади ваҳма,
Бу—даҳшат олдида бўлишмас таслим.
Шер ҳам ҳужум бошлаш олдидан гоҳо
Тадбир излаб бир дам қолмайдими жим!
Ноумидлик бошқа, чўчишлик бошқа,
Тарки ватан қилқаб кўчишлик бошқа.

ХІ

Тўғри гапни айтдинг! Менга қулоқ сол,
Мен ҳам ёзарканман дostonни тунда,
Парвона лампамга урилса ноҳос
Атрофга жавдираб боқардим шунда:

Қайдадир машина гурласа ногоҳ,
Коптокдек дил сапчиб, кирди сирқироқ.
Ҳовлига югуриб чиқардим баъзан
Чақмоқ чақиб, бўлса момақалдиروқ.

Бу бир зийракликми, ё эҳтиёткор—
Бўлишми? Не десанг, ўзинг қил ҳукм.
Жанг чоғида жангчи ухларми? Зинҳор!
Ғафлат босган бўлар курашда таслим.

ИККИНЧИ ЗИЛЗИЛА

ХII

Мана кунлар ўтди. Иккинчи ҳафта.
Тинмай остимизда силкинади ер.
Бир кунда уч марта, баъзан ўн марта,
Худди чодирларин кўтаргандек ел.
Лопиллаб турарди бу она диёр,
Чидадик, кўникдик, нима илож бор.

ХIII

Яна ҳар кунгидек чиқарди қуёш,
Қасдлашгандек ер ҳам силкиनावерди.
Шувоқлар кўчаркан, кўчаркан бир тош
Одамлар ҳам олиб супураверди.
Ер узра одамлар юрарди дадил,
Босиб олган каби қайириб шохин.
Гул кўчатлар экдик ҳовлига хил-хил,
Боғбонлар тарарди сўрига токин.
Радио ҳар кунгидек ҳамон сўзларди,
Ахлоқ, мусобақа, тўлганин план.
Лекин бир янгилик қўшилган эди—
Ернинг қимирлашин қилишлик эълон.
Ҳовлига кўчирдим дастгоҳни мен ҳам,

Туни бўйи қилдим очик ерда иш.
Олимлар бўлдим қалбимга малҳам,
Васваса солмади ҳар турли миш-миш.
Ана шундай руҳда майни ҳам кутдик,
Мана етиб келди Ғалаба куни.
Деворсиз уйларга шиорлар тутдик,
Қўчани безатиб, кутардик уни.
Яна қадаҳларга тўлатилди май,
Йигиту қизларнинг келди яллasi.
Афсус, бу шароблар тўла ичилмай,
Бирдан даҳшат билан ер гумбурлаши
Салют овозига қўшилиб кетди,
Пиёлада чойлар тўкилиб кетди.

Ер асов от каби силкинди, тинди,
Гўё елкасидан силкитди чангни.
Бугун ёв биланмас, табиат билан
Одамларнинг бўлди ғалаба жанги.

XIV

Қурбонсиз бўлмади, аттанг бу жанг ҳам,
Қимнидир орадан олиб ҳам кетди.
Зилзила деймиз-ку, баъзи бир одам
Ўзи том тагида қолиб ҳам кетди.
Бунга зилзиламас, ўзи гуноҳкор,
Ғафлат—кайф остида жилолмай қолди.
Ачинмай бўлурми одамга зинҳор!
Қўплар ўйга толди, кимдир ёш олди.
Бир дам сукут чўкди ўртага.

Лекин,
Кимдир бирданига қаҳқаҳа урди.
Ва тўдадан қочди кўтариб фарёд.
Босган уй устида гир-гир югурди,
Аммо ўша онда нималарни ёд

Қиланди бу одам!

Ҳамма эди лол.

Нечун бу қаҳқаҳа, нега бу аҳвол!
Босган уйни солган бу шўрлик уста,
Қаҳ-қаҳ уриб шу кун айрилди ҳушдан.

Бу даҳшат оз каби яна кимнидир ?
Қўшни маҳаллада айлади нобуд.
Шу кун айрилдик икки кишидан,
Шу кун кўтарилди бирдан қўш тобут.

XV

Атрофга тарқалдик дилранж ва ғамгин,
Қуёш ботди, чўкди огир бир оқшом.
Уйлар йўқотгандек аввалги рангин,
Тарк этгандек мени бутунлай илҳом.

Юрак, наҳот синган пиёла каби
Чил-чил бўлсанг бардош бермай аламга.
Қундуз қуёш бўлиб, тунда ой бўлиб
Ҳамроҳ бўлолмайсан наҳот одамга.

Эй, юрак, тирпинма, сабр қил бир он!
Эсла боболарнинг руҳларин, жангин!
Улар шу тупроқ деб бўлганлар қурбон,
Евга хор қилмай деб ҳаттоки гардин!

Не-не зилзилалар бўлиб ўтмаган,
Не-не ширин жонлар бўлмаган хазон!
Қанча миноралар учиб кетмаган,
Нақшдор кошоналар бир онда вайрон

Бўлмаган дейсанми!

Эсла, ёдга ол!

Балли боболарга!

Боболар руҳи,

Шу оқшом қалбимга бўлганди дармон.

Лекин қўшни уйдан келган мунг-йиғи

Дилни ғам ўтида қиларди вайрон.

Шу оқшом қалб билан жанг қилди фикрим,

Гўё йўқдай эди бу дардга даво.

Лекин ҳайрон қилиб мени ўша зум

Кўчада янгради сурнайдан наво.

Жўра йигитларнинг қийқириқ, рақси

Куйига жўр бўлиб янгради сурнай.

Келин-куёвларнинг кўриниб акси,

Тўй файзи уйларга бўлди тўлгандай.

Маҳаллани бошга кўтариб шу дам,

Йигитлар қийқириб ўтиб кетарди.

Бу шодлик тўлқини ер гувлашин ҳам,

Зилзила даҳшатин босиб кетарди.

XVII

Узоқлашиб тинди қўшиқ ва сурнай,

Яна теvarакка чўкди жимжит тун.

Энди зилзила ҳам бутун тинггандай—

Қалбимни қоплади шодликдан тўлқин.

Сурнай ниманидир сўзларди гўё,

Қилгандек бўларди менга илтижо:

«Шу тупроқда бизнинг мазоримиз ҳам,

Тўй-ю томошамиз, бозоримиз ҳам...»

Сурнай хаёлимда янграрди ҳамон,

Мардлик ва курашга қилгандек даъват

Сурнай тинди. Лекин қулоқларимда

Ер-ёр янграгандек туюлди шу вақт.

Куёв йигит уйга келди,
Уйи капа, ёр-ёр.
Келин бола бунга сира
Бўлма хафа, ёр-ёр.

Куёв йигит моҳир уста,
Сенга янги уй бўлар.
Дангиллама биноларда
Қўша-қўша тўй бўлар.

Хонанг агар эски бўлса,
Янги қураб, ёр-ёр.
Севги уйи вайрон бўлса,
Шўринг қураб, ёр-ёр,

Шундай ўтар эди Тошкентда кунлар,
Гоҳ зилзила билан, гоҳ бўлиб тўйлар.

XVIII

Яна яқинлашар йигирма олти.
Ҳа, 26!

Даҳшат нақадар!
Қайси ой бўлмасин, майли, июнми,
Шу рақам эсланса, апрель тонготар
Қўз олдингга келиб, эт увишади,

Ўша тўс-тўполон ёдга тушади.
Июнь!

Яқинлашар яна шу рақам.
Авжга чиқиб келди ҳар турли лофлар:
«Энди ошар эмиш саккиз баллдан ҳам...»
Дилга ранж соларди ваҳима гаплар.
— Ўртоқ Брежневнинг келгани ростми?

—Шубҳа йўқ!
—Қаерга қўнди Қосигин?
Тошкентга!
Тошкентдан чиққанмиш лава?
Тўхта, алаҳлама! Кўтарма ғалва!
—Ахир чиққан эмиш шаҳардан зўр тоғ?
—Ўз жойида кўча, ариқлар ва боғ!
—Тошкент ўпирилиб кетганмиш ахир,
—Сен қайда турибсан? Тўғрисин гапир?
—Тўртинчи қаватда. Редакциядан.
Тошкентим кўриниб турибди аён.
Қилт этмай турибди ЦК ўрнида,
Лениннинг ҳайкали ва Қизил майдон.
Телефонни илдиру ҳаёлга толдим,
Беихтиёр ЦК томон йўл олдим.

XIX

Мен кўчага чиқдим.

Олис-олисида

Тошкент орқасида ярқирарди тоғ.
Тоғлар ҳамон ўша, турарди тикка,
Унга қарадим, наздимда шу чоқ
Недир сўзлагандек туюлди менга:

«Мен ҳам бир замонлар сайҳон, боғ эдим,
Кўксим безатганди сарой, қасрлар.
Зилзила силкитди, бирдан тоғ бўлдим.
Шу даҳшатли ғалаҳру, боғу насллар
Ҳаммасин ортқилаб елкамга бирдан,
Кўкка кўтарилдим айрилиб ердан.
Боболаринг мени ташлаб кетмади,
Форда кун кўрдилар,

форларга тикил!

Бу ерда уларнинг хоки, изи бор,
Қўрқма, дадилроқ бўл, фор ичига кир!

Бу ҳаёт—тарозининг икки палласи,
Бири кўтарилса, бири тушади.
Оламда ўзгарар ҳамма-ҳаммаси,
Тоғлар кўтарилиб, ерлар чўкади.

Ахир нима ҳам бор ўзгармас сира!
Баъзан пайдо бўлар саҳрода уммон.
Бу даҳшат-ку дерсан. Хўш, нима чора!
Курашган, яшаган, тан берган инсон.»

Наҳотки бу гаплар, лофлар бўлса чин!
Бирдан васвасалар босар дилимни.
Шаҳарни кезаман, излайман таскин.
Баъзан адаштириб тўғри йўлимни,
Халқга толаман, ўйлаб қоламан.

XX

ЦҚ биносига разм соламан,
Нечундир олдидан ўтаман секин.
Фақат бир мен эмас,
 трамвайлардан
Одамлар қарамай ўтмасди лекин.
Ким бўлмасин тўхтаб ўтарди.

Here?

Ишга шошганлар ҳам тикилар бир зум.
Мени бошлаб келган мақсад, ўй нима?
Хўш, не учун келдим ахир мен ўзим?
Тикиламан...

Бино остонасига—
Машиналар келиб тўхтайди, қатор.
Синчиклаб боқаман ҳар хонасига,
Биринчи қаватдан сўнггига қадар.

Иссиқ нафас пуркар ҳар бир дераза,
Ҳамон қадимгидек қатнов, борар иш.
Наҳотки бу ерда бўлмас зилзила!
Жонин ўйлаб булар қилмаса ташвиш!

.

Демак, хотиржамлик!
Демак, йўқ хатар.

* * *

Атрофга боқаман, миш-мишу ваҳма
Қалбимдан тумандек тарқалар шу чоқ.
Ана Ленин боқар Қизил майдонда,
Ўйларим ёришар ёққандек чироқ.

Бошим узра Ленин қўл чўзганича,
Мағрур турар эди халқни юпатиб:
—Ваҳмаларга учманг, ҳовлиқманг, шошманг,
Қўрқиб ўзингизни қўйманг йўқотиб!—
Тошкент қайта мангу бўлади обод!—
Бу сўзларни хурсанд қилар эдим ёд.

XXI

Қалбимда зўр ишонч, зўр умид билан
Мен дoston ёзишга киришдим шу кун.
Баъзан ер силкиниб қаламни бирдан
Қўлимдан олмоқчи бўларди,

лекин

Ишончим ҳар сафар чиқарди ғолиб,
Ноумидлик қилар инсонни хароб.
Баъзан қаламимни қўлимга олиб,
Дадил йўл олардим шаҳарга қараб.

Бу ҳаёт—тарозининг икки палласи,
Бири кўтарилса, бири тушади.
Оламда ўзгарар ҳамма-ҳаммаси,
Тоғлар кўтарилиб, ерлар чўкади.

Ахир нима ҳам бор ўзгармас сира!
Баъзан пайдо бўлар саҳрода уммон.
Бу даҳшат-ку дерсан. Хўш, нима чора!
Курашган, яшаган, тан берган инсон.»

Нахотки бу гаплар, лофлар бўлса чин!
Бирдан васвасалар босар дилимни.
Шаҳарни кезаман, излайман таскин.
Баъзан адаштириб тўғри йўлимни,
Хайлга толаман, ўйлаб қоламан.

XX

ЦҚ биносига разм соламан,
Нечундир олдидан ўтаман секин.
Фақат бир мен эмас,
 трамвайлардан
Одамлар қарамай ўтмасди лекин.
Қим бўлмасин тўхтаб ўтарди.

Hera?

Ишга шошганлар ҳам тикилар бир зум.
Мени бошлаб келган мақсад, ўй нима?
Хўш, не учун келдим ахир мен ўзим?
Тикиламан...

Бино остонасига—
Машиналар келиб тўхтайди, қатор.
Синчиклаб боқаман ҳар хонасига,
Биринчи қаватдан сўнггига қадар.

Иссиқ нафас пуркар ҳар бир дераза,
Ҳамон қадимгидек қатнов, борар иш.
Наҳотки бу ерда бўлмас зилзила!
Жонин ўйлаб булар қилмаса ташвиш!

.....

Демак, хотиржамлик!
Демак, йўқ хатар.

* * *

Атрофга боқаман, миш-мишу ваҳма
Қалбимдан тумандек тарқалар шу чоқ.
Ана Ленин боқар Қизил майдонда,
Ўйларим ёришар ёққандек чироқ.

Бошим узра Ленин қўл чўзганича,
Мағрур турар эди халқни юпатиб:
—Ваҳмаларга учманг, ҳовлиқманг, шошманг,
Қўрқиб ўзингизни қўйманг йўқотиб!—
Тошкент қайта мангу бўлади обод!—
Бу сўзларни хурсанд қилар эдим ёд.

XXI

Қалбимда зўр ишонч, зўр умид билан
Мен дoston ёзишга киришдим шу кун.
Баъзан ер силкиниб қаламни бирдан
Қўлимдан олмоқчи бўларди,

лекин

Ишончим ҳар сафар чиқарди ғолиб,
Ноумидлик қилар инсонни хароб.
Баъзан қаламимни қўлимга олиб,
Дадил йўл олардим шаҳарга қараб.

Қариндошлар турган жойларни кездим,
Дўстларнинг уйига бордим демай тун.
Ариқлар ёқасин, сойларни кездим,
Чанг ва тўзон демай атрофни бутун
Айландим.

Атрофда борар қизгин иш,
Ҳаммада бир умид, ҳаммада ташвиш.
Шулар билан бўлдим шодлик, ғамни ҳам,
Тошкентимда олдим ёзги дамни ҳам.

XXII

Танклар ишга тушди.

Бирдан қўзғалди
Шаҳар ўртасида қуюн бўлиб чанг.
Йўқ, танклар янчиш-чун уйни бузмади,
Харобага қарши бошлаганди жанг.

Жангчи ҳам ачинар, аммо не чора!
Қилай деганмиди ўз юртин вайрон.
Баъзан бўлганидан юраги пора,
Танкни тўхтатиб, уйларга ҳайрон
Боқиб ҳам қоларди, термулганча лол.
Қушларнинг инига бўлмай деб завол.

Не чора!

Кечаги ранг-баранг гуллар,
Эшигим олдида экканим райҳон,
Байрамга безалган нақшдор уйлар
Бугун бўлган эди теп-текис майдон.

Ховлилар кўчага кетди қўшилиб,
Асфальтларда бўлди тупроқдан тепа.
Асрлик бинолар бутун бузилиб,
Дарахтлар ёнига тикилди қапа.

Кеча гавжум бўлган расталар қани!
Қани базм бўлган дўстимнинг уйи!
Кино олдидаги гулдаста қани!
Қани йигитларнинг янграган куйи!

Воҳ, қани ёримга ишқ-муҳаббатим,
Илк бор изҳор қилиб учрашганим боғ!
Қани ҳарф ўрганган партам, мактабим!..
Наҳот бўлиб кетди теп-текис тупроқ!

Туғилган ҳовлимдан хотира бўлиб
Фақат қолган эди бобом эккан тут.
Бугун атрофини айландим келиб,
Унинг қаршисида сақладим сукут.

XXIII

Бу сукутни бузди қушнинг фарёди,
Бошим узра тинмай чирқирай эди.
Менинг ўйларимга бўлгандай ҳамдard,
Гоҳ учиб, гоҳ чўчиб чарх урар эди.

Ё қўмсаб келдим уй хўжасини,
Нон ушогин сочган болаларни ё?
Ё излаб учарми ўз жўжасини,
Ёки излармиди бағримдан паноҳ.

Сенга ҳам, менга ҳам қийин бўлди қуш!
Бари унут бўлар гўёки бир туш.
Қани юр мен билан янги уйимга..

XXIV

Нега шундай дедим! Ачқидим лекин,
Ҳали адресим эмас-ку тайин.

Ўйламай сўзладим кечиргил, қушчам,
Менда ҳам тоқат йўқ ёлғон сўзларга.
Ваъдабоз бўлишни ўргандим мен ҳам,
Ҳадеб қатнайвериб ҳар хил «хоз»ларга.

Лекин мен одамман, сен кичик қушсан,
Сенга қийин бўлмас ўн бор қатнамоқ.
Булар бари ҳазил, мен алдамайман,
Эшит бир шартимни, менга сол қулоқ.

Унингчи қаватдан жой олсам агар,
Қийин бўлмасмикин палопонинга?
Йўқ десанг, бир учраш кейинги сафар,
Яхши хона берай қараб жонингга.

Нега чўчиб қолдинг, ишонмайсанми,
Йўқ, мен амалпараст, қоғозбоз эмас.
Ҳали орамизда бундайлар озми!
Ер силкинар, лекин булар тебранмас,

Зилзила дилларни, ерни силкиди,
Қанча-қанча уйни айлади вайрон.
Столга ёпишиб олган бундайлар
Қилт этмай ўрнида турибди ҳамон.

Уларга қилмади саккиз балл ҳам кор,
Бундай нусхаларни ирғитмоқ учун
Ер устида бизлар ўн-ўн икки балл
Зилзила яратиб уларни бутун
Ирғитмасак бўлмас!

XXV

Суҳбат охирига етмасдан қолди,
Ногоҳ кўтарилди кўкка гала қуш.
Бу ҳол юрагимга бир ваҳм солди,
Чунки каптар учса ер қимирлармиш...

Уқиганим шу гап тушди ёдимга,
Эҳтиёткор кутдим. Ер силкинмасди.
Не хабар бор ахир, кўзим олдида
Қушлар парвоз қилиб асло тинмасди.
Теваракка боқдим, ҳамма ишга банд.
Уйлар қуриларди қаватма-қават.

Зилзила устидан ғалаба қилиб,
Бугун янграр эди дўстлар овози.
Дўстлар. қўшиғига бугун жўр бўлиб,
Кўкни тутган эди қушлар парвози.

ДУСТЛИК ҚУШИҒИ

Нима бор дўстликдан муқаддас, кўркам,
Шу берар орзую ўйларга қанот.
Дўстликсиз умр ҳам, дўстликсиз қалб ҳам
Кўчган ҳовли каби туюлар, ҳайҳот.
Шодлик, ҳасратларни айтардик кимга,
Дўстликсиз келарми тилларга қўшиқ.
Дўстликсиз умрни қўшма умрга,
У майи тугаган кўзадек қуруқ,
Дўстлар деб уйимга ўтқазаман гул,
Дўстларсиз бўлмасди балки бу шеър.
Дўстлар чирой берар ҳаётга буткул,
Дўсти йўқ юраклар гўё сувсиз ер.
Мен бир тупроқ бўлсам, дўстлар бир дарё,
Сувсиз жамолини очармиди ер!
Сувсиз ер ҳам кўзга бўлмас тўтиё,
Тўзиб ётар эди бўлиб гармсел.
Дарё оққан жойда ер кўкаради,
Қаерда дўстлик бор — эл кўкаради.

Қўшиқ янграр эди тўлиб осмонга,
Қушлар учардилар атрофга бетин.
Янги бўғотларга, янги тарновга

Гала-гала келиб солардилар ин,
Каптарлар қўнарди томга пайдар-пай,
Тинчлик—ободликдан етказиб хабар.
Халқлар дўстлигига мангу ҳайкалдай
Тошкент чеккасида янги бир шаҳар
Қаддин тиклар эди.

Аммо бир ёнда

26 апрель — даҳшатли тонгдан
Бир хотира бўлиб баҳайбат тепа
Кўриниб турарди, асир каби жим.
Инсон қудратига бўлгандек таслим.

Тепанинг устида мраммрдан ёзув,
Қурбонлар қабримн? Қандай гумбаз у?
Ҳалок бўлган уйлар, кўчалар хокин
Бизлар тепа қилдик, асло қилмай хор.
Бу ерга одамлар бўлмади дафн,
Зилзила ўзига ясади мазор.
Шу ерга кўмилди даҳшат—зилзила
Аммо!..

УЧИНЧИ ЗИЛЗИЛА

XXVI

Аммо бугун ер силкинмади,
Зилзила бўлмади, тинди ер ости.
Теваракка оғир бир оқшом чўкди,
Қалбларни оқшомдек қора ғам босди.
Бугун ярим тундан фарёд кўтариб,
Она-Ер устида йиғларди «Гиря».
Бу оғир мотамдан бўлгандек ғариб,
Ер ҳам қимирламай қолганди гўё.

Бу мотам олдида таъзим қилгандек
Ер ҳам тилин тишлаб турар эди жим.

Бугун орамиздан Ғафур Ғуломни
Олиб кетган эди бемаҳал ўлим.

Йўқ, йўқ! У ўлмади, гўёки ерга
Хитоб қилиб:—сенга керак бўлса жон,
Мени олу юртни тинч қўйгин, дея
Халқ йўлига ўзин қилганди қурбон.
Зилзила бўлмади.

Аммо силкинди

Ўзбек шеърятин олий хонаси.
Бугун юракларни ларзага солди
Очилмасдан қолган қалам ноласи.

Унинчи июлда ер силкинмади,
Аммо елкаларни силкитди мотам.
Уйлар янги бўлар, шаҳар тикланар,
Қайта очилурми аммо бу қалам!

Дилимни силкитди икки зилзила,
Оромда қўним йўқ, хаёл паришон.
Она тупроқ каби гоҳ тиниб, қалқиб
Бережа, беўлчов ёзилди дoston.

26 август ер тебранмади,
Мен-ку достонимга қўйдим сўнг нуқта.
Аламли қиссангни тугатгил сен ҳам,
Она-Ер, бас етар, силкинма, тўхта!

Эй муборак тупроқ, эй она шахрим,
Эй қадимий Тошкент, бардошли диёр.
Яна чаман-чаман юз очар гул-боғ,
Яна тикланади бинолар қатор.
Ана шундай бўлар келажак апрель.

РОССИЯ

Қирқ учинчи йилнинг кеч кузи,
Тўқайзорда жанг борди уч кун.
Кўринмайди қуёшнинг кўзи,
Отишмадан—ер-кўк ўт, тутун.
Мен шу жангда ўқ еб йиқилдим,
Командирим олди ортмоқлаб
Ва шу онда йиғиб бор кучим,
Айта олдим икки оғиз гап:
—Мен солдатман, ўртоқ командир...
Ортмоқлама, мени ташлаб кет!..
У опичиб ва эмаклаб ер
Судраларди. Кўкда кетма-кет
Мушак ёниб изларди бизни...
Ўқ ёғдирди кўкдан селсимон.
Командирим ушлаб тиззани
Бир ингради,

иккимиз шу он
Қўш теракдек ерга йиқилдик.
Қон оқарди оғзи-бурнимдан
Ва бўғзимга недир тиқилиб
Қимирлолмай қолдим ўрнимдан...
Қўз олдимда дунё айланиб,
Мен ҳушимни йўқотдим шу чоқ
Қанча фурсат ўтди билмайман,
Қўзни очдим чуқурда бироқ.
Одам бўйи пастлаб «Юнкерс»лар

Ўққа тутиб ўтарди гув-гув.
Юзи-қўли қонга бўялиб,
Командирим ичирарди сув.
Қўлин қисиб кўзимга суртдим
Ва йўқотдим яна ўзимни.
Қанча кунлар ўтди, билмадим,
Госпиталда очдим кўзимни.

Мен ҳаётман. Аммо қани у—
Менинг учун қайғурган инсон?!
Мени сақлаб ҳаёт берди-ю,
Аммо ўзи қаерда.. Қачон..
Билолмайман!..

Туғилиб ўсган
Қишлоқ, шаҳри хотирамда бор.
Лекин ўн йил бўлса ҳам ўтган,
Тўрт энлик хат ёзмадим бир бор.
Болаларим сўрайди такрор
Нега, ахир, ёзмайсиз деб хат.
Менинг кўнглим кетмайдими зор,
Тирик кўриб, қилмоққа суҳбат!..
Ун йил бўлди, учрашмоқ, кўрмоқ
Орзусида яшайман ҳамон.
Кўришишни ўйлаганим чоқ
Қалбда бўлиб шодлигим тўфон,—
Умид билан оламан қалам,
Хат ёзмоқчи бўламан дарҳол,
Шу ондаёқ шубҳа ва алам
Дилни ўртаб, мен қоламан лол.
Хат ҳам ёзай, аммо жавоби
Қандай бўлар, севинчми, қайғу?!
Бунга етмас тоқатим, тобим!
Жавоб олдим, аммо борди-ю..
Ҳайҳот!.. Ҳайҳот! Ширин умидим
Завол топиб бўлганидан ҳал,
• Хат ёзмасдан умид билан жим

Яшамоғим эмасми афзал!
Газетларда номин кузатдим,
Кўчаларда кўрардим ўхшаш.
Тортиб кетиб ортга юрагим,
Туташади қалбимга оташ.
Ана шу руҳ, шундай ҳолатда
Ўтиб кетди аста ўн йил ҳам.
Кундан-кунга соғиниш ортди,
Наҳот битиб сабр ва чидам
Шу қарорга келдим оқибат:
Висол кўрмоқ иштиёқида
Қатта умид, зўр қувонч билан
Совға-салом кўтариб қўлга
Урал томон йўлга чиқдим ман.

.

I

.
Сахро ортда қолди. Бепоен
Ўрмонзорга шўнғиди поезд.
Икки томон кўк қанотсимон,
Ўрмон бўйлаб кетган тикка из.
Поезд учар, айланар ўрмон,
Кўкда қуёш кўзни тиндирар,
Ўрмон худди кўк денгизсимон,
Уфқларга туташ кунгура.
Гоҳ узоқда ялтиллайди, ҳу,
Рус тушидек яхлит, кенг дарё.
Кўк чамбарга ўралган кўзгу
Тиниқ кўллар атрофда гўё.
Қучоқ сиғмас сершоҳ дарахтлар,
Устида нур, тагида соя.
Милтиллайди гажак ирмоқлар...
Гўзалликка йўқдир ниҳоя.
Кўл устида қушлар галаси

Кўтарилиб тиниқ осмонга,
Чир айланиб, нурда ҳаммаси
Айланаркан бир олтин рангга,
Бутун атроф зар ва гавҳардан
Ясалгандек туюлар гўё.
Гўё мавжуд бўлгандек бирдан
Эртакларда куйланган дунё.

II

Ҳисларимни солмоқ-чун куйга,
Завқин босиб толгандим ўйга,
.....

Бирданига тўхтади поезд.
(Баландликда кичик бир разъезд)
Теварагим бепоён ўрмон,
Ва мен тушдим.

Аммо ўша он,

Бир учидан тортилган ипдек
Ўрмонзорга кириб йўқолди.
Тепаликда бир мен ўзим тек,
Кечки қуёш—гўзал қиз қолди.
Мен турган ер денгиз ўртаси
Кўтарилган гўё тик тўлқин.
Нурга чўмган Сибирь ҳаммаси
Қўринарди шу ердан ёрқин.
Баландликдан қуёш ботишин
Кузатишнинг ўзи бир ҳузур.
Қуёш ўзин кўрмайсан, лекин
Ўрмон кўкда олтин, шафақ—нур.
Мен ўзимни унутиб бутун
Муродига етган ботирдек,
Қувончимга сиғмасдан лекин
Қишлоқларни кузатардим тек.

Қуёш ботди бу вақт ичида,
Жарлар, сойлар олди кумуш ранг.
Сонсиз қушлар шохлар учидан
Қўтарилди қолдириб оҳанг.
Бу фурсатда атроф манзара
Минг турланиб, минг рангга кирди.
Ел қўзғалиб ўрмонзор аро,
Атроф янги оҳангга кирди.
Қуёш сўнгги нурлари билан
Сайхонларни аста пийпаслаб,
Сафарини у тамомларкан
Қишлоқ узра жимгина пастлаб,
Ёғоч уйлар кул ранг тус олиб,
Яйловларда қалқиди тутун.
Подаларнинг шовқин-сурони
Тўрт томонни қоплади бутун.

Уйга толиб тикилдим узоқ,
Мен бормоқчи бўлганим қишлоқ
Балки шудир... балки ёнимдан
Паҳлавон қад, нуроний соқол,
Сибирь отин миниб ўтган чол,
Уни танир... балки ҳамқишлоқ,
Отасидир...

Чунки мен шу чоқ,
Ҳар бир русда унга ўхшашлик
Фазилатин, меҳрибонлигин,
Унинг қалбин кўрардим лекин.
Ўрмонзордан чиқиб келган қиз,
Балки унинг сингли, қондоши?
Сергей номин сўрашга шу кез
Не учундир қалбим бардоши
Етмас эди...

Йўл сўрадим қиздан.

—Йўл узоқ.

Ўрмонзорда адашма—сўқмоқ!..—

Шу сўзида, истасанг туна,

Рус уйининг эшиги очик.

Қимлигиниги биламан жўра,

Ватандошлик жондан ҳам ортиқ...

Ўқир эдим шундай маънони.

«Раҳмат сенга!

Бу зўр илтифот.

Аммо гўзал айт менга қани,

Ўз еримда адашсам наҳот?!
Наҳот, ойлар бошпана топмай

Қишлоқларда дайдишим мумкин?

Мен ўзбекман,—десам тап тортмай

Ҳар уй меҳмон қилмасми бир тун?!»

Ўрмонзордан чиқиб келган қиз

Назаримда менга тикилди.

Гўё англаб қалбимни шу кез

Бир мулойим табассум қилди!

Ўрмонзорнинг меваси тўла

Саватни у қўлга кўтарди.

Хў, қишлоққа етгунча боқдим,

Гўё қалбим олиб кетарди.

V

Бу гўзалми,

табиат кўрки

Ўни гўзал кўрсатдимми ё?

Е атрофни чиройи тўкин

Шу қизданми?

Наздимда гўё,

Белларини сийпаб ўтган шох

Шу даргоҳда ўсганлигидан,
Майин сочин тўзғитган ел гоҳ
Шу ерларда эсанлигидан,
Гоҳо азим қайин учидан
Барглар аро боққан қуёш ҳам,
Барра майса йўлнинг четида
Янграб, шошиб оқувчи сой ҳам,
Унга ҳамроҳ бўлганлигидан
Бир умрга эди бахтиёр.
Кеч салқинин шимган тупроқ ҳам
Қадамига тегиб миннатдор.
Менга шундай гўзал кўринди,
Менга шундай кўринди азиз.
Ё шу ерда макон топганми,
Эртакларнинг қаҳрамони—қиз?!

VI

Кўрмаганман не гўзалларни,
Қадди расо, ҳуснда бекам.
Бўлмаганман не гўзалларнинг
Куйин тинглаб, суҳбатида ҳам.
Учратмадим не гўзалларни,
Нозик бадан, келишган кўз, қош.
Безак қилган бриллиант, зарни,
У не гўзал, бўлмаса оташ!
У не гўзал!— Жозиба, илиқ
Еқимлилиқ бўлмаса агар.
Гўзаллар бор нозик ва силлиқ
Кўринади, аммо бир ҳайкал.
Ишқ гўзаллик, безакда бўлса,
Бу, табиий, бепардоз мутлақ.
Агар ширин сўзларда бўлса,
Уни ҳозир кўришим бироқ.
Бу-чи, аммо содда бепардоз,
Енгил этик оёқларида.

Ипак кофта, сочида бир оз
Ез гарди бор,
ёноқларида
Тиниқ, силлиқ қизиллик ёнар,
Кўчмай қолган шафақ—алвон ранг.
Юзларида мулойимлик, нур,
Гўзалликда отган каби тонг.
Рус қомати, ипак кўйлаги
Бир майинлик бағишлар эди.
Шу иш кийим, шу кўринишда
Минг гўзалнинг ўти бор эди.
Хусн нима? Гўзаллик нима?
Не ундаги бу ўт, жозиба?

VII

Этик кийган шу қиз эмасми,
Тандан қоним силқиб оққанда,
Қолганимда ҳушсиз, бемадор,
Ўз меҳрини қилмасдан канда,
Туни бўйи бошимда бедор
Госпиталда парвариш қилган?

Тикиламан унга,
ўша дам
Тирик каби кўринди Зоя.
Гўзаллиги, ёшлигини ҳам
Шунга ташлаб кетганди гўё.

Кетаётган шу қиз эмасми,
Ҳалигина чексиз ўрмондан,
Қумуш дарё, олтин хирмондан,
Теваракка янграган қўшиқ,
Очиқ кўнгил, ҳазилкаш ва шўх?
Унга қараб,

аксида шу он

Анна Васильевна азизам,
Фан, онг берган она-муаллим
Кўз олдимда бўлди намоён.
Унинг хулқи, доно сўзлари
Бари шунда барқарор эди.
Севги тўла боққан кўзлари,
Унинг битмас меҳри бор эди.
Унга қараб қувноқ ёшлигим,
Хушчақчақ тонг ва гўзал баҳор,
Пушкин шеърин ёд олганлигим
Хаёлимда мавж урди такрор.
Мен шуларни эслаган маҳал,
Гўзалликнинг сири қилдим ҳал.
Рус кишисини шу фазилати,
Инсон учун вафодорлиги,
Муҳаббатда бир гўзал эмас.
Жанг, меҳнатда мададкорлиги,
Мафтун қилиб минг гўзал каби
Уйғотганди қалбимда севги.
Бундан ортиқ гўзаллик борми!
Қалби билан гўзал эди у.

VIII

Хаёл билан, ўз завқим билан
Йўл босганим қолдим сезмайин.
Разъезд қолган ортда.

Ҳамроҳдек

Ел эсарди ўрмонда майин.
Ҳар қадамда турли манзара,
Тўхтар эдим гоҳо йўлма-йўл.
Сой шовқини банд этди яна,
Сой ёнидан ажралгандан кўл
Йўл кетади ўрмон ичига,
Бир йўл кетар қирнинг бошига.

Мен сув ичдим сой ўртасида
Оёқ қўйиб силлиқ тошига.
Гоҳ хаёлдек жим гирдобланар,
Гоҳ қалбимдек жўш урар тошлар.
Тутам-тутам учган кўпиклар
Илдизларга сапчир, илашар.
Жар шовқини!

Жарнинг устида
Қушлар учар, чийиллар... овоз,
Қириб чиқар ковакка тинмай,
Узоқларга гоҳ қилар парвоз.
Ўша онда гўё қуш бўлиб
Россияни чарх урсам дейман.
Бир сўнмас руҳ, шу ҳавас билан
Қир устига кўтарилдим мен.

IX

Узоқда тоғ. Ой чиққан замон
Аста чўкди дарё тагига.
Соҳилдаги бепоен ўрмон
Ўхшаб қолди кўк этагига.
Осмон тиниқ, чарақлар юлдуз,
Оппоқ нурда дарё ва ўрмон.
Атроф олар ажойиб ранг, тус,
Қишлоқ ёқдан ана шу замон
Қўшиқ келди.

Сув парилари
Чиқди дедим дарё бўйига,
Қулоқ солдим йигит-қизларнинг
Янграб келган қувноқ куйига.

Бунча гўзал ва бунча жонон,
Оҳангларга бунча бой қўшиқ!
Шу ҳаводек майин, шу осмон
Қаби тиниқ, рус қалбидек шўх!

Бу қўшиқда Россия кўрки,
Манзараси, ўрмоннинг иси,
Кенг буғдойзор узра офтобнинг
Ярқираши, иссиқ нафаси.
Рус қизларин ўйин-кулгиси,
Гармонь тортган йигитнинг туси,
Унинг очиқ, беғубор қалби
Шу қўшиқда барқарор эди.
Рус халқининг бутун ҳаёти
Шу қўшиқда тугал бор эди.
Агар, ҳатто кўзингни юмиб
Шу қўшиқни тинглаганинг чоқ,
Бу гўзаллик, қувноқ ҳаётни
Қалбинг билан сезасан бироқ.

X

Қўшиқ тинди. Чўкди тун, жимлик.
Ва кўзимдан беркинди қишлоқ.
Ўрмонзорда қолдим бир ўзим,
Ўрмон зулмат, йўлларим сўқмоқ.
Уйғонгандек мудраган ўрмон
Гоҳ дарахтда қушлар патирлар.
Яқин ерда шер кезгансимон
Барглар ўйнар, шохлар шитирлар.
Бир оз тўхтаб қулоқ соламан,
Тикиламан ва йўл оламан.
Мен буздимми ўрмон жимлигин
Гўё бирдан тошгандек тўлқин,
Бу жонланиш чиқиб авжига
Кўтарилди атрофда шовқин.

XI

Адашдими излаган йўлим...
Утар эди на бир йўловчи.
Асрий ўрмон. Фақат бир ўзим.

Йўл сўрашга на бирон овчи
Учрар эди.

Тинмай ҳар ёнда
Патирлашиб қушлар безовта.
Айиқ ўлжа изларми тунда?
На қурол бор қўлда шу топда.
Даставвал мен кўрганим қизнинг
Сўзи тушди ёдимга шу чоқ:
«Азиз меҳмон, йўлинг қўп узоқ,
Ўрмонзорда адашма—сўқмоқ.»

.

XII

Нима бошлаб кирди ўрмонга,
Тунамадим қишлоқда нечун?
Тополмасдим наҳот бошпана,
Тунаш учун разъездда бир тун?
Мен эсладим, рус қишлоғида
Жанг йиллари бўлганим меҳмон:
Эшик очиб саҳар чоғида
Кёкса она қувнаб, меҳрибон,
Ўз ўғлидек бағрига босиб
Пешонамдан ўпмаганмиди?
Топганини қувониб, шошиб,
Дастурхонга тўкмаганмиди!
Қаерликман, сўрмади аммо,
Таниш эди фақат шинелим.
Менга қараб яширин гоҳо
Кўз ёшларин артар эди жим.
Англолмадим бу ёш сирини,
Аммо билдим менга меҳрини.
«Аня, қизим, кутгил меҳмонни,
Дастурхон ёз, борингни келтир.
(Қўйди фақат картошка, нонни.)

Ҳеч тортинма, ўзинг ҳам ўтир».
Мен тунадим сандиқ устида,
Пар ёстиққа кўмилиб бошим.
Шу ёғоч уй ўрмонзордаги
Яшар бўлиб меҳр қуёши.
Унутмайман бутун умрга
Рус қишлоғин сутин тотини!
У ичирган сут билан бирга
Ўз оналик муҳаббатини.
Рус қизининг ўз оғасидек
Тортинмасдан қарши олгани,
Ўз ёридек, кўз қорасидек
Кузатгани, қараб қолгани...
Ўша она, гўзал қиз, қишлоқ,
Кўз олдимдан кетмайди мутлоқ!

хIII

Ҳа, ҳали ҳам тинчлик солдатин
Қилар эди ҳар хона меҳмон,
Мени йўлга бошлаган мақсад,
Лекин зарра тўхташга имкон
Берармиди? Йўқ, қалб тошқини
Етакларди ниятга мени.
Ўрмонзорга кириб адашсам,
Ҳозир ваҳм кўринмасди у.
Ўкирувчи тундаги шер ҳам
Сололмасди даҳшат ва қўрқув.
Ўрмонзорга чўкиб жимжит тун,
Минг кўз каби осмонда юлдуз
Жимирилашиб;

Сибирда бутун
Кезсам ҳамки бир ўзим ёлғиз,
Сезар эдим чарчаш, на даҳшат—
Фронт, тўқай ёдга тушган вақт:
Тўқайзорда дарё бўлиб қон,

Отишмадан қуёшнинг юзи
Қорайганда,

мен-чи, ўша он
Тупроқ ямлаб чанқоқ лабларда
Ва ҳаётдан кўз юмар дамда,
Сергей кечиб ширин жонидан,
Болалари—кўз қароғидан,
Дўстим учун, ватандошим деб,
Ўқ-оташга кўкрагин кериб
Жаҳаннамга кирганида у,
Билганмиди ваҳм ва қўрқув!

XIV

Шу дўстликнинг меҳри етаклаб
Олиб кирди мени ўрмонга.
Енгилишни билмас мардликнинг
Жасоратин бахш этиб менга.
Унинг меҳри эди зўр қурол,
Шунинг учун ўрмонда дарҳол,
Ногаҳоний кўзғолон шовқин
Ҳайронликка солмади лекин.
Назаримда қушлар патирлаб
Дўстинг бор, деб берарди овоз.
Барглар ўйнаб, шохлар шитирлаб
Йўлларимга эди пояндоз.
Теваракда шамол ғувиллаб
Тарқатаркан ўрмоннинг исин,
Димоғимга гўё Сергейнинг
Урар эди қайноқ нафасин.

XV

Йўл босаман, қулоқ соламан,
Атрофимда ҳоким эди тун.
Нечун бевақт уйғонди ўрмон,

Нима ўзи? Нечун бу шовқин?
Аммо бирдан бўрон тургандек,
Зилзиладек ўрмон гувлади.
Шуъла балқди.

Яшин ургандек
Қатор азим дарахт қулади.
Гўё йўлбарс ўрмонни бутун
Қўтармоқчи дедим бошига.
Борган сари овоз кучайиб,
Яқинлашар эди қошимга.
Қучоқ сиғмас азим қарағай
Ўрилгандек барра, беозор,
Гўё унга таъзим қилгандек
Йўлларига ётарди қатор.
Ўша томон тикилиб қолдим,
У на чақмоқ, зилзила, бўрон.
Бизнинг техниканинг қудрати—
Қирқар экан машина ўрмон.

XVI

Ўрмонзордан чиқдим.

Олдимда
Чўл рангида чексиз буғдойзор,
Малла парда каби ойдинда
Елпинарди.

Узоқдан қатор
Қишлоқлар кўринди бир ғужум,
Орқасида девордек ўрмон.
Кеча ёруғ, худди суратдек
Кўринади тоғлар шерсимон.
Мен бормоқчи бўлганим манзил
Шу тоғларнинг балки, пастиди.
Бир томондан булут ёпирилиб,
Ой беркинди.

Соя остида

Ферма, сарой ва қишлоқ қолди.
Аммо нурда эди узоқ тоғ.
Қуёш каби қишлоқ ичидан
Шуъла сочар парникдан чироқ.
Гоҳ ғариллаб, гоҳ бирдан тиниб
Қаердадир ишлар комбайн.
Ёмғир исин, унинг овозин
Олиб келди шабада майин.

XVII

Бир томонда жимирлайди кўл,
Ой кўзгудек қалқийди сувда.
Сочин ёйиб қизлар ойнага
Эгилишиб боққандек худди
Кўл устига соясин ташлаб
Шаббодада елпинар толлар.
Атрофингда куйлаб, аллалаб
Кенг буғдойзор, новда, ниҳоллар
Беихтиёр эркингни бутун
Эгаллару қалбни қилар ром.
Ўтолмайсан бўлмасдан мафтун,
Маст қилади бахш этиб ором.
Мен ўлтирдим кўл қирғоғида,
Нарироқда азим туп чинор.
Унга кўзим тушгани чоғда,
Не учундир мен беихтиёр
Чинор томон тикилдим узоқ.
Табиатнинг чиройин бутун
Мен унутдим.

Чунки ўша чоқ
Юрагимни босиб бир тўлқин,
Фронт, дўстлар, блиндаж, ўрмон
Бирдан келди кўзим олдига.
Аммо чақмоқ чаққандек,
шу он

Туриб кетдим, тушиб ёдимга
Сергей Иванович қилган ҳикоя:
«Бугдойзор, кўл, сутдек ойдин тун.
Бир туп чинор соларди соя.
Мен, Татьяна иккимиз шу кун
Кўл ёнида ўтирдик узоқ.
Севгимизга бўлсин деб гувоҳ
Номимизни ёздик чинорга...»

.....
Шу қиссани эслаганим он
Мен пайпаслаб чинор атрофин—
Гир айланиб парвонасимон
Излар эдим уларнинг номин.

.....
Қоронғида топмадим, бироқ
Демак, Сергей ўсган шу қишлоқ.
Қалбимда зўр умид уйғонди,
Висол кўрмак қуёши ёнди.

XVIII

Назаримда ҳар бир хонадан
Сергей чиқиб келарди пешвоз.
Ташланмак-чун бағрига шу он.
Қушдек учиб қилардим парвоз.
Юрмас эдим, гўё учардим,
Қишлоқларга боқардим ташна.
Ўша дамда аммо оёғим
Юрган каби худди қум-даштда
Сирғаларди гўё орқага.
Қўлимдаги совға-салом ҳам
Тоғдек оғир кўриниб менга
Ирғитгудек бўлдим ўша дам.
Нега олдим! Наҳот ҳадялар
Арзигулик унинг қадрига?
Совға қилиб у ўз ҳаётин

Жон қилганди менинг қалбимга!
Унинг меҳри, қадри олдида
Совға нима!.. Қиммати хазон!
Олиб борар эдим қалбимни
Севгим учун гувоҳ бўлса жон!

XIX

Интилардим қишлоққа,
аммо
Ёз ёмғир қуйди ногаҳон.
Уқ сингари патирлаб, йўлнинг
Тупроғидан кўтариб тўзон.
Чақмоқ чақар, кўк қарсиллайди,
Кўнган каби тоғдан азим тош.
Уша онда чексиз буғдойзор
Биқингандай ерга эгди бош.
Бўлолмади ҳатто бошпана
Сербарг дарахт. Кирдим саройга.
Тарновлардан тошган сув чопар
Ҳали тупроқ айланмай лойга.
Данғиллама сарой олдида
Тура эди серсоқол бир чол.
У сезмасди аммо олдида
Борганимни,
ғарқ қилиб хаёл.
У сезмасди шу он бўйнидан
Кўкрагига сизган томчини.
Гўё уни савалар эди
Буғдойзорда ёмғир қамчини.
Ватандошими, унинг қалбини
Уша онда сезмаган ахир!
Кечирганман бундай ҳолатни
Пахтамизга ёққанда ёмғир.

Мен танитдим чолга ўзимни.
 Дўстим номин айтдим ниҳоят.
 Мен айтдим

аммо кўзимни
 Тикканимча ёниб, бетоқат
 Жавоб кутдим. Шу он чақмоқдек
 Хаёлимга минг ўй қуюлди.
 Кўз очгунча ўтган шу фурсат
 Назаримда йилдек туюлди.
 Ҳолатимни қайдан билсин чол!
 Ғурур билан уни танишин,
 Обрўсини, меҳнатин, ишин
 Сўзлар эди шошмай, бемалол.
 Сўраб қолди гап орасида
 Уни қайдан билишлигимни,
 Унга қандай танишлигимни...

Воқеани мен қисқа айтдим,
 Чол нечундир шу он қолди жим...

«Йўқ, фронтда бўлган эмас у»...
 Шу нафасда бу ёруғ дунё
 Кўз олдимда бўлиб қоронғу,
 Тик чўққидан тубсиз жарликка
 Тойиб бирдан қуладим гўё.
 Лекин мени ногаҳоний куч
 Бирдан сақлаб қолгандек ҳаёт,
 Чолнинг аммо сўнгги сўзлари
 Бағишлади қалбимга қанот.
 Жала тиниб кўкка тўсатдан
 Худди қуёш чиққандек,
 шунда
 Васвасалар булутдек тарқаб
 Бир равшанлик мавж урди менда.

—Ҳа, балки у!..

Бизнинг қишлоқда
Бу исмдан анчагина бор.—
Сабрим тугаб, аммо шу чоқда
Кимлигини қилмоққа изҳор...
Вақт бўлмади...

Сарой олдиға
Бир машина келди гуриллаб.
Чол ўрнидан турди кутгани,
Ўрталикда чала қолди гап.

XXI

Машинага чиқдим у билан,
Ташлаб кетди нарироқда—уйга.
Чолни кутиб туни бўйи мен
Ухлолмадим тушиб минг ўйга.
Қўзларимни юганим замон
Рўпарамдан Сергейнинг баста,
Боқишлари бўлиб намоён
Ухлагани асло қўймасди.
Хаёлимни олиб қочар гоҳ
Девордаги йигитнинг расми.
Мен ётган уй гўзал Сибирнинг
Бир чеккаси, узоқ бир қисми...
Расмдаги ўзбек йигити
Рус уйининг тўрида азиз!
О, бу сурат қаердан келган,
Ошиғими ё ураллик қиз?!

.

XXII

Қанот қоқди хаёл ўтмишга,
Юрагимда севинч ҳам алам.
Назаримда ўхшарди тушга

Бир қиссани эслаганим дам:
«Маҳалламда ўзбек йигити
Ошиқ бўлган бир рус қизига.
Бир-бирини жондан севибди,
Қўринмабди жаҳон кўзига.
Бирга яшаб, муҳаббат тотин
Тотмоқ учун ошкора, озод,
Дини ўзга, ўзга миллати,
Бундай севги у замонга ёт.
Бечоралар бир-бирининг
Сочларини тарай олмабди.
Меҳри қониб, истаганида
Жамолига қарай олмабди.

Иккаласи севгисин бутун
Теваракдан сақлабди пинҳон.
Орзусига етмаклик учун
Сабри тугаб изларкан имкон.
Икки ошиқ, икки бечора
Узоқ вақт излабди чора.
Иккаласи муҳаббат ҳаққи
Бўпти чўлда яшашга рози.
(О, муҳаббат қанчалар қудрат!)
Хўш, бормиди ўзга иложи?!

Шу мақсадда чиққанда йўлга,
Иккаласи тушибди қўлга.
Монастирда қиз бўлган хазон.
Йигит бўлган сургунда қурбон».

Эркисиз севги—умр жаллоди,
Эркин севги—бахтдир абадий!

О, муҳаббат! Муҳаббат гоҳ бахт,
 Гоҳ келтирар ўлим ва фироқ.
 Севишганлар тақдирин ҳар вақт
 Ҳал этади замона бироқ.
 Бу Осиё йигитин расми,
 Балки севган сибирлик гўзал.
 Ўтмишлардан булар ҳаётин,
 Айирмасин ҳар ким қилсин ҳал.
 Бир-бирини севибди эркин,
 Муҳаббати элга ошкора.
 Бутун атроф билади, лекин
 Бириси оқ, бириси қора.
 Мен ўзим ким? Қаердан келдим?
 Ётган уйим қаер, қай диёр?
 Дайдимадим ёмғирда нечун,
 Бунча менга ҳурмат, эътибор?

Ўз бахтимни кайфи элитиб
 Қўз юмибман ўйлар ичида.
 Теваракда тонг ёришарди,
 Булут тарқаб бу вақт ичида.
 Шаррос қуйган жаладан кейин
 Дарахт, осмон беғубор эди.
 Уй ичида ўрмон ҳавоси
 Атир каби гуркирар эди.
 Қутлагандек менинг бахтимни
 Булбулларнинг келди овози.
 Ўрмонзордан асалчи чолнинг
 Қичқиради қутлаб хўрози.
 Деразадан боқдим,
 теварак
 Яшнаб кетган эркин, осуда.

Кампир тонгда ўрдак, ғозларин
Тўда-тўда қувлайди сувга.
Ирмоқларга қулоқ солгандек
Майсазорда — сув ичида қуш.
Патин силкиб, расо қонгандек
Гоҳ баррага бериб ётар тўш.

Атроф майса,

анвойи гуллар

Орасида қушлар овози.

Тонгги куйни куйлар булбуллар,

Шоҳ учида олмахон нози.

Гўзалликда ёришарди тонг,

Нур ёнарди қайин бошида.

Уй эшиги аста очилиб,

Қуёш каби менинг қаршимда

Сергей билан пайдо бўлди чол.

Мен бағрига отилдим қушдек.

Иккаламиз бир тан—вужуддек

Қучоқларга сингиб кетгандек...

.
.

Ҳа, ўн йиллик чидам ва умид

Бари бирдан бўлиб барқарор,

Кўз олдингда кўрсатса жамол,

Тасвирлашга бу руҳ, ҳолатни

Ҳиснинг кучи ожиз, бемажол,

Ҳар ким ўзи топмай бу бахтни.

ЎЗБЕКИСТОН

(ЮЛДУЗЛАР)

Ўғлим варақлаб китоб,
Бир савол берди шу тоб:
Андижонда бўлганмисиз,
Хоразмни кўрганмисиз,
Фарғонами чиройлик,
Ёки Бухоро, Сурхон.
Қай бирида кўп бойлик,
Қай бирида кўпроқ кон?
Бизнинг республикада
Неча областимиз бор,
Агар кўрган бўлсангиз
Айтиб, қилинг-чи изҳор?

Кўрган-билганларимни
Аста сўзлай бошладим.
Одоб билан ўғлим ҳам
Тинглаб ўтирарди жим.

I

Бир шаҳар бор қадимда,
Номини дердилар Шош.
Энди чамандек яшнаб,
Кўп шаҳарга бўлган бош.
Бутун Ўзбекистонга
Уни саналур пойтахт.

Троллейбус, таксилар
Қаерга борсангиз тахт.
Атрофи, ичи гулзор,
Йўллар чиннидек тоза.
Гўзалликда дунёга
Номи бўлган овоза.
Заводлар, фабрикалар,
Донгдор тўқув комбинат.
Ундан чиққан газлама
Бутун халқларга зийнат.
Бу шаҳар атрофида
Қанчалаб янги шаҳар.
Дунёдан меҳмон келар,
Меҳмондўст, танти шаҳар.
Навоий кўчасидан
Боқсанг кўринади тоғ,
Шу тоғларда Бўстонлиқ,
Тоғ эмас, мевазор боғ.
Шаҳарнинг бир ёнида
Оқади ўйнаб Чирчиқ.
Суви танларга шифо,
Балиқ овларига чиқ.
Кечқурун шаҳарга қайт,
Юлдуздек порлар чироқ.
Улуғ Ильич нуридан
Атроф кундуздек порлоқ.
Шаҳарнинг қалби каби
Бунда жаранглар курант.
Ҳамма ёқдан кўринар!
Чинорлардан ҳам баланд.
Бу шаҳар таърифини
Сўзласам бўлмас тамом.
Юз минг одам сиғарлик
Водийдек стадион.
Кўрган бўлсанг айт агар,
Бу қайси област, шаҳар?

Шу ердан поездга туш,
 Пахтазор бўйлаб йўл ол.
 Утасан дарёлардан,
 Тоғ, қирлардан бемалол.
 Поезд худди қуш каби
 Сени борар учириб,
 Қарши олар Зарафшон
 Тўлқинланиб кўпириб.
 Узоқдан тоғ устида
 Кўринар товланиб қор.
 Пахтазор, боғларда-чи,
 Яшнаб ётади баҳор.
 Боғда анжир, узумлар,
 Минг хил мева бунда бор.
 Майиз, нўхати билан
 Бу ерлар бўлган машҳур.
 Каттақўрғон, сояки
 Узуми жонга ҳузур.
 Бу диёр қадимлардан
 Жаҳонга таратган ном.
 Буюк олимларини
 Таниган бутун олам.
 Буюк Улугбекнинг ҳам
 Расадхонаси шунда.
 Дунёдан халқлар келар
 Зиёрат учун кунда.
 Қўк бўйи миноралар
 Қуёшда ялтирайди.
 Утмишни эслагандек,
 Гўёки қалтирайди.
 Бу нақшин гумбазларни
 Қўрган ота-бобомиз.
 Ғишт ўрнида калласин
 Қўйган, ҳатто, бобомиз.

Темурнинг қабри шунда,
Улуғбек мадрасаси.
Энди бизнинг замонда
Ўзгарар манзараси.
Баробар рус, тожик ҳам,
Зарафшондан ичар сув.
Ҳамма халқларга бирдек,
Илм макони СамДУ.
Қани, билсанг айт агар,
Бу қайси област, шаҳар?

III

Ҳикояни шу ерда
Бугун қолдирмоқ бўлдим.
Аммо завқ, диққат билан
Қулоқ соларди ўғлим.
Завқини бўлмайин деб,
Сўзимда қилдим давом.
Каттақўрғондан ўтиб,
Ошдим яна бир довон.
Олдимдан чиқди саҳро,
Саҳрода ғала-ғовур.
Машиналар овози,
Атрофда ётар қувур.
Саҳро ёнар иссиқдан,
Одамлар бўлса, ишлар.
Қаҳратон совуқда ҳам,
Улар шу ерда қишлар.
Бу одамлар на иссиқ,
На совуқдан чўчирди.
Қўм тоғларин шу мардлар
Бу ерлардан кўчирди.
Ҳатто уйлар қурилган,
Ҳатто экилган дарахт.
Чўлда ҳаёт яратган,



Шукрулло, Шайхзода, Қудрат Ҳикмат, Мамарасул Бобоевлар Ойбекнинг
уйида меҳмонда. 1959.

Бу қай шоввоз, қайси мард!
Сўрадим бу ер номин,
Номин дедилар Газли.
Бу ердан тарқалган газ
Ҳар уйни қилган файзли.
Бу ердан Уралга ҳам,
Тошкентга газ боради.
Ёруғлик ҳам иссиқлик,
Ҳаттоки файз боради.
Бу ердан нари юрсанг
Кўринар қадим шаҳар.
Миноралар устида
Ҳар куни эрта саҳар
Қалдирғочлар уйғонар,
Гумбазлардан сийғанар.
Буюк ҳаким Синонинг
Туғилган диёри бу.
Золим амирни қувиб,
Эркликка бўлган кўзгу.
Шаҳардан чиқиб борсанг,
Сайхонда ўтлар қўйлар.
Шу ерда етишади
Энг асил қорақўллар.
Қўзичоқлар маърайди,
Сени қутлаб сакрашар.
Қизғиш кулранг товланиб,
Ўт чимдиб қирдан ошар.
Бу ер қорақўл ҳам газ,
Пахтанинг ҳам макони.
Бу қайси область, шаҳар,
Шошмай ўйлаб кўр қани?

IV

Отга миниб бу ердан,
Яна чиқдим сафарга,

Олдинда сайхон қирлар,
Гўзал бўлур саҳарда.
Подаларнинг сони йўқ.
Сонимас, саноғи йўқ.
Аму қирғоғигача,
Ҳатто чегарагача,
Бир ён бориб этади.
Сенга завқ бахш этади.
Бу ерлар ёз маҳали
Тандирдек қизиб кетар.
Ҳатто учган қушлар ҳам
Ҳарсиллаб қўниб ўтар.
Бизнинг чегарачи-чи,
Асло билмайди ҳориш.
Иссиқдан ҳаллосламас,
Чўчитолмас совуқ қиш.
Ватанимиз тинчлигин
Қўриқлайди соқчилар.
Қуш учганин сезади,
Кун — кеча уйғоқ улар.
Ҳатто пионерлар ҳам
Соқчидек доим ҳушёр,
Булар ёш чегарачи,
Соқчиларга мададкор.
Амунинг у бетидан,
Қўринар Афғонистон.
Энг чегара бу область
Номини ўйлаб, осон,
Дарров айтишинг мумкин.
Ўйлаб боқ, ўғлим, секин...

V

Областу шаҳарларнинг
Ютуқларин санасам,
Бу мен айтиб берганлар

Туйилади жуда кам.
Ҳар бир область бир гулдек,
Бойлиги, чиройи бор.
Бирида куз бошланса,
Бирининг тоғида қор.
Энди қайиққа тушиб,
Аму бўйлаб сузайлик.
Чоржўй қирғоқларидан,
Тўрткўлдан ҳам ўзайлик.
Эркалаб Орол томон
Оқизар сени Аму.
Атрофи жингил ўрмон,
Бир ёғи қумлоқ мангу.
Тўқайзор орасида
Иўлбарсинг кўзи ёнар.
Кўлларнинг тепасида
Қушлар ўйнаб товланар.
Дарёнинг қирғоғидан
Кўринар кўм-кўк воҳа.
Бу ернинг табиати
Ўзига хос, бебаҳо.
Бу ерларда юз йиллик
Сада, қайрағочлар бор.
Ўтлоқ тепалик каби,
Кўринади улуғвор.
Полиздан узган каби
Қишда ҳам бўлур қовун.
Қор ҳам ёнади деган
Келиштирсанг қаловин,
Баҳорда узумлари
Ишкомдан узгансимон.
Ёзинг неъматин билан
Ҳамиша қилар меҳмон.
Қиз-йигитин ўйини,
Қўшиғи мафтун этар.
Шарақлатиб бармоғин,

Лазгига тушиб кетар.
Ҳар ҳунарга чевар халқ,
Музикани севар халқ.
Қани билсанг, айт агар,
Бу қайси область, шаҳар?

VI

Самолётга ўтириб
Бу ердан аста йўл ол.
Атрофда қум тепалар
Кўзга ташланар дарҳол.
Остингда чўл қушлари —
Бургутлар қоқар қанот.
Номи саҳро бўлса ҳам,
Атрофда янги ҳаёт
Нафаси гуркирайди,
Жайронлар диркиллайди.
Худди ип тортилгандек,
Пастда кўринади из.
Худди уйлар сузгандек,
Саҳрода елар поезд.
Самолёт учиб борар,
Воҳа қолар ортингда.
Бирдан қорли чўққилар,
Пайдо бўлар остингда.
Тоғларнинг ён бағрида,
Биз сўзлаган Самарқанд.
Самолёт ўтиб борар,
Тоғларни қилмай писанд.
Самолётда кезишнинг
Ажойиб бир гашти бор.
Сенга ҳуснин кўрсатар,
Минг рангда гўзал диёр.
Мана бирдан олдинда
Очар жамол Сирдарё.

Фарҳод ГЭС чироқлари
Юлдуздек порлар гўё.
Девқомат комбинатнинг
Қўринар трубаси.
Қўзни олар лангиллаб
Оққан пўлат шуъласи.
Бу шаҳарнинг ҳуснига
Расо қониб тўймадим,
Самолёт чарчов билмай,
Елдек учиб қўнмасдан,
Сени янги чаманлар,
Боғларга олиб борар,
Денгиз каби водийга,
Тоғларга олиб борар.
Денгиздек кўм-кўк водий,
Бу водий соҳиблари
Пахтакорлар авлоди.
Бу водий пахта кони,
Нозу неъмат макони.
Бир ёнда Шоҳимардон,
Тоғлари сени чорлар.
Марғилон қизларининг
Бир ён атласи порлар.
Тоғларнинг чўққисидан,
Сакраб ўйнайди оҳу.
Шу водий қизларидан,
Рақсни ўрганган у.
Баҳор тоғлар бағрида
Лола чўғдек ёнади.
Марғилоннинг атласи
Ундан ҳам товланади.
Беқасам тўн йигитлар,
Пахтада донг таратган.
Ёзёвон чўлларида,
Янги чаман яратган.
Фарғона канали ҳам,

Шу ердан оқиб ўтар.
Анжирзор, анорзорнинг
Бағрига ёқиб ўтар.
Водийнинг ўртасида
Қўринар гўзал шаҳар.
Юз йиллик чинорлар бор,
Гулзордан афзал шаҳар.
Қани билсанг айт агар,
Бу қайси область, шаҳар?

VII

Бу диёрнинг таърифин
Сўзласам бўлмас тамом.
Яна сафар қилайин
Янги чаманлар томон.
Ўғлим ё зерикдингми,
Ё сўзимни қилай бас?
Сафарга чиққан одам,
Бўлмоғи керак чапдаст.
Қир, тоғлардан ошганда,
Бургутдек бўлсин чаққон.
Қум, даштларни кезганда
Хатто билмасдан чанқов,
Енголсин тўсиқларни,
Йўлбарс-у, бўрсиқларни.
Дарёлардан кечишда,
Балиқдек сузғич бўлсин.
Мақсадга интилишда,
Қайтмовчи, ўзғич бўлсин.
Мард чиққанда сафарга
Билмас орқага қайтиш,
Хоҳ баҳор, хоҳ саратон,
Хоҳ бўлсин қаҳратон қиш.

Ўғлим эътибор билан
Тинглар эди сўзимни.
Бирга сафар қилгандек,
Ҳис этарди ўзини.
Завқини бўлмайин деб,
Сўзимда этдим давом.
Тоғ, қирлардан чарчамай,
Яна ошдик бир довон.
Машинамиз қишлоғ-у,
Шаҳарлар, кезиб борар.
Тепамизда чарх урган,
Қушлардан ўзиб борар.
Полвонтошни ёқалаб,
Борар эди машина.
Аммо бирдан тўхтади
Чиқолмай қир бошига.
Наҳотки йўлда қолсак,
Бензини бўлган тамом!
Йўловчи кўринмасди,
Унгир-тепа ҳар томон.
Тепаларнинг устидан
Кўзларимга ўша чоқ
Қатор нефть вишкаси,
Найзадек яроқ-яроқ,
Бирдан кўриниб қолди,
Қалбларга севинч солди.
Нефть самолётлар-у,
Машиналар қони-ку.
Бу ер шундай энг асил
Зўр бойликнинг қони-ку!
Бу областнинг номини
Бутун теварак билар.
Машинамиз гизиллаб,
Яна олдинга елар.
Асаканинг боғлари,
Шаҳрихоннинг сойлари

Сенга кўрсатар жамол.
Ҳусни билан қилар лол.
Энг мўл пахта ҳосили
Шу ерда етишади.
Энг бўлиқ мева-чева
Шу манзилда пишади.
Пахта терар машина
Гўёки зангор кема.
Сузганда, чин кемадан
Орқада қолар дема!
Энг донгдор капитани
Мелиқўзи шу ерда.
Пахтажорлар полвони,
Ширин сўзи шу ерда.
Улуғ сайёҳ, зўр шоир,
Бобирнинг диёри бу.
«Бобирнома»си билан
Жаҳонга танилган у.
Қани билсанг, айт агар,
Бу қайси, область, шаҳар?

VIII

Мен айтган ҳар областни
Деса бўлур бир юлдуз.
Бари бахт, гўзалликда
Гўё қуёшли кундуз.
Етти юлдуз ёнига
Янги юлдуз қўшилди.
Сирдарё бўйларида,
Янги ҳаёт жўш урди.
Қадимда бу ерларни
Мирзачўл-сахро дердик.
Одам зоти яшамас,
Ўзга бир дунё дердик.

Хатто қушлар учганда
Ҳансираб қолар эди,
Учқур жайрон бир соя
Топгунча толар эди.
Сирдарё сокин оқиб,
Икки ён чўл ёнарди.
Чалқан тушган лаққанинг
Қорнидек товланарди.
Саҳролар қуритарди
Сирдарёнинг тинкасин.
Хумор эди кўришга,
Дарахтлар кўланкасин.
Бу ер қаерлигини
Бўлар сўзламасам ҳам.
Лола сайрида бўлдик,
Иккимиз бу йил кўклам.
Теварак кафтдек текис,
Ўртада янги шаҳар.
Биолар товланади,
Нақшлари гўё зарҳал.
Қарич бўйи ғўзадан
Атроф гўё денгиздек.
Қирғоғи кўринмайди
Зўр денгизга тенгсиздек.
Ўғлим, бунинг ҳаммаси
Одамнинг қудратидан.
Одамнинг ақли, кучи,
Ғайрати, журъатидан.
Чиябўри ўрнида
Машиналар гувлайди
Чўл, саксовул ўрнида
Чаман боғлар гуллайди.
Номи Мирза чўл эмас,
Энди номи Янгиер.
Бутун республикага
Донг таратган, донгли ер.

Бу ер дўстлик шаҳари,
Бир уйда ўзбек, қозоқ.
Бир чойнакдан чой ичар
Москвалик рус ўртоқ.
Ўзбекнинг ялласига
Қозоқнинг жўр ўлани.
Қиз олиб, ер беришиб,
Қалбларин ҳам улади.
Боғларда сайри бирга,
Меҳнатга майли бирга.
Буларнинг дўстлигини,
Ўғлим, ўзинг кўрдинг-ку,
Буларнинг меҳнатига,
Ахир, қойил бўлдинг-ку!
Айтмасам ҳам бу ерни
Ўзинг билдинг беш қўлдек.
Мен эмас, дўстларингга
Ўзинг қилиб бер эртақ.

* * *

Ўғлим ўйланиб қолди,
Сўзимга зеҳн солди.
Ҳикояни шу ерга
Келганда мен тугатдим.
Сафар учун ўғлимда
Зўр иштиёқ уйғотдим.
Айтганларим чинлигин
Билмоқчи бўлсанг агар,
Қитоблардан ўқигин,
Харитага сол назар.
Айтганимнинг барисин
Тополмасанг агарда,
Ўғлим, ўлкамиз бўйлаб
Яна отлан сафарга.

ЎҒЛИМНИНГ ЖАВОБИ

Биринчи айтганингиз —
Шарқнинг машъали Тошкент.
Унинг шону шуҳрати
Денгиз тоғлардан ошган.
Иккинчиси Самарқанд,
Учинчиси Бухоро.
Бу шаҳар ҳам қадимдан
Машҳур жаҳонлараро.
Тўртинчи узоқ область
Сурхондарёлиги рост.
Қартага солсам разм,
Бешинчиси Хоразм.
Олтинчиси Фарғона,
Гўзалликда ягона.
Еттинчиси Андижон,
Пахтазор олтин макон.
Саккизинчи юлдуз, у,
Сирдарё области-ку!
Ҳар йил янги ўзгариш
Бўлиб турар; будир рост.
Қашқадарё азалдан
Яна машҳур бир область.
Отадан:
Айтганинг бари тўғри,
Зеҳнингга балли, ўғлим!

*Бу дostonим жонажон республикам
ва Ўзбекистон Компартиясининг
50 йиллигига тўғона*

I

Иккаламиз жим қолдик бирпас,
Иккаламиз толдик хаёлга.
Элитгандек баҳорий нафас
Варрак келиб ҳаттоки толга
Илинганин у на сезарди,
Хаёлида недир кезарди.

II

Учрашганда икки қадрдон
Қўнглидаги андуҳу алам,
Севинчларин кўрмаса баҳам
Не гашти бор?

Бизлар ҳам қачон

Учрашмайлик, одат бўйича
Сўрашгандан кейин ҳол-аҳвол,
Бу оламда не гап, деб пича
Ўтган-кетган, ёшликни дарҳол
Эслашардик, ёдга олардик,
Қушдек енгил бўлиб қолардик.

III

Бугун эса, дунё тақдири,
Мўъжизакор самолар сири,
Бу замоннинг ҳозир кетиши,
Одамларнинг севинч, ташвиши...

Хуллас, оддий киши ҳақида,
Бу дўстимнинг иши ҳақида
Суҳбатимиз қизиб кетди-ю,
Не учундир бирданига у
Жимиб қолди. Берганим савол
Борлигини қамраб олдим,
Вужудига гулу солдим,
Ўйлагандек ненидир шу тоб,
Саволимга бермасди жавоб.

IV

Иккаламиз бир маҳаллада,
Бир кўчада туғилиб-ўсдик.
Бирга бўлдик ҳамма паллада,
Ажрашмадик тирноғу пўстдек.
Хотирамда — баҳор кечаси
Иккаламиз учирган қўроқ.
Ариқдаги бўтана сувга
Барралардан қилиб оқизоқ,
Юрганларин эсладим у,
Элитдим и бир ширин туйғу?!.

V

Менга феъли ёшликдан аён,
Ўйинда ҳам билмасди алдов.
Агар биров сўзласа ёлғон
Қилар эди алғову далғов.
Оқшомлари эшик олдида
Йиғилишиб сўзлашсак эртак,
На амалдор, подшо бўлишга
Унда ҳавас сезмасдим жиндак.
Бирдан уриб тол отга қамчин,
Кетар эди ёзиб қулочин.

Ёшлигида бундай бир феъл
Унда қайдан бўлганин пайдо
Билмасам ҳам,

Ўтиб қанча йил

Шу ғурурни сезардим аммо.
Ҳозир оддий ишчи бўлса ҳам,
Ўзига бир ишонч ҳукмрон.
У қаерга қўймасин қадам
Хушомадни билмайди бир он.
Ё бу ғурур ўз виждонининг
Поклигига ишончиданми?
Меҳнат берган шараф-шонининг
Ё бахш этган қувончиданми?
Ёки Нурмат темирчи айтган
Қўшиқ сингиб унинг қонига,
Қонигамас, бутун жонига,
Балки шундай бир ҳис уйғотган.
У ким эди? Эслаб шу дафъа
Кўз ўнгимдан ўтказдим бир-бир.

VII

Қадимларда бизнинг маҳалла
Олмазор деб аталар эди.
Бир томони Дегрез, бир ёғи
Ўқчигача тақалар эди.
Ўтар эди маҳалламиздан
Асп жаллоблар, касби — карвонлар.
Савлат билан отга минганда
От белини буккан полвонлар.
Ёпқичига тақиб кўзмунчоқ,
Саманини йўртдирганлар ҳам,
Оти каби озғин ва қашшоқ
Аравада ўтирганлар ҳам,

Лиқ тўлатиб гилам хуржунин
Ўтаётган хоҳи бойвачча,
Хоҳ йўловчи, у ким бўлмасин
Тақачининг олдида пича
Тўхтар эди.

Отлар кишнаши,
Асовларнинг оёғин гоҳо
Одамларнинг зўрға ушлаши
Бўлар эди бизга томоша.

VIII

Ҳамма тарқаб, жимиб қоларди
Темирчининг дўкони гоҳо.
Дўстим кетмай қулоқ соларди
Унинг айтган куйига аммо.

ТЕМИРЧИ ҚУШИҒИ

Босқонни бос, бедовнинг
Ўт сачратсин тақаси.
Отлар қувганда ёвни
Ушлаб қолсин ёқасин.

Босқонни бос, то темир
Асл кетмон бўлгунча.
Болғани аямай ур,
Уни деҳқон кўргунча.

Босқонни бос, бос, ўғлим,
Деҳқонга бўлсин омоч.
Ҳосил бўлмаса тўкин,
Темирчи ҳам қолар оч.

Темирчининг кўксини
Ўт куйдирмас ҳеч қачон.

Сачраганда учқунни
Қайтарар қалқонсимон.

Темирчи заргар эмас,
Унинг қадри темирча.
Аммо унинг ғурурин
Буколмас унча-мунча!

Оловларда хас бўлмас,
Олов — қуёш парчаси.
Темирчининг қалби ҳам
Ўша ўтнинг лахчаси.

Босқонни бос, бос, ўғлим!

IX

Ёз чоғлари бу куй қулоққа
Ёқар эди айтгандек алла.
Чунки баҳор боғдорлар боққа
Қўчиб кетиб, ёзда маҳалла
Сув сепгандек жимиб қоларди,
Болалар ҳам камиб қоларди.
Шундай чоқда унинг болғаси
Теваракка киргизарди жон.
Бизлар унинг сеҳрли сасин
Бир чеккада қилмай тўполон
Тинглар эдик.

Баркаш кўкраги,
Ёдимда бор меҳрибон кўзи.
Араванинг ҳатто гупчагин
Қўтарарди елкада ўзи.

Чўнг қомати, қуюқ қошлари
Туюлса ҳам бизга девсимон,
Маҳалланинг ҳамма ёшлари,
Болаларга эди меҳрибон.

Эркаланиб ошиғимизга
Қуйдирардик баъзида қўлом.
Қўлом каби қулоғимизга
Қўшиғин ҳам эттириб давом,
Қуяр эди:

Ишчи бу заргар эмас,
Унинг қадри темирча.
Аммо унинг гурурин
Буколмас унча-мунча!

Недан эди унинг гурури,
Мағрурланган қай давлатига?
Ёки тақа қоққаниданми
Бойваччанинг гижинг отига?
У ҳеч кимга қаддин букмасди,
Чўчимасди ҳеч қандай зотдан.
Дўконига кимлар келмасди,
Ким келмасин тушарди отдан.
Нимадайди ундаги бу сир,
У чоғлари етмасди фаҳмим.
Нимасидир қиларди асир,
Несигадир келарди раҳмим.

.....
Хотирамда унинг ҳовлиси,
Сув бўйида ўсган бир туп тут.
Бир кафт ерда райҳоннинг иси
Гуркирарди. Ўзга қўру қут
Қўринмасди. Қуроқ кўрпача,
Намат узра қуроқ дастурхон.
Бу ҳовлидан гўё кечгача
Аримасди қуёш ҳам бир он.
Остонадан қачон суқма бош
Ҳамма нарса ярқирар эди.
Назаримда, гўёки қуёш
Шу ҳовлида барқ урар эди.
Унинг фаҳри шу уйдамиди,
Ёки айтган куйидамиди?..

Дўстим билан унинг ҳаётин
 Иккаламиз эсладик, бироқ.
 Аммо унга дўстим шуҳратин
 Таққос қилиб бўлмасди мутлоқ.
 Дўстим номин билмаганлар кам,
 Эл ичида қозонган шуҳрат.
 Балки шундай шону шуҳрат ҳам
 Ишчиликка қилганми даъват!
 Бир ёғи чин, бир ёғи ҳазил
 Сўзларимга кулиб қўйди-ю,
 Дўст бўлганим учун беҳижил
 Ўз қалбини очиб солди у.

XI

Мен ишчиман, оддий ишчига
 Ҳурматинг-чун ташаккур,

бироқ,

Оддий ишчи — у кимлигига
 Айтмасам ҳам мендан яхшироқ
 Тушунасан:

Темирчи заргар эмас,
 Унинг қадри темирча...

На олтин бор унда, на амал,
 Шу темирча қадри бор инсон.
 Бир кун замон тақдирини ҳал
 Қилади, деб ким ўйлаганди,
 Унинг қадрин ким сўйлаганди?!
 Аммо унинг бир бисоти бор,
 Бу — ҳар қандайин мақтовлару зар,
 Амаллардан кўра улуғвор.
 У нелигин истасанг билмоқ,

Дўстим, апрель қуёшига боқ.

У қуёшдан нени изларди,
Менга қандай жавоб кўзларди?

XII

Мен қуёшга боқдим у шу он,
Ажиб бир ҳис уйғотди осмон:
Болаликда ҳайрон қолардик
Қўқда юлдуз учса ногаҳон.
Мўъжизадек туюлар эди
Сайёралар диёри — осмон.
Бунда юлдуз жимирлашлари,
Руҳ илғамас само сирлари
Бизни судраб бепоёнликка
Ҳиссимизни қиларди асир,
Гоҳ кўнгилга солиб таҳлика
Тиз чўктирган у самовий сир.
Булутлардан чаққанда чақин,
Хуркиб қочган қадимий одам
Йиллар ўтиб, шу ўт парчасин
Гўё сақлаб темирларни ҳам
Эритолди. Ўша авлод ким?
Шунга ҳамкасб эмасми, дўстим!

Ибтидоий инсон аҳлининг
Такомили бўлган шу темир,
Замон ўтиб, жаҳон халқининг
Қуч тимсоли бўлди шу темир.
Чақмоқ чақса, булут қаъридан,
Қўқдан ерга тушарди яшин.
Энди инсон фазо бағрига
Чиқармоқда ернинг йўлдошин.

Кимда унинг қўлин изи бор?
Олимларнинг юксак фаҳмига
Меҳнатидан қўйган пойдевор
Ишчимасми? Шунини ўйлардим,
Бирдан бўлди фикримни дўстим.

ХІІІ

Қуёш нима? Жаҳонларга зеб
Бағишлаши ҳаммага аён.
Шунинг учун қайси қуёш деб
Сўрамаган ҳеч ким, ҳеч қачон.
Шон-шуҳратда шу қуёшсимон
Яралганми оламда бир зот!
Таниганми бутун бир жаҳон,
Тилга номин олганинг заҳот?
Шу саволни менга берди-ю,
Менга боқди нечундир мағрур.
Менинг ҳайрон бўлганимни у
Ҳис этдими, жилмайди масрур.
Мен ишчиман, хаёл етмаган
Фалсафамдан бўлмагин ҳайрон.
Бу дунёдан кимлар ўтмаган,
Не-не зотлар кечгани аён.
Бири олим, бири жаҳонгир,
Бири қилган худолик даъво.
Улар қанча бўлмасин машҳур
Номи тилга олинса, аммо,
У ким бўлган, қаердан, қачон
Ўтганлигин сўралган. Бироқ,
Ленин номи айтилган замон
У қайси деб, ҳеч кимса, ҳеч чоқ
Сўрамаган, бермаган савол.
Фазилати қуёшдек аён!

Қуёш берса бу оламга нур,
Ленин берди одамга ғурур,
Қуёш фақат тунни ёритди,
Ленин халқлар дардин аритди.
Шоҳ-гадога нур сочса қуёш,
Ленин бўлди ғарибга йўлдош.

Қуёш каби шу улугъ Ленин
Бутун давр ва бутун замон,
Инқилобнинг ҳатто тақдирин
Асрларча юпун бир инсон —
Ишчиларга ишонган экан,
Бу ишончдан бахт борми улкан!

XIV

Унинг сўзин тинглаганим он
Рўпарамда оддий ишчимас,
Қудратига ҳеч ким тенг келмас
Бир куч гўё бўлди намоён.
Бу сўзини тинглаганим он
Жаҳондаги эзилган халқнинг,
Жафо чеккан қадимий шарқнинг
Қиёфаси кўринди аён.

XV

Қадимларда алпомишларга
Олтин қилич қуйган ҳам ишчи.
Боболарнинг сағанасига
Ой шаклини ўйган ҳам ишчи.
Ул аждодлар бедовда чопиб
Ев устига қилганда юриш,
Сафарлардан ғалаба топиб
Тантанавор битганда уруш,
Қирққулоқли қозон осилиб

Элу юртга берилганда тўй,
Карнайлардан наъра тортилиб,
Таралганда бир хушхабар куй,
Шу карнаю дошқозон борми,
Қабрдаги ярқироқ ойми,
Кўксин тутиб дўзах ўтига,
Ҳаммасига шакл берган ким?
Ёв келганда унинг юртига,
Ғалабага кафил бўлган ким?
Бургутларни уриб туширган
Мерганларнинг камон ўқин ҳам,
Дами қилни қирқ ёрадиган
Чуст пичоғи, унинг кўркин ҳам
Билган қадим оловкормасми?!
Ўтда ёнмас шу девкормасми?
Минг йил кўксин оловга тутиб,
Мерганларга шон келтирди у,
Жангда дўстга жон келтирди у!
Лекин шунча замонлар ўтиб
Нима бўлди ишчининг қадри?
Ленинмасми қадрин кўтарган!
Унинг ёйдек қаддин кўтарган!

XVI

Дўстим билан қалбимиз гўё
Шу фурсатда тепарди бирдек.
Юзларида ўйнаб бир жило
Сўз бошлади қаддин тутиб тик:
Мен ҳам ўша ишчи авлоди,
Ҳа, менда ҳам ўша руҳ ҳоким.
Боболарнинг метиндек қадди,
Бир умрга билмовчи ўлим.
Ўтдек сўнмас жони ҳам менда,
Эътиқоди, шони ҳам менда.
Улар берди бизга эркинлик,

Қорачуғдек сақлағувчи мен.
Истадилар ҳаммага тенглик,
Истакларин оқлағувчи мен.

У кўзимга тикилди мағрур,
Жўш урарди унда бир туйғу.
Боболарга минг-минг ташаккур,
Инқилобни улар қилди-ю,
Аммо биз-чи!.. Деди-ю, шу тоб
Менга боқди кутгандек жавоб.

XVII

Хайрон қилди унинг бу сўзи,
Чувалашиб кетди ўйларим.
Бу саволни берганда ўзи
Нималарни ўйларди шу зум?
Ё бу билан қилган ишларин,
Буюклигин айтмоқчими у?
Ёки мени синамоқ учун
Илмоқ ташлаб кўришмиди бу?

XVIII

У умрида ёлғон тавозе,
Хушомадни билмади сира.
Нимадандир бўлмаса рози,
Қимдир қилса кўнглини хира,
У ҳеч кимдан билмасдан ҳадик,
Тортинмасдан сўзларди рўй-рост.
Кўнглидаги борин айтиб тик,
Гиналардан қиларди халос.
У меҳмонга ёзса дастурхон
Ё олдиға қўйса бир неъмат,
Борлигини кўз-кўз қилишу
Қўрманага қўймасди ҳеч вақт.
Бор-йўқлиги, оч-тўқлиги ҳам